2. Мамажонов М., Уралов Б., С.Хидиров. “Влияние гидроабразивного износа деталей центробежных и осевых насосов на эффективность эксплуатации оросительных насосных станций. ISSN 2181-8584., “Ирригация ва мелиорация” журналы, №1(15), Тошкент, 2019, 37-43 бет.
3. Шоазизов Ф., Уралов Б. ва бошқ. “Разработка компьютеризированной системы поддержки принятия решений по определению опасных зон затоплений”. XXII-Международная конференция “Передовые технологии Цивильной Инженерии”. Ташкент, Узбекистан, 18-21 апреля, 2019г.
4. Мамажонов М., Уралов Б., Турсунов Х. Изменение водоподдачи насосов. /Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2005. № 1. с.28-29.

УДК 625.122

ТЕХНОЛОГИЯ УКРЕПЛЕНИЯ ОТКОСОВ ЗЕМЛЯНОГО ПОЛОТНА ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГ ИЗ ПЕСЧАНЫХ ГРУНТОВ С ПРИМЕНЕНИЕМ ГЕОСИНТЕТИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ

Лесов К.С., к.т.н., доцент, **Таджибаев Ш.А.**—ассистент, **Кенжалиев М.К.**—младший научный сотрудник (Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта)

В статье приведена технология укрепления откосов земляного полотна железных дорог из песчаных грунтов с применением геосинтетических материалов. Даны конструктивные и технологические решения выполнения работ.

Ключевые слова: земляное полотно, насыпь, технология, укрепление откосов, грунты, геосинтетические материалы, анкер, технологическая схема, мониторинг, укладка геосинтетических материалов.

Қумли грунтли темир йўл ер полотноси қиялигини геосинтетик материалларни қўллаган ҳолда мутаҳкамлаш технологияси

Ушбу мақолада қумли грунтлардан барпо этилган темир йўл ер полотноси қиялигини геосинтетик материалларни қўллаган ҳолда мутаҳкамлаш технологияси келтирилган. Ишларни бажаришда конструктив ва технологик ечимлар берилган.

Калит сўзлар. Ер полотноси, кўтарма, технология, қияликларни мутаҳкамлаш, грунтлар, геосинтетик материаллар, анкер, технологик схема, мониторинг, геосинтетик материалларни ётқизиш.

Technology of strengthening of embankment of Railways of sandy soils with application of geosynthetic materials

This article reduced the technology of strengthening the slopes of the railway roadbed from sandy soils with the use of geosynthetic materials. Constructive and technological solutions execution of work are given.

Keywords. Subgrade, embankment, technology, slope strengthening, soils, geosynthetic materials, anchor, technological scheme, monitoring, laying of geosynthetic materials.

Введение. Долговечность, надежность и эксплуатационные показатели работы железных дорог Узбекистана зависят в целом от земляного полотна, проложенного в пустынной и степной подзонах, а также от противодеформационного и противодеформационного (ПДПД) укрепления земляного полотна от развевания.

Развитие и совершенствование работы железнодорожного транспорта, и повышение его эффективности, может быть обеспечено при высоком уровне надежности железнодорожного пути, эксплуатационной стабильности его несущего основания – земляного полотна, представляющего собой сложное техническое сооружение, возведенное и возводимое из песчаных грунтов сложного происхождения.

Актуальность. В общем числе мероприятий по повышению долговечности и эксплуатационной надежности, особое значение приобретает устойчивость ПДПД укрепления откосов земляного полотна [1]. Применение геосинтетических материалов в сложных погодноклиматических и грунтовых условиях может оказаться более существенным с точки зрения работоспособности и транспортно-эксплуатационной надежности конструкции, чем получение единовременной экономии средств [1, 2]. Мировой опыт применения геосинтетических материалов свидетельствует о их универсальности (обширное поле применения), экономичности (снижение затрат на строительство и эксплуатацию, экономию строительных материалов, сокращение сроков производства ра-

бот), экологичности (сокращение использования природных ресурсов).

Откосы земляного полотна железных дорог являются одним из самых уязвимых элементов при водном и ветровом воздействии. В общей структуре методов повышения эксплуатационной надежности и долговечности дорог всех категорий, первостепенное значение должно отводиться методам обеспечения устойчивости откосов земляного полотна.

Как показывает практика, а также выполненные исследования подтверждают, что в тех случаях, когда вопросам выбора типа и обеспечения устойчивости ПДПД укрепления откосов не придается должного значения, возникают деформации в пределах всего полотна (обочин, основной площадки, откосов), а также за ее пределами (водоотводных канав), на ликвидацию которых требуются значительные затраты. Вместе с тем, выбор типа, оценка и обеспечение устойчивости ПДПД укрепления откосов полотна является **актуальной задачей, требующей комплексного подхода.**

Технология производства работ по укреплению откосов земляного полотна с применением геосинтетических материалов. Для достижения требуемой надежности земляного полотна необходима разработка методов выбора типа ПДПД, обеспечение как общей, так и местной устойчивости откоса с ПДПД укреплением. Разработанная конструкция и технология ее создания особенно будут целесообразны при строительстве новых и уширении полотна

существующих железных дорог, где нет неразвезаемого грунта. Надо отметить, что именно для таких условий конкурентоспособными становятся несколько типов из числа новых перспективных геосинтетических материалов.

При этом, окончательное решение, очевидно, должно быть принято на основе технико-экономического сравнения новых конструкций между собой, с учетом имеющихся в наличии местных материалов. Рекомендации по выбору параметров технологических схем являются результатами экспериментального этапа. При разработке технологии укрепления откосов земляного полотна железных дорог из песчаных грунтов с применением геосинтетических материалов учтены требования нормативных документов [3, 4].

При укреплении откосов земляного полотна применяются геоматы - трехмерные водопроницаемые хаотичные структуры из полимерных материалов, соединенных между собой термическим способом, которые используются для закрепления грунтовых частей, корней трав или небольших растений. Геоматы следует применять в соответствии с проектными решениями в качестве армирующих составляющих для создания устойчивого растительного покрова, с целью предотвращения эрозионных процессов. Конструктивные решения применения геоматов принимаются в соответствии с действующими нормативными и методическими документами, расчетами.

При укреплении откосов геоматы служат постоянным элементом, выполняющим, в первую очередь, функцию защиты и играющим роль: покрытия на откосе, арматуры, повышающей устойчивость грунтов поверхностной зоны откоса, фильтра, предотвращающего вынос частиц грунтовыми водами. Как правило, геоматы используют в комбинации с другими типами укрепления: биологическими, несущими, защитными и изолирующими. Геомат должен располагаться между двумя слоями растительного грунта. Такая конструкция будет оптимальной, обеспечит быстрейшую всхожесть семян и армирование корневой системы, создаст наибольшее сопротивление процессам эрозии (рис.1).

При укладке геоматов, в применяемые обычно технологии дополнительно вводятся операции:

- перед началом укрепительных работ необходимо выполнить подготовку поверхности откосов насыпей (планировку, уборку крупных посторонних предметов);

- отсыпка на откос растительного грунта, его планировка. Отсыпка растительного грунта может выполняться как механизированным, так и ручным способом, в зависимости от объемов выполняемых работ. Откос не должен включать

комья грунта диаметром более 5 см; при наличии подобных включений, эти комья должны разбиваться граблями вручную;




Рисунок 1. Конструктивная схема по применению противозрозионных геоматов при укреплении откосов земляного полотна.

- подготовка траншеи вдоль бровки земляного полотна для закрепления прослойки в верхней его части. Подготовку траншеи выполняют, если не предусмотрен иной вариант закрепления геоматов в верхней части откоса (например, путем укладки ее под конструкцию укрепления обочин). Траншеею треугольного сечения с заложением откосов 1:2 глубиной 0,4 м или трапециевидального сечения с заложением откосов 1:1 глубиной 0,3 м и шириной (по низу) 0,2 м устраивают на расстоянии 0,2 - 0,6 м от бровки земляного полотна;

- устройство анкерной канавы в основании откоса для крепления геоматов возможно производить с помощью автогрейдера или экскаватора;

- транспортировка рулонов геоматов к месту производства работ, их разгрузка и распределение вдоль откоса, подготовка рулонов к укладке. Рулоны транспортируют и распределяют вдоль бровки через определенное расстояние, зависящее от длины материала в рулоне, длины образующей откоса;

- укладка геоматов производится сверху вниз с заделкой ее в верхней и нижней части анкерами. Анкерные траншеи после укладки геомата заполняют песчано-гравийной смесью, щебнем или местным грунтом и уплотняют. Соседние полотна укладываются параллельно с нахлестом 0,2 м и закреплением скобами-анкерами. Анкера представляют собой Г-образные или П-образные стержни из проволоки диаметром 5-6мм длиной 30 см с заостренными нижними концами. Закрепление необходимо для фиксации полотен в проектном положении, предотвращения их смещения от действия ветровой нагрузки и в процессе отсыпки вышележащего грунтового слоя;

- анкера и скобы в процессе укладки устанавливают в 2 - 3 точках по ширине рулона через 5 - 6 м по его длине. Работы могут проводиться в одном или двухнаправлениях в пра-

вую и левую стороны вручную;

- засыпка растительного грунта поверх геоматов производится с помощью экскаваторов или фронтальных погрузчиков сверху – вниз. Разравнивание и уплотнение грунта производится вручную с постепенным перемещением по линии фронта работ. Сеять семена лучше всего в начале вегетационного периода растений, наиболее благоприятного для их развития. Приблизительный расход семян - 40 г на 1 м² поверхности. Две трети семян засеивается на открытые геоматы или на поверхность склона перед укладкой, а одна треть, - после засыпки материала растительным грунтом. В некоторых случаях (при большой скорости потока воды), геомат целесообразно заполнять отсевом щебня фракции 6-10 мм. Толщина засыпки геоматов определяется проектом. Перед отсыпкой почвенно-растительного грунта и щебня проверяют качество укладки геоматов путем визуального осмотра. Выполняется проверка сплошности, качества стыковки полотен и по результатам осмотра составляют акт на скрытые работы.

Укладку геоматов необходимо начинать сразу после проведения подготовительных работ. Должен соблюдаться максимальный период, в течение которого допускается воздействие на полимерный армоэлемент прямого солнечного света. С момента удаления с рулона защитной обертки и до засыпки слоем грунта, в соответствии с [5], должно пройти не более 7 часов.

Устройство комбинированных конструкций укрепления откосов с применением полотен геосинтетических материалов, выполняют с учетом положений [4]. Геосинтетические материалы укладывают по подготовительному слою или слою растительного грунта в соответствии с технологической схемой выполнения работ (рис. 2).

Выбор конструкции укрепления и его технико-экономическое обоснование. Оценка экономического эффектановой конструкции ПДПД укрепления откоса (с новой технологией сооружения) сводится к определению годового экономического эффекта с учетом приведения сравниваемого варианта к новому качеству [1]:

$$\Delta = S(\Pi_1 - \Pi_2) = S[(C_1 + EK_1)U - (C_2 + EK_2)],$$

где S – площадь укрепляемой поверхности откоса, м²; Π_1 , Π_2 – приведенные сопоставимые затраты сравниваемых конструкций ПДПД укрепления, сум; C_1 , C_2 – сопоставимые себестоимости работ, сум; E – нормируемый коэффициент эффективности капитальных вложений, равный 0,12; U – коэффициент приведения к новому качеству (в данном случае поверхностных слоев ПДПД укрепления откоса при ПДПД укреплении их новой конструкцией с

учетом отдаленности затрат).

Средства малой механизации, оборудование, инструмент и технологическая оснастка, необходимые для выполнения работ по укреплению земляного полотна, должны быть скомплектованы в нормоконтакты в соответствии с технологией выполняемых работ.




Рисунок 2. Технологическая схема укрепления откосов земляного полотна геоматами.

В процессе укрепления откосов насыпи необходимо проводить операционный контроль качества работ по укреплению откосов насыпи земляного полотна, который выполняют в соответствии с требованиями нормативных документов [6, 7, 8]. Это позволит своевременно выявить дефекты и принять меры по их устранению и предупреждению. При производстве

работ по укреплению откосов земляного полотна геосинтетическими материалами необходимо соблюдать требования, приведённые в [9].

Заключение.

1. Техническая политика на железнодорожном транспорте Узбекистана, направленная на сохранение достигнутого веса поезда и статической нагрузки, ведет к росту силового воздействия на путь. К этому же имеется тенденция повышения скоростей движения поездов.

2. Необходимость и целесообразность ПДПД укрепления откосов земляного полотна железных дорог из песчаных грунтов должна устанавливаться только на основе расчета толщины слоя и оценки устойчивости ПДПД укрепления. Необходимо рассмотреть качественную и количественную оценку устойчивости ПДПД укрепления откосов полотна.

3. Для обеспечения и повышения местной устойчивости ПДПД укреплений откосов необходимо выбирать самый надежный, но и самый экономичный вариант для конкретных условий.

4. Несмотря на то, что стоимость геоматериалов довольно-таки высока, сфера их применения от этого не уменьшается. Это не только дорожное, но и природоохранное, гидротехническое и подземное строительство. В основном, геосинтетики используются тогда, когда их применение экономически оправдано или при отсутствии других возможных решений.

Литература

1. Закиров Р. С., Омаров А.Д. Противодеформационное укрепление земляного полотна из песчаного грунта в Казахстане. Алматы: «Ғылым», 1999.- 164 с.
2. Луцкий С.Я., Шепитько Т.В., Токарев П.М., Черкасов А.М. Выбор организационно-технологических решений на строительстве путей сообщения: Учебник. /Под ред. С.Я.Луцкого, Т.В. Шепитько. - М.: МИИТ, 2009. - 311 с.
3. Свод правил СП 78.13330.2012. Автомобильные дороги. Актуализированная редакция СНиП 3.06.03-85.
4. ОДМ 218.5.003-2010. «Рекомендации по применению геосинтетических материалов при строительстве и ремонте автомобильных дорог» от 01 февраля 2010 г. №71-р.
5. Стандарт организации СТО 00205009-002-2006 Маты трехмерные (геоматы) марки МТ. Технические условия. ОАО «Стеклонит». Уфа, 2006.
6. КМК 3.02.01-97. Земляные сооружения, основания и фундаменты.
7. ШНК 3.01.01-0.3 Организация строительного производства.
8. ОДМ 218.2.046-2014 «Рекомендации по выбору и контролю качества геосинтетических материалов, применяемых в дорожном строительстве» от 11 августа 2014 г. №1472-р.
9. КМК 3.01.02-00. Техника безопасности в строительстве. Утвержден Госархитектстроём РУз от 17.07.2000 №38.

УДК 628.1.12

СУВ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ИНШОТЛАРИДАГИ ҚУДУҚЛАР ДЕБИТИНИ ЎЗГАРИШИДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Гадаев Абдор Ниязович., т.ф.н, проф.; **Ганиева Дилнора Умирзаковна**, ўқитувчи,
Самарқанд давлат архитектура қууурилиш институти
Алибекова Назира, Жиззах политехника институти
e-mail: agadaev@hotmail.com

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг сув таъминоти тизимида асосан ер ости сувларидан фойдаланилади ва бу ер остидан сув олиш иншоотлари билан боғлиқ муаамолар ечими долзарблигини кўрсатади. Бу ер ости сувларини барқарор бошқаришни ва оқилонга фойдаланишни талаб этади. Ушбу тадқиқот ишлари инновацион характерга эга бўлиб, унга кўра замонавий талаблар асосида шакллантирилган фоя ва таклифлар сув таъминоти тизими иншоотлари самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

Калит сўзлар: Сув ресурслари, қудуқлар, дебит, барқарор бошқариш, колматация, тузлар, минераллар, қайта тиклаш.

В Узбекистане и остальных Центрально Азиатских странах в основном используют поземные воды, это показывает актуальности исследований, связанные с решением проблем водозаборных сооружений из подземных источников. Это требует устойчивого управления подземными водами и их рационального использования. Данные исследования носят инновационный характер, согласно которому сформулированные идеи и рекомендации, которые служат для повышения их эффективности.

Ключевые слова: Водные ресурсы, скважины, дебит, устойчивое управление, кольматация, соли, минералы, восстановление.

In Uzbekistan and other Central Asian countries mostly use ground waters and researches related to solve their problem show how they are urgent. It requests a sustainable management and rational using of ground waters. This article devoted to the increasing of the efficiency of water well which is the first part of the water supply system. Also sustainable water resources management is the main goal of the researches and investigations.

Key words: Water resources, water wells, debit, sustainable management, clogging, salts, minerals, rehabilitation.

Кириш. Сув таъминотига бўлган талаб ва шунга мос ҳолда иншоотлар тизими қувватлари ошиши, техник жиҳатдан такомиллашуви, шу билан бирга улар ишини бошқаришни мураккаблаштирмакда. Ер ости манбаларидан сув олувчи иншоотлар мажмуасига истеъмолчиларнинг талаби ошиб бориши натижасида уларга янги, замонавий, ишончли ва барқарор ишлаш талаблари қўйилмоқда. Таҳлил қилинаётган Даҳбет сув олиш иншооти мажмуаси Самарқанд шаҳрининг сув таъминоти тизимига хизмат қиладиган сув қабул қилиш иншоотлари мажмуаси бўлиб, унинг худудида ўртача чуқурликдаги артезиан қудуқлари жойлашган. Узок йиллар давомида иншоотларни ишлаши натижасида эскириши, қудуқ филтрларига ва сув келиш йўлларида тузлар ва коррозия элементларини чўкиши улар самарадорлигини пасайиши ва бу ўз навбатида сув таъминоти тизими ишида узилишларга сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот методологияси. Қудуқлар дебитини пасайиши улардаги сатҳ пасайиши ва солиштирма дебит камайиши орқали таҳлил қилинади. Бунинг учун қудуқларни дастлабки ва маълум давр ишлагандан кейинги гидравлик ҳисоблари бажарилиши керак. Қудуқларнинг гидравлик ҳисобидан асосий мақсад:

қудуқларнинг дебитини аниқлаш;

қудуқ ишлаши давомида ундаги сув статик сатҳининг пасайишини аниқлаш;

бир қатламда ишлаётган қудуқлар орасидаги ўзаро таъсирни аниқлаш.

Қудуқдаги сув статик сатҳининг чекланган пасайиши – $S_{\text{ч}}$, лойиҳа топшириғида берилган сув сарфи, яъни истеъмолчи томонидан талаб қилинаётган сув сарфи – $Q_{\text{т}}$ га боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ҳисоблашларда $S_{\text{ч}}$ нинг дастлабки қийматлари қуйидаги ифодалардан фойдаланиб топилади:

а) босимли қудуқлар учун:

$$S_{\text{ч}} \approx -(0,3...0,5)m + H - H_{\text{н}} - \Delta H_{\text{ф}}, \text{ м} \quad (1)$$

бу ерда: H босимли қатламлардаги сувнинг босими, м; $H_{\text{н}}$ – сувнинг динамик сатҳидан насоснинг энг пастки нуқтасигача бўлган масофа, м; $\Delta H_{\text{ф}}$ – қатламдан оқиб келаётган сув босимининг йўқолиши, унинг қиймати филтр ва қудуқ атрофидаги жинсларнинг сув оқимида кўрсатадиган қаршилигига боғлиқ ҳолда аниқланади; m – босимли сув берувчи қатлам қалинлиги, м;

Қудуқларининг гидравлик ҳисобини бажаришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш тавсия этилади.

Қудуқларнинг дебити сув берувчи қатламнинг асосий тавсифи

Қудуқнинг муҳандислик тафсилоти.

Сув берадиган қатлам босимли, қатламдаги сув ҳаракати барқарор бўлади. Агар қудуқ дебити пайишида ташқи омиллар таъсири сузилса, бу ҳолда уларни алоҳида ўрганиш ва дебит пасайишидаги улушини аниқлаш тавсия этилади. Артезиан қудуқларининг сув бериш қобилиятини аниқлашда юқоридаги кўрсаткичлар ва уларни алоҳида таъсири ҳисобга олиниши шарт. Энди қудуқ дебитини аниқлашдаги хусусий ҳолларни кўриб чиқамиз. Сув ҳаракати барқарор бўлган қатламда ишлаётган артезиан қудуғининг сув сарфи Дюпюи ифодасидан фойдаланиб аниқланади:

бу босимли қатламлар учун:

$$Q = \frac{2,73 \cdot k \cdot m \cdot s}{\lg \frac{R}{r}}, \text{ м}^3/\text{сут.} \quad (3),$$

бу ерда: k – сувли қатламни ташкил этувчи жинснинг сизувчанлик коэффиценти, м/сут; m – сув берувчи қатлам қалинлиги, м; s – қудуқдаги сув статик сатҳининг пасайиши, м; r – қудуқ радиуси, м; R – қудуқнинг таъсир радиуси, м;

Шунингдек, келажак ривожланиш йиллари давомида сувга бўлган эҳтиёжнинг ошуви, тайёрлаш технологиясини такомиллашуви, қудуқларда замонавий сув кўтариш насослари, филтрлари, ер ости сувлари дебитини ўзгариш мониторинги учун ахборот технологияларини сўнгги натижаларини қўлланилиши, “истеъмолчи-сув бериш тизими” ўртасидаги муносабатларни барқарор ривожланиш талаблари асосида ўзгариши, сувни тежашни стимуллашуви ва сув тарифини бошқа ресурсларга нисбатан ўзгариши ҳисобга олиниши керак.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда муаллифлар томонидан Даҳбет сув қабул қилиш иншоотлари мажмуасидаги асосий иншоотлари ҳисобланган қудуқларнинг ўзаро жойлашув ўрни, улар орасидаги масофа ва боғловчи тармоқ конфигурацияси, сув берувчи қатлам тавсилотлари таҳлил қилинган. Натижалар тўлиқ ўрганиб чиқилганда қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- қудуқда ўрнатилган насосларнинг сув олиши ва қудуқнинг сув бериш қобилияти, яъни дебити ўртасидаги мослик мавжуд эмаслиги аниқланди ва бу ташқи ва ички омилларнинг биргаликдаги таъси натижасида дебит пасайиши кузатилади;

- қудуққа ўрнатилган филтрлар ва алоҳида шакллантирилган филтрлар соҳаси шағал тошлари орқали сувнинг қудуққа оқиб келиши кескин пасайиши кузатилади ва бу яъни лойиҳа асосида жиҳозланган насосларни қутилмаганда

куйиб қолишига олиб келади;

- кудукларни узоқ ишлаши ҳисобига уларнинг филтрлари ва филтролди соҳаси шағал қатламида колматация ҳисобига филтрация коэффицентни пасайганлиги аниқланди - бу кудукнинг ҳақиқий дебети ва унга ўрнатилган насоснинг сув олиш қобилияти ўртасидаги балансни бузилишига сабаб бўлган;

- кудукларни ўзаро боғловчи ва улар сувини ТСХга етказувчи тармоқда босимлар фарқини дифференсация қилиш амалга оширилмаганлиги улар бир бирини босим орқали таъсирлашувига ва натижада олинадиган сувнинг ҳақиқий миқдори лойиҳавий кўрсаткичдан паст бўлишига олиб келган.

Юқоридаги муаммолар сабабли Самарқанд шаҳрига сув беришда Дахбет сув иншоотлари улуши камайиш ҳоллари юз берган. Натижада шаҳарга сув бериш графигида узилишлар ва сув сарфи, босими камайишлари юзага келган.

Ушбу мақолада юқорида қайд этилган муаммоларни ечимлари ва уларни навбатдаги босқичда юзага келишини олдини олиш чоратадбирлари устида иш олиб борилмоқда. Ҳар бир муаммолани вазият алоҳида таҳлил қилиниб уларни муҳимлик даражаси бўйича ечимлари аниқланади ва иншоотнинг сув бериш самарадорлигини оширишдаги улиши ҳисобига умумий иқтисодий самара ҳисоблаб чиқилади. Чора тадбирлар барқарор ривожланиш таъминидан келиб чиққан ҳолда, келгусида кам сув ҳисобига истемолчининг ошиб бораётган талаби қондирилишига асосланади. Қуйида шундай муаммолардан бири артезиан кудук масофавий видео таҳлили натижасидаги реал ҳолат кўрсатилган.



1-расм. Дахбет сув иншоотдаги кудук филтр кисмидаги колматация жараёни кўрсатилган.

Кудук тўлиқ диагностика қилиниб, уни натижалари таҳлил қилинган ва муаммо аниқланган ушбу муаммоларни бартараф қилиш, яъни кудук дебитини қайта тиклаш усулларини танлашга ўтамиз.

Сув қабул қилиш кудукларини регенерация қилиш, яъни улар самарадорлигини қайта тиклаш усуллари ва уларни амалга ошириш

технологияси илмий асосланган ҳамда такомиллаштирилган асосда ишлаб чиқилиши керак. Филтрлар билан жихозланган кудуклар дебитини тиклашдан асосий мақсад - бу филтр ва филтролди соҳасидаги сув йўлларида чўкиб қолган туз ва бошқа қолдиқлардан иборат кольматантни (туз, қум ва металл зангларидан иборат мураккаб таркибли) йўқотиш, яъни ер ости сувларининг кудукқа оқиб келишига кўрсатиладиган қўшимча қаршилиқларни камайтиришдан иборат жараёнлар мажмуаси ҳисобланади. Ушбу жараённинг ўзига хос қийинчилиги шундан иборатки, филтрнинг ташқи юзасига ва филтр олди соҳаси грунтлар ғовақларидаги чўкмаларни тозалаш бир мунча мураккаб ҳисобланади. Ушбу масалани ижобий ечимига кольматантни ҳосил қилувчи тузлар, майда қум зарралари кудук металл жихозлари коррозия маҳсулоти бўлган занглardan ташкил топган цементсимон қаттиқ чўкмаларни реагентлар ёрдамида эритиш, ёки уларга турли импульслар ёрдамида таъсир этиб майдалаш, ҳамда уларни гидроокимлар ёрдамида олиб чиқиш орқали эришилади. Мустаҳкам чўкмаларни майдалашда улар зарралари ўлчами сув ҳаракатланадиган ғовақлар ўлчамидан кичик бўлишига эришиш талаб этилади. Кудук, филтри ва филтролди соҳаси (яъни шағал қатлам)даги чўкмаларнинг йўқотилиши самарадорлиги ҳар бир усулда турли даражада бўлиши мумкин.

Қуйида ер ости сувларининг кудукқа оқиб келиш самарадорлигини, яъни кудук, дебитини тиклаш усуллари ҳақида мукамал тухталиб ўтамиз.

Кудуклар самарадорлигини тиклаш жараёнида улар филтрларига ва филтролди соҳасига кўрсатиладиган таъсир турларига боғлиқ ҳолда уларни реагентли, импульсли ва импульсли реагентли усулларга ажратиш мумкин. Классификациядаги биринчи гуруҳ усуллари, яъни реагентли усуллар кудук самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлган кольматантни турли реагентлар ёрдамида эритишга асосланади. Бу усулларга асосан регенерация жараёни кудук тафсилотига, унинг филтри ва бошқа жихозлари ясалган ашёларга боғлиқ ҳолда реагент турини танлаш ҳамда технологик жараён самарадорлигини таъминловчи параметрларни аниқлашдан иборат бўлади. Бундай параметрларга реагент концентрацияси, унинг кислотали ёки ишқорли муҳитини кўрсатадиган рН кўрсаткичи, ишлов бериш вақти ва ҳарорати металл жихозларининг коррозияси олдини олиш тадбирлари киради. Бундан ташқари кудукқа ишлов бериш жараёнини назорат қилиш ва унинг тугаш вақтини белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Реагентли усуллар ёрдамида кудукқа ишлов бериш ва уни дебитини тиклаш учун турли реа-

гентлардан фойдаланилади. Улар жумласига нейтралловчи, қайтарувчи ва комплекс ҳосил қилувчи реагентлар қиради. Реагентли усулли чўкмаларни эритиш орқали қудуқнинг сув йулларини тозалашга асосланган. Ушбу усулнинг мураккаблиги ҳар бир қудуқ, учун реагентнинг алоҳида танланиши ва фойдаланиладиган реагентнинг концентрациясини аниқлашдан иборат.

Реагентлар асосан қудуқ филтри ва филтротролди соҳасидаги чўкмаларнинг кимёвий минералогик таркибига боғлиқ, ҳолда танланади. Бундан ташқари, чўкмага таъсир этувчи реагент қудуқ жихозларига, деворларига ва сувли қатламни ҳосил қилган жинсларга ҳам таъсир этишини, ҳамда улар мустаҳкамлигининг пасайишига сабаб бўлишини ҳам ҳисобга олиш керак. Бунинг олдини олиш учун махсус коррозия ингибиторлари (реагентнинг коррозия таъсирини пасайтириш учун, ишлатиладиган махсус қўшимча) қўшилади, лекин бундай усул ҳамиша ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу биринчидан қудуқдаги кимёвий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатади, иккинчидан ҳар қандай реагент қўшимча сарф харажат демакдир.

Хулоса. Қудуқ иш тартибининг бузилишига ер ости сувларининг сифати муҳим аҳамиятга эга. Аксарият ҳолларда ишлаб турган қудуқдаги сув сифатининг ёмонлашуви санитар куриклаш зонасининг талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

Ушбу мақола муаллифлари томонидан эскирган ва дебити пасайган қудуқларни қайта таъмирлаш ҳамда уларни самарадорлигини

қайта тиклаш таклифи киритилмоқда. Ушбу мақолада таклифнинг тўлиқ иқтисодий самараси ва экологик афзалликлари ҳақида мукамал тўхталиш имкони йўқлигини ҳисобга олиб кейинги мақолада ушбу тавсиялар берилади.

Адабиётлар:

1. А.Н.Гадаев, Д.К.Жумамуратов. “Устойчивое развитие и управление водными ресурсами в Узбекистане» Украина, Донецк архитектура ва қурилиш академиясининг илмий журнали 2019 №3 сони.
2. Soatov U.A., Gadaev A.N., Boboeva G.S. "Suv qabul qilish inshootlari" Samarqand-2006
3. Ларс Риден, Наталя Акиншина Табиий ресурсларни бошқариш ва улардан барқарор фойдаланиш. Тошкент Хаёт-нашр 2016.
4. Disaster by Design: Aral Sea Sustainability and its lessons. Prof. Michael Edelstein, Astrid Cyerny, Abror Gadaev, UK, London 2012.
5. Intiaz Rangwala & James R. Miller. Climate change in mountains: a review of elevation-dependent warming and its possible causes. Climatic Change DOI 10.1007/s10584-012-0419-3
6. Гадаев А.Н., Ганиева Д.У., Холикулов Ш.Х., Дахбет сув олиш иншооти ҳудудида артезиан қудуқлари ишини таҳлили. Нукус, 2015.
7. Гадаев А.Н., Жураев А. Узоқ муддат ишлаш ҳисобига дебити пасайган қудуқлар қолмантининг кимёвий ва минералогик таркибини ўрганиш, Бухоро муҳандислик технологиялари институти илмий журнали. 2019 №4.
8. www.uzwater.ktu.lt
9. www.unep.org.

628 -УДК

АВТОМАБИЛЛАРНИ ЮВИШ ВА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАСИДАН ЧИҚАЁТГАН ОҚОВА СУВЛАРДАН ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.

Халилов Н. и.ф.н, доцент, Урақова Н. магистр

Мазкур мақолада автомобил ювиш шаҳобчалари оқова сувларидан қайта фойдаланишни ташкил этиб сув сарфидан оқилона фойдаланиш системаларини ташкил этиш тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, корхоналарнинг сув таъминоти тизимларида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари, истикболлари ҳақида таклифлар келтирилган.

This article gives informations about reusage of water in car washing places and creating helpful systems against expending use of water. Besides that, there is some suggestions and solutions about problems that is faced by firms and corporations by the systems of water supply.

В данной статье приведены системы рационального использование водных ресурсов и водосток на автомойках путём их переработки. Также, приведены различные проблемы систем водоснабжения в предприятиях и пути их решения, перспективы.

Таянч сўз ва иборалар: автомобил ювиш шаҳобчаси, машинасозлик, ёнлиги, кимё, нефт-кимё ва озик-овқат саноати, кора ва рангли металлургия, ёпиқ занжирли (айланма)

Сув энг муҳим табиий ресурслардан бири бўлиб, у ёки бу мамлакатларнинг техникавий ва социал тараккиётини белгилайди. Чучук сувнинг истеъмол қилинадиган микдори бошқа барча табиий ресурслар микдоридан юз баравар

кўпроқдир. Хусусан сувнинг айланиши моддаларнинг техноген айланишининг ва у билан боғланган энергиянинг экология-иқтисодий тизимларда ўзгаришининг асосини ташкил этади. Бизнинг планетамиз сув ресурсларига бой,

лекин чучук сув улуши 2% атрофига яқинини ташкил қилса, ишлатишга яроқлиси эса ҳаммаси бўлиб 0.01% га тўғри келади.

Ўта кўп сув ишлатиладиган хўжалик тармоқларига—энергетика, машинасозлик, целлюлоза-қоғоз, ёнилғи, кимё, нефт-кимё ва озик-овқат саноати, қора ва рангли металургия ҳамда уй-жой коммунал ва қишлоқ хўжалик тармоқлари киради.

Тоза сувни самарали ишлатиш миқдорини камайтиришнинг асосий йўли — бу ёпиқ занжирли айланма сув таъминлаш тизимларини системаларини ташкил этишдир. Ёпиқ занжирли айланма усулда сувни ишлатиш унинг сарфини 10—50 марта камайтиради. Масалан, енгил автомашиналарни ювиш учун 250-300 литр сув сарф бўлса айланма усулда 25-30 литр сув сарф бўлади. Ушбу усулда капитал ва эксплуатацион сарф-харажатлар ҳам камаяди. Ҳозирги кунда саноат ишлаб чиқариш тармоғига тегишли ҳамма корхоналарда сувларни ишлатиш айланма тизимда ишлаш системасидан фойдаланишга қаратилляпти. Масалан, кимё саноатида бу усул 82,5 % гача ўсди. Айланма системада қўлланиладиган сув қатор талабларга жавоб бериши керак:

- 1) карбонат қаттиқлигига; сув муҳитига - п X га;
- 2) муаллақ ва биоген зарралар миқдорига;
- 3) сувнинг БПК ва ХПК кўрсаткичларига.

Ёпиқ занжирли айланма сув таъминоти асосан унинг кўп қисми буғланиш ёки сачраш оқибатида йўқолади. Бундан ташқари сув ишлатиш мобайнида қисман коррозия маҳсулоти ва биологик моддалар билан ифлосланиши мумкин. Шунинг учун вақти-вақти билан системадаги сувнинг бир қисми янги сув билан тўлдирилади. Сув қувурлар ва иссиқлик алмаштиргичлари ичида ҳаракатланиши натижасида уларнинг деворларида калсий карбонат қуйидаги реакция асосида ҳосил бўлиб, ўтириб қолади:




Калций карбонатнинг сувда эриши ҳароратни кўтарилиши билан пасаяди.

Шунинг учун айланма системаларда ишлатиладиган сувламинг қаттиқлиги паст бўлиши лозим ва бундай сувлар ишлатилишидан олдин албатта махсус технология асосида тузсизлан-тирилиши лозим.

Оқова сувларнинг ҳосил бўлиши, ташланиши ва улар билан сув ҳавзаларини ифлосланишини камайтиришнинг асосий йўналишларидан бири — ёпиқ занжирли айланма сув таъминоти системаларини ташкил этишдир. Ёпиқ занжирли айланма сув таъминоти системаларида сув бир неча марта тозаланмасдан ишлати-

лади ва ушбу сув очиқ сув ҳавзаларига ташланмайди. Ёпиқ занжирли айланма сув таъминоти системалари янги тоза сув билан фақат системада сув камайганда ёки ишлатиладиган сув яроқсиз ҳолга келганда қўшилади.



Ёпиқ занжирли айланма сув таъминоти схемаси:
 А) сувни совутиш билан; Б) сувни тозалаш билан;
 С) тозалаш ва совутиш билан.

Ёпиқ занжирли айланма сув таъминоти системалари барча технологик жараёнларда сувнинг самарали ишлатилишини, оқова сув компонентларини максимал реконструкция қилишни, капитал ва эксплуатация харажатларни камайтиришни, хизмат қилувчи персоналларнинг нормал санитар-гигиеник шароитларини, атроф-муҳит ифлосланишини истисно қилишни таъминлаши лозим. Тозаланган сув технологик сув сифатига мос келиши лозим. Ёпиқ занжирли айланма сув таъминоти системаларини янги қуриладиган ва фаолият кўрсатаётган корхоналарга киритиш лозим. Сув таъминоти системаларининг қуйидаги кўрсаткичларини таққослаш орқали улар:

• сувнинг солиштирма сарфи, шу жумладан бирлик маҳсулот миқдорига нисбатан янги сувнинг,

• оқова сувни тозалаш учун сарф бўладиган реагентлар,

• электр энергиясининг ва иссиқликнинг солиштирма сарфи,

• оқова сувни тозалаш мобайнида товар маҳсулотнинг абсолют миқдори,

• иқтисодий кўрсаткичлар, шу жумладан: рентабеллик, келтирилган сарфлар бўйича йиллик иқтисодий самара,

• жамғарма сиғимлари орқали баҳоланади.

Корхонада сувдан махсус фойдаланиш рухсатнома расмийлаштирилган бўлиб, сув истеъмоли ГОСТ талабларига жавоб беради. Корхона сув таъминотида ўз худудида жойлашган 1 дона ер ости артезиан қудуғидан фойдаланилади. Қудуқнинг чуқурлиги 60 метрни, қуввати 63м³/соатни ташкил этади. Қудуқ ЭВЦ 8-16- 80 русумли сув тортиш насоси билан жихозланган. Корхона фаолияти даврида бошқа сув манбаларидан сув олинмайди. Қудуқдан олинаётган сув кимёвий ҳоссаларига кўра тиниқ, рангсиз, ҳидсиз, туз таркибига кўра оз миқдорда хорид натрий кальцийли ҳисобланади. Минераллиги бўйича 0,185 г/литрни ташкил этади. Корхонанинг бир суткалик сувга бўлган эҳтиёжи 284,36м³ (81,62минг м³/йил) ни ташкил этади ва сувдан фойдаланиш миқдори йўналишларга қараб қуйидагини ташкил этади:

• Хўжалик ва ичимлик мақсадларида 13,05м³/сутка, 81,62 минг м³/йил;

• Ишлаб чиқариш мақсадида 271, 31м³/сутка ёки 41, 7 минг м³/йилни ташкил этади.

Ишлатиладиган сув фойдаланишга қараб тақсимланиши қуйидаги жадвалларда ўз ифодасини топади.

Корхонада ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган сув миқдори.

Кўрсаткичлар	Сув талаби			
	Меъёрий ҳисоб		Ҳақиқий	
	м ³ /сутка	Минг м ³ /йил	м ³ /сутка	Минг м ³ /йил
Умумий сув миқдори	284, 36	81,62	189,00	57,64
Очиқ сув ҳавзаларидан Ер ости сувларидан Шаҳар ёки бошқа сув тармоғидан	284,36	81,62	189,00	57,64
Хўжалик ва ичимлик мақсадларида	13,05	39,92	10,00	3,05
Ишлаб чиқариш мақсадларида	271,31	41,7	179,00	54,59
Бошқа ташкилотларга бериладиган сув	-	-	-	-
Айланма сув таъминоти	25	9,125	25	9,125
Сувдан кетма кет фойдаланиш тизими	-	-	-	-

Корхонада оқова сув ҳосил бўладиган қуйидаги манбалар мавжуд, маъмурий бино, ошхона, транспорт ювиш жойи, ишлаб чиқариш участкаси. Корхона фаолияти давомида сувларни кимёвий ифлосланиши кузатилмайди.

Литература:

1. Абрамов Н.Н. «Водоснабжения» М. Стройиздат 1982 г.
2. Водоснабжение населённых мест и промышленных предприятий. Справочник проектировщика промышленных жилых и общественных зданий и сооружений. М. Стройиздат 1977 г.
3. Ленский В.А. Водоснабжение и канализация М. Высшая школа 1969 г.

УМЯГЧЕНИЕ СОСТАВ ВОДЫ С ПОМОЩЬЮ РЕАГЕНТОВ

Мусаев Ш.М., Саттаров А.

(Жиззах политехника институти)

Сув таъминоти системасидаги сувни юмшатиш ва истеъмолга ярқли холга келтириш мақоласи олдинга сурилган. Сувни юмшатиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

В статье рассмотрена проблема обеспечения мягкости воды с помощью химических реагентов в системах водоснабжения.

The article deals with the problem of ensuring the softness of water with the help of chemical reagents in water supply systems.

При подготовке воды для технических целей широко применяется метод реагентного умягчения, осуществляемый в осветлителях со взвешенным слоем осадка. Характер структурообразования твердой фазы взвешенного слоя

осадка оказывает значительное влияние на его физико-химические свойства. С целью интенсификации осаждения взвеси и, следовательно, работы сооружения, применяют коагулянты и флокулянты. Большое значение при этом име-

ют такие параметры, как температура воды [1-3] и концентрация твердой фазы контактной среды.

Однако, использование коагулянтов приводит к перерасходу извести эквивалентно его дозе и дополнительному внесению минеральных примесей в обрабатываемую воду. Эффективно применение полиакриламида (ПАА) при очистке рассолов с целью улучшения условий осаждения CaCO_3 и $\text{Mg}(\text{OH})_2$ и получения более уплотненного осадка.

Все вышеизложенное предопределило проведение исследований по концентрированию взвешенного слоя осадка в осветлителях в присутствии одного флокулянта и выявлению взаимосвязи между этим показателем и параметрами работы сооружения, в особенности при пониженных температурах обрабатываемой воды.

Первоначально установили, что процесс взаимодействия ПАА с частицами, образующимися при известковании воды, проходит, как по сорбционному механизму (остаточная концентрация ПАА при его дозе 1 мг/л составляла не более 0,01 мг/л), так и электро-химическому. Последнее обстоятельство доказано уменьшением величины электро-кинетического потенциала частиц, связанных с ПАА, а в отдельных случаях, - изменением знака заряда. Данное объяснение механизма процесса согласуется с теоретическими выводами.

При изучении особенностей технологии процесса, выявили целесообразность ввода флокулянта перед известкованием, что обусловлено более равномерным распределением флокулянта и взаимодействием его с большим количеством минеральных частиц. Для физико-химической характеристики контактной среды использован $\alpha_M = \text{Mg}(\text{OH})_2 / \text{CaCO}_3$ параметр, введенный Е. Ф. Кургаевым [1].

Эксперименты осуществляли на водах, характеризующихся следующими показателями: жесткость 7-11 мг-экв/л; щелочность 3-5 мг-экв/л; окисляемость ≤ 1 мг/л; содержание взвешенных веществ - до 100 мг/д.


На первом этапе исследований, проводимых в модели осветлителя, определяли скорость осаждения взвеси при разных составах исходных вод, режимах умягчения и сочетания реагентов при температуре 20°C. Полученные результаты показали, что при изменении значения α_M от 0,1 до 0,35, скорость свободного осаждения взвеси v_r находится в пределах 5-3,2 мм/с. При этом, для достижения максимального значения v_r , с повышением доли гидроксида магния в осадке, необходимое количество флокулянта увеличивается. В случае использования коагулянта FeSO_4 в аналогичных условиях,

v_r составляет 2,35-2,0 мм/с.

На основании экспериментальных данных определена усредненная величина технологически оптимальной дозы ПАА (мг/л), которую можно выразить формулой:

$$D_{\text{ПАА}} = 0,006 C_{\text{и}} \alpha_M,$$

где $C_{\text{и}}$ - количество образующейся взвеси, мг/л.



1 - $\lambda_M = 0,07$; $t = 20^0\text{C}$; 2 - $\lambda_M = 0,07$; $t = 33^0\text{C}$;

3 - $\lambda_M = 0,16$; $t = 20^0\text{C}$; 4 - $\lambda_M = 0,3$; $t = 20^0\text{C}$.

Для практики водоподготовки большой интерес представляет не только улучшение седиментационных свойств взвеси, но и оценка возможности концентрирования взвешенного слоя осадка с целью ведения процесса при уменьшении температуры. В связи с этим, на модели осветлителя получена зависимость между удельной дозой полиакриламида $D_{\text{ПАА}}$ и массовой концентрацией твердой фазы взвешенного осадка C_v при заданной α_M и скорости восходящего потока воды $v_0 = 1,5$ мм/с (см. рисунок).

Другим показателем контактной среды является величина ее объемной концентрации C_0 , определяемая отношением объема взвешенного слоя осадка после уплотнения к объему неуплотненного взвешенного слоя. Методика определения описана в [1, 2]. Известно [1], что применение флокулянтов приводит к увеличению C_0 , что обусловлено получением более плотного осадка.

Проведенные исследования показали, что в условиях максимального использования адсорбционной активности ПАА во взвешенном слое осадка, возрастает концентрация твердой фазы и объемная концентрация контактной среды.

Е. Ф. Кургаев [1] связывает объемную концентрацию C_0 в пределах значений 0,05-0,2 с критерием сепарации K_c , характеризующим адгезионные свойства контактной среды, формулой:

$$K_c = (30 + 0,5t)C_0^2 H_c,$$

где t - температура, °С; C_0 - объемная концентрация; H_c - высота слоя, мм.

Этот принцип использован при расчете K_c на основе результатов экспериментов, проведенных при различных режимах умягчения и постоянной высоте контактной среды. Полученные данные приведены в табл. 1 (во всех опытах высота слоя $H_c = 150$ мм, скорость восходящего потока воды $v_0 = 1,5$ мм/с).

Использование флокулянта улучшает условия сепарации, что, в свою очередь, создает возможность уменьшения содержания взвеси в умягченной воде.

На следующем этапе изучали влияние концентрации твердой фазы во взвешенном слое на показатели качества умягченной воды при различных температурах. Увеличение концентрации твердой фазы в контактной среде служит предпосылкой как более глубокого протекания процесса, так и возможности снижения температуры при одинаковом эффекте умягчения [4].

Сопоставление результатов при разных режимах умягчения и дозах ПАА проводились на водах, близких по качеству.

Представленные результаты лабораторных исследований убедительно доказывают, что использование флокулянта ПАА перед известкованием воды позволяет увеличить производительность процесса разделения твердой и жидкой фаз при умягчении природной воды за счет улучшения седиментационных свойств взвеси и, следовательно, скорости ее осаждения. С другой стороны, появляется возможность концентрирования твердой фазы и снижения температуры процесса при получении необходимого качества воды.

Нагрузку на осветлители варьируют в пределах от 72 до 130% от номинальной. Верхний предел ограничен пропускной способностью сооружения. Максимальная температура обрабатываемой воды (23°С) обусловлена техническими возможностями предприятия в период производственных испытаний.

Полученные в промышленных условиях параметры работы осветлителей в исследуемых режимах приведены в табл. 3, из которой видно, что преимущественным оказался ввод флокулянта в воздухоотделитель, т. е. перед известкованием, о чем свидетельствует повншение массовой концентрации взвеси и скорости ее осаждения. При этом, снижение температуры воды до 15°С не уменьшило эффекта умяг-

чения, а содержание взвешенных веществ в обработанной воде не превысило ~3 мг/л при увеличении нагрузки на 60%.

Таким образом, на реальных сооружениях подтверждена возможность осуществления процесса при пониженных температурах, с одновременным повышением единичной производительности осветлителя без ухудшения качества обработанной воды.

Выводы

1. Использование ПАА без коагулянта в процессе реагентного умягчения подземных и маломутных вод позволяет улучшить свойства контактной среды: увеличить скорость осаждения и массовую концентрацию взвеси. Максимальные значения этих показателей зависят, как от соотношения компонентов в осадке, так и от дозы флокулянта.

2. Улучшение седиментационных свойств взвеси позволяет повысить единичную производительность осветлителя и концентрирование взвешенного слоя осадка, т.е. вести процесс при пониженной температуре без ухудшения качества обработанной воды.

Таблица 1

Влияние флокулянта на адгезионные свойства контактной среды при различных режимах умягчения

$t, ^\circ\text{C}$	α_M	$D_{\text{фл.}}, 10^{-4}, \text{ кг/мг}$	C_0	K_c	Остаточное содержание взвешенных веществ, мг/л	Примечание
19,5	0,108	5,4	0,141	118,5	4,0	
20,0	0,040	-	0,07	29,4	13,5	Введены только щелочные реагенты
21,0	0,185	11,0	0,16	155,5	2,0	
20,5	0,189	12,7	0,195	229,3	2,3	
21,0	0,181	16,87	0,169	133,5	3,0	
19,0	0,164	-	0,098	58,86	5,2	Введены только щелочные реагенты
20,0	0,355	23,8	0,182	198,75	2,1	
19,0	0,290	34,0	0,138	109,8	2,8	
19,0	0,304	-	0,095	53,5	5,8	Введены только щелочные реагенты

Литература:

1. Кургаев Е.Ф. Основы теории и расчета осветлителей. – М.: Госстройиздат.
2. Квятковский В.М., Баулина А.И. Руководящие указания по известкованию воды на электростанциях. – М.: СЦНТИ.
3. Баулина А.И. Влияние температуры исходной воды на процесс известкования// Тарр. №4.
4. Итон С., Марчек Х. Разработка установок для осветления и умягчения воды// Тарр. №11.

УДК 628.112

**СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ҲАМДА СУВ САҚЛАШ СИҒИМЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШДАГИ ИШОНЧЛИГИ ВА ВАЗИФАЛАРИ****Мирзаев А.Б.** - т.ф.н., доцент, **Ибрагимова А.Х.** - магистрант (СамДАҚИ)

Объектнинг ишончилиги деб юклатилган вазифаларини маълум муддат ичида белгиланган иш шароитлари ва тартибларида, ўз эксплуатацияси кўрсаткичларини рухсат этилган чегараларда сақлаш хусусиятига айтилади. Объект сифатида тизим ёки унинг унсурлари, масалан иншоот, тармок, курилма ва механизмларни кўриш мумкин. Ишончилиқнинг физикавий маъноси объектни фойдаланиш давомида бошланғич технологик тавсифларини сақлай билиши ҳисобланади. Сув таъминоти тизимлари мураккаб техник тизимлар тоифасига киради. Хусусан сувни қабул қилиш, тозалаш, сақлаш, ҳайдаш иншоотлари, сувни узатиш ва тақсимлаш тармоқларидан иборат тизимнинг ишончилиги ташкил топган ҳар бир унсур ёки қисмнинг техник ҳолати билан баҳоланади. Техник тизимлар ишончилигини баҳолашда соҳага хос тушунчалар амалиётда қўлланилади. Техник тизимлар ва улар таркиб топган иншоот, курилма ва унсурлар ҳолатлари куйидагича бўлиши мумкин:

- ишчи ҳолат - бу тизим ва иншоотлар кўрсаткичлари меърий-техник ҳужжатларида белгиланган чегараларда сақланган ҳолда ўз вазифаларини бажаришидир.

- ишсиз ҳолат - бу объектнинг меърий-техник ва конструкторлик ҳужжатларида белгиланган талабларининг ҳеч бўлмаганида биттасига жавоб бермайдиган ҳолатига айтилади;

- чегаравий ҳолат - бу объектни зўриқиш билан ишлаш ва кейинчалик ишдан чиқишга олиб келиши мумкин ҳолатига айтилади;

Сув таъминоти тизимларида юқорида келтирилган ҳолатлардан ташқари бошқа ўзига хос ҳолатлар ҳам учрайди, жумладан:

- авария ҳолати - асосий унсурларнинг ишдан чиқиши ҳисобига бутун тизим ишини кескин бузилишига олиб келадиган ҳолатга айтилади.

- инқироз ҳолати - бир неча унсурларни ишдан чиқиши ҳисобига тизимнинг самарадорлигини пасайишига ва захираларни ишга қўшишига олиб келадиган ҳолатга айтилади. Инқироз авария ҳолатига ўтиши мумкин;

- таъмир ҳолат - режавий ва профилактик таъмирлаш ишлари бажариш учун унсурларнинг бир қисми ишдан чиқарилиб тўхтатилган ҳолатига айтилади;

- фавқулодда вазият ҳолати - турли омиллар таъсирида тизимнинг бир ҳолатдан иккинчи

ҳолатига ўтиш жараёнига айтилади;

- тўлиқ бузилиш ҳолати – тизимнинг тўлиқ ишдан чиққан пайтидаги ҳолатига айтилади.

Ишончилиқ деб объектни берилган хизмат муддати даврида бузилишсиз ёки минимал бузилишлари билан ишлашига айтилади. Объект эксплуатацион кўрсаткичларнинг кўрсатиладиган чегаралардан чиқиб кетиши ҳам бузилишларга киради. Носозлик деб объектнинг техник ҳолатини белгиловчи кўрсаткичларидан лоакал биттасининг рухсат этилган чегарадан четга чиқиши тушунилади. Объектнинг техник ҳолати унинг ишлаш қобилияти ва созлик даражаси билан баҳоланади. Объектнинг ишлаш қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотилиши бузилиш дейилади. Бу ҳолатда объект меърий-техник ҳужжатларида келтирилган кўрсаткич талаблари даражасида юклатилган вазифаларини бажара олмайди.

Техник тизимларни пухталигини баҳоловчи тушунчалардан бири уларнинг берилган "t" давр оралиғида ишончи ишлаш эҳтимоллигини баҳолаш ҳисобланади. Объект ишлашининг ишончилиги бу бузилмаслик, чидамлик, таъмирлашга мойиллик, сақланувчанлик ҳамда самарадорлик каби хоссаларни ўз ичига олади (1-жадвал).

Бузилмаслик— объектнинг маълум вақт давомида ўзининг ишлаш қобилиятини узлуксиз сақлаш хусусияти. Ишлаш қобилияти - бу унинг белгиланган кўрсаткичларини меърий-техник ҳужжатларда келтирилган чегараларда сақлаган қолда ўз вазифаларини бажаришидир.

Чидамлик деб объектнинг, унга нисбатан белгиланган хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ишларини тўла бажарилганида, ўз ишлаш қобилиятини чегаравий ҳолатига чегаравий ҳолатига айтилади. Чегаравий ҳолатдан кейин объект ишдан чиқади ва яроқсиз ҳисобланади.

Таъмирлашга мойиллик ёки фойдаланиш қулайлиги деб объектнинг техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш жараёнларида безилиш ҳамда носозликлар олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш мойиллигига айтилади.

Сақланувчанлик хусусияти деб объектнинг узоқ вақт сақланиши ва транспортировка даврида ташқи салбий шароитларга бардош бериши ҳамда бузилмаслик, чидамлик ва

таъмирлашга мойиллик кўрсаткичларини сақлаб қолишига айтилади.

Объектнинг турига боғлиқ ҳолда келтирилган хоссалар турли аҳамиятга эга. Агар йирик иншоотлар учун (тўғон, ҳовуз ёки, тозалаш иншоотлари) айниқса, бузилмаслик ва чидамлик муҳим аҳамиятга эга бўлса, насос станциялари учун эса барча хоссалари муҳимдир [1].

1-жадвал

Ишончлиликнинг асосий кўрсаткичлари			
Кўрсаткич	Белгиланиши	Ўзуви	
Бузилишсиз эҳтимоллиги	ишлаш	$P_{(t)}$	$P_{(1000ч)}30,9$
Бузилишгача ишлаш даври	ўртача	T_1	$T_1=1000$ с
Бузилишлар жадаллиги		$I_{(t)}$	$I_{(100ч)}<0,051/с$
Бузилишлар кўрсаткичи	окими	$w_{(t)}$	$I_{(100ч)}<0,041/с$
Бузилишгача даври	ишлаш	T_0	$T_0=100$ с
Ишлаш доимийлиги		$t_{o,y}$	$t_{o,y}<1000$ с
Тикланиш эҳтимоли		$F_{(тв)}$	$F_{(1,0ч)}30,9$
Тиклашга ўртача вақт	сарфланган	t_E	$t_E=1,0$ с

1. Сув таъминоти тизимларини хўжалигини вазифалари қуйидагича: О'zDst 950:2011 талабларига жавоб берадиган сув билан таъминлаш техник кўрсатмаларга (ИУ) жавоб бериш зарур.

2. Иншоотларни ишончли ва тўхтовсиз ишига берилган технологик тартибига боғлиқ ҳолда таъминлаш.

3. Қисқа муддатда аварияларни олдини олиш ва келажакда огаҳлантириш учун сабабини аниқлаш.

4. Вақтида, ишлатиладиган инструкцияга боғлиқ ҳолда, сифатли жорий ва шартли таъмирлашни ўтказиш.

5. Сувни йўқотиш ва исрофланиши ҳамда

самарасиз фойдаланиш билан курашмоқ.

6. Ишларни юкори самарадорлигини таъминлаш, яни махсуслотни ваҳизматларни таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш. Шунда меҳнатни илмий ташкил қилиш, ишлаб-чиқариш жараёнини механизациялаш ва автотизациялаш, электроэнергия, газ, реагентларни ҳисобга олмақ ва ҳ.к.

Янги ва қайта қурилган сув таъминоти оқова иншоотларини ишга киритиш. ҚМҚ Ш-3-76 ва КМК 2.04.02-97 кўрсатмаларига асосланган ҳолда ҳамда иншоотларни махсус сув билан фойдаланишга рухсати бўлган ҳолда ишга киритилади. (махсус рухсат 33-5.1.02-83 меъёрга асосланган ҳолда берилади) [2]. Сув таъминоти хўжалигини асосий бино ва иншоотлари биринчи эксплуатация йилида доимо текширилиши керак. Ҳар ойда бино ва иншоотларни чўкиши вақтинча ва доимий реперлар ўрнатиш ёрдамида аниқланади. Иккинчи йилдан бошлаб эксплуатация ва текшириш режа бўйича маҳаллий шартлар ва объектларни ҳолатига қараб бажарилади. Иншоотни эксплуатация қиладиган корхонада (РЭУ) иншоотни паспорти бўлади, шунга ҳамма режали огаҳлантирувчи, кузатиш ва режали огаҳлантирувчи таъмирлаш, жорий ва шартли таъмирлашларни ўтказилган кунлари ёзилади.

Адабиётлар:

1. Якубов К.А., Мирзаев А.Б., Бўриев Э.С. “Сув таъминоти ва канализация тизимлари ишини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш” ISBN 978-9943. Дарслик. «Фан ва технологиялар Марказининг босма-хонаси»да чоп этилди. Тошкент. 2018 йил. 210 бет.

2. ҚМҚ 2.04.02-97. Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси – Тошкент. 1997.

УДК. 543.42:621.375.826

LAZERLAR VA ULARNING ISSIQLIK TEXNIKASIDA QO'LLANILISHI

Xalmanov A.T., f.m.f.n. prof.; Aymatov R.R., katta o'qituvchi; Omonqulov O.X., o'qituvchi; Xudayqulov A. o'qituvchi

Samarqand davlat arxitektura qurilish instituti. Uzbekistan

Issiqlik texnikasi fani umumtexnik fundamental fanlardan biri bo'lib, issiqlikning nurlanish orqali hosil bo'lishi, nurning optik kuzgular yordamida uzatilishi va uzatilgan nur energiyasini ishlatilishi kabi g'oyalar issiqlik texnikasida muhim hisoblanadi. Hozirgi vaqtda lazer kuchli yorug'lik nurini hosil qiluvchi asbobdir va atom energetik sathlarida elektronlar ko'chishi natijasida hosil bo'ladigan nurlanishga asoslangan. Maqolada issiqlik texnikasining yuqori temperaturalar sohasida va lazerlar sohasida nurlu issiqlik almashish o'zining jadalligi bilan boshqa issiqlik almashinuv usullaridan ustunligi keltirilgan.

Kalit so'zlar: issiqlik, issiqlik texnikasi, energiya, lazer, atom, issiqlik almashirgich)

Лазеры и их применение в теплотехнике

Теплотехника является одним из общих технических предметов, которые важны для теплотехники, таких как образование тепла излучением, пропускание света оптическими смазками и использование передаваемой световой энергии. В настоящее время лазер представляет собой мощную света излучающую диету и

основан на излучении, создаваемом электронным транспортом слоя атомной энергии. В статье рассмотрена теплообменник в области высоких температур и лазерного излучения в нагревателях превосходит другие интенсивности теплообмена.

Ключивие слова: тепла ,теплотехника, энергия, лазер, атом, теплообменник.

Lasers and their application in heating technology.

Heat engineering is one of the common technical subjects that are important for heat engineering, such as heat generation by radiation, light transmission by optical lubricants, and the use of transmitted light energy. Currently, the laser is a powerful light-emitting diet and is based on the radiation generated by the electron transport of a layer of atomic energy. In article, a heat exchanger is considered in the high-temperature region and the laser radiation in heaters exceeds other heat exchange intensities.

Key words: heat, heat technology, energy, laser, atom, heat exchanger.

Иссиқлик техникаси фани умумтехник фундаментадан бири бўлиб, иссиқликнинг нурланиш орқали ҳосил бўлиши, нурнинг оптик кузгулар ёрдамида узатилиши ва узатилган нур энергиясини ишлатилиши каби ғоялар иссиқлик техникасида муҳим ҳисобланади. Ҳозирги вақтдалазер кучли ёруғлик нурини ҳосил қилувчи асбобдир ва атом энергетик сатҳларида электронлар кўчиши натижасида ҳосил бўладиган нурланишга асосланган. Иссиқлик техникасининг юқори температуралар соҳасида ва лазерлар соҳасида нурли иссиқлик алмашиш ўзининг жадаллиги билан бошқа иссиқлик алмашинув усулларида устун туради. Шунинг учун юқори температураларда ишлайдиган агрегатларни яратишда, лазер нури иссиқлик алмашишидан юқори даражада фойдаланишни эътиборга олиш лозим. Бу аввало, иситиш тизимларида вакуурилиш материаллари ва бошқа метериалларни ишлаб чиқаришда ва халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Жисмга ютилган лазер нурлари атом ва молекулаларнинг тартибсиз иссиқлик ҳаракат энергиясигаайланади ва жисмнинг температурасини оширади. Лазер нурланиши тасирида материалнинг эриш жараёни иссиқлик оқимининг тарқалишига, материалнинг (λ) иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентига, температура ўтказувчанлик коэффициентига (a) ва (c) солиштирма иссиқлик сифмига ҳам боғлиқ бўлади. Иссиқлик нурланишини тавсифлайдиган асосий катталиқларга қуйидагилар киради: нурий оқим Q , нурланиш зичлиги ρ ва нурланиш жадаллиги (оқимнинг спектрал зичлиги) I . Лазер билан пайвандлаш ўз ривожланишида икки этапда борди. Дастлаб нуқтали пайвандлаш ривожланди. Бундай пайвандлаш ишлари ёқутдаги импульсли лазер асосида ва неодибли шишалик лазерларда бажарилди. CO_2 – лазерларнинг ва итрий-алюминий гранат кристали қисқача ИАГ ($YAG:Nd^{2+}=Y_2Al_2O_{12}:Nd_2O_3$) лазерларининг пайдо бўлиши билан пайвандлаш ишлари ривожлана бошлади.

Лазер нури билан нуқтали пайвандлашга

қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: транзисторларда никелли контактни никелли аралшмадан ясалган қисқичга улашда, юпқа мис симларни бир-бирига ёки уни қисқичга улашда, микроэлектрон компоненталарни ўзаро улашда. Қуввати 100 Вт атрофида бўлган узлуксиз лазер нурланиши билан ямоқли пайвандлаш асбоблар корпусларини герметизациялашда, металл кесувчи аралар парракларига тобланган пўлат кескичларни бирлаштиришда, газ турбинлари парракларига турли нарсаларни ёпиштиришда ишлатилади. Киловатли қувватдаги лазерлар ёрдамида автомобил кузовларини, кема корпусларини йиғишда, газопровод турбаларини ямоқли улашда ишлатилади. Шишадан ясалган деталларни улашда 100 Вт лик, кварцни пайвандлашда 300 Вт лик лазерлардан фойдаланилади.

Лазер нури билан пайвандлашнинг унганча бўлган пайвандлаш усулларида кўплаб афзалликлари мавжуд. Масалан, электр-ёй усули билан пайвандланганда атроф муҳит турли чиқиндилар билан ифлосланса, лазерли пайвандлашда пайвандланувчи намуна билан контакт, биринчидан, мавжуд бўлмаса, иккинчидан пайвандлаш чиқиндилари юзага келмайди, атроф зарарли аралшмалар билан ифлосланмайди. Электрон-нур пайвандлаш ишларида вакуум талаб қилинса, лазерли пайвандлашда вакуум талаб қилинмай оддий шароитларда бажарилади, бундан ташқари пайвандлаш тез ва аниқ бажарилади, нуханинг биргина жойида ёки чизик бўйлаб пайвандлаш амалга оширилади. Пайвандлашда юзага келган катта қизиш нуханинг кичик бир нуқтасидагина ҳосил бўлади. Электр-ёй пайвандлаш усулини лазерли пайвандлаш билан солиштирмоқчи бўлсак, қалинлиги 20 мм бўлган 1 м пўлат листни электр-ёй усули билан 15м/соат да амалга оширилса, лазер усули билан 100м/соат пайвандлаш мумкин экан. Мустаҳкам пайванд ҳосил бўлиши учун электр-ёй пайвандлашда бу иш 4-5 марта қайта такрорланса, лазер усулида биргина марта пайвандлаш етарли ҳисобланар экан. Пайвандланган жой эни электр-ёйда 20мм

кенгликда бажарилса, лазерли пайвандлашда ҳаммаси бўлиб 5 мм ни ташкил этади. Автомобиллар вали лазерда пайвандланса, унинг хизмат қилиш муддати уч марта электр-ёй усули билан бажарилганга нисбатан ошар экан. Лазер билан бажарилган пайвандлашда уланиш ўлчами кичик ва жуда силлиқ бажарилганлиги учун қизиш эффекти анча камайиб, деталлар кам деформацияланади.

Лазер нурунинг қаттиқ жисмдан ўтиши Бугер-Ламберт қонуни билан ифодаланади:

$$I(x) = I_0(1 - R)e^{-\alpha x}$$

бу ерда $I(x)$ -лазер нурунинг қаттиқ жисмдан x масофага ўтган интенсивлиги, (I_0) -лазер нурунинг қаттиқ жисмга тушиш интенсивлиги, R – қайтариш коэффициенти; α - ютилиш коэффициенти.

Лазер нури таъсирида бўладиган иссиқлик жараёнларида қаттиқ жисм сиргининг R – қайтариш коэффициенти катта аҳамиятга эга. Лазер нуруни тасирида материалнинг эриш жараёни иссиқлик оқимининг тарқалишига боғлиқ. Иссиқлик оқимининг қиймати ўз навбатида материалнинг (λ) иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентигава (c) солиштирма иссиқлик сиғимига ҳам боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда жаҳон илм фанида кўп электронли атомларнинг юқори уйғонган ҳолатларини тадқиқ қилишга катта аҳамият берилмоқда. Тегишли элемент атомлари учун маълум ҳолатлардан уйғотишнинг янги фотоионлаштириш ва тўқнашув схемаларини ишлаб чиқиш, оғир элемент атомлари учун назарий ҳисоблашларни олиб

бориш ва тажрибавий спектрлар олиш, уйғонган атом ва молекулаларда юз берадиган физикавий жараёнлар турларини аниқлаш, атомлар ва аэрозоллар билан лазер нури таъсирида намоён бўладиган резонансли ва норезонанс физик жараёнлар механизмларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Аланга билан ишлайдиган атом-ионизацион спектрометр қатор афзалликга эга бўлиб, барча тажрибалар атмосфера ҳавосида олиб борилади. Ўрганилаётган элементни битта бўёқ лазерини ишлатиб бир босқичли уйғотиш схемасини амалга ошириш мумкин. Атомизатор сифатида тирқишли горелка қўлланилди. Қуйдаги жадвалда лазер фотоионизацион спектрометр ёрдамида олинган тадқиқот натижалар келтирилган бўлиб, бу тадқиқот натижаларини бевоқифа астрофизика тадқиқотишларида фойдаланиш мумкин. Қуёш спектрини таҳлил қилишда $(n)s \rightarrow (m)p \rightarrow (k)d$ ўтишда ёки $(n)p \rightarrow (m)s \rightarrow (k)p$ ўтишларда 1 ва 2- уйғотиш тўлқин узунлигини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш керак. Чунки бу тўлқин узунликларнинг чиқиш эҳтимолияти жуда катта. Бу ўтишларда максимал ионизацион сигналлар, ютилиш ваэмиссион сигналлар кузатилади. Бу ўтишларда атомларнинг осцилятор кучи бошқа ўтишларга нисбатан катта қийматга эга. Жадвалда хром атомига тегишли тажриба натижалар келтирилган. Олинган ионизацион спектрларни астрофизикада қўллашни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Асосий ҳолатларидан оптик уйғотишда хром атомининг ионизацияси

Ўтишлар	Тўлқин-узунлик, нм	Осцилятор кучи, f	АИ-сигнал, нисб.бир А	$\Delta E = E_i - E_j$, $E_i = 54565$ см ⁻¹	$\Delta E = E_i - E_j$, эВ $E_i = 6,76$ эВ	$\exp(-\Delta E/kT)$	$f \exp(-\Delta E/kT)$
$4s \rightarrow 3d^4 4s 4p \ ^7P_2$	357,8	0,366	1	26630	3,46	$22,1 \times 10^{-8}$	$8,0886 \times 10^{-8}$
$4s \rightarrow 3d^4 4s 4p \ ^7P_3$	359,3	0,290	0,88	26745	3,316	$20,7 \times 10^{-8}$	$6,003 \times 10^{-8}$
$4s \rightarrow 3d^4 4s 4p \ ^7P_4$	360,5	0,225	0,74	26836	3,327	$19,6 \times 10^{-8}$	$4,41 \times 10^{-8}$
$4s \rightarrow 3d^5 4p \ ^7P_4$	425,4	0,110	0,691	31066	3,851	$1,7 \times 10^{-8}$	$0,187 \times 10^{-8}$
$4s \rightarrow 3d^5 4p \ ^7P_3$	427,4	0,0840	0,581	31179	3,865	$1,6 \times 10^{-8}$	$0,1344 \times 10^{-8}$
$4s \rightarrow 3d^5 4p \ ^7P_2$	428,9	0,0622	0,392	31260	3,876	$1,5 \times 10^{-8}$	$0,0933 \times 10^{-8}$

Олинган натижалар шуни курсатадики хром атомига тегишли осцилятор кучининг максимал қийматида хром атомидан максимал АИ сигнал кузатилмоқда. Осцилятор кучининг кичик қийматларида АИ сигналнинг камайишини кураимиз. Олинган натижаларни бошқа элементлар учун қўллаб яхши натижалар олинган. Жумладан турли хил атомизаторларда элементлар $f(Yb, Eu)$, $d(Cr, Mn, Fe, Co, Ni, Ag, Au, Pt, Hg, Cd, Zn)$, $s(Na, Ca)$, $p(Al, In)$ уйғонган ҳолатлари

тадқиқига доир тажриба натижалар олинган.

Тадқиқот натижасида ионизациянинг тўқнашув ва фотоионизацион механизмлари ишлаб чиқилган. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ионизациянинг тўқнашув механизми доминант (асосий) жараён ҳисобланади. Барча ҳолларда атомлар учун «пропан газ» – «ҳаво»нинг оптимал нисбати мос ҳолда Cs ($0,21$ л/мин: $6,6$ л/мин), Na ($0,22$ л/мин: $1,7$ л/мин) танланган. Al, Eu атомлари учун ($0,21$ л/мин: $1,3$

л/мин) ацетилен ва ҳавонинг сарфлари мос равишда бўлса, Ca, In, Cr, Mn, Fe, Ni, Co, Pt, Au, Ag, Yb атомлари учун ёнувчи газ ацетилен ва ҳавонинг сарфлари мос равишда 0,27 л/мин ва 1,6 л/мин қийматга эришилган. Тажрибадан оптимал газ сарфини билган ҳолда ўрганилаётган элемент учун ёқилғи ёнганида ажралиб чиққан иссиқлик миқдорини ҳисоблаш амалга оширилган. Олинган натижаларни ишлаб чиқариш печларида қуллаш режалаштирилмоқда.

Adabiyotlar:

1. Fedosseev V.N., Kudryavtsev Yu., Mishin V.I. Resonance laser ionization of atoms for nuclear physics. Phys. Scr. 2012. V85. –p1-14.
2. Axner O., Rubinsztein-Dunlor H. LEI Spectrometry in flames – a Powerful and Versatile Technique for Ultra-Sensitive Trace Element Analysis// Spectrochim. Acta. -1989. –V.44B.-P.836-866.
3. Zorov N.B., Kuzyakov Yu.Ya., Novodvorskiy O.A., Chuplegin V.I. Ximiya plazmy, (Moskva, Energoatomizdat, 1987).

4. Nasimov A.M., Xalmanov A.T., Tursunov A.T., Shekalin N.V. Zavodskaya laboratoriya. 1995.T.61. №4.S.21-25.

10. Khalmanov A.T., Do-kyong Ko, J.Lee, N.Eshkobilov and A.Tursunov, J.Korean Phys.Soc. 44, 843 (2004).

5. Xalmanov A.T. Issledovanie protsessov vozbuždeniya i ionizatsii atomov xroma metodom rezonansnoy lazernoy spektroskopii // Uzbekskiy fizicheskiy jurnal. 2011 god. Tom.13, - № 1. S.33-41

6. Xalmanov A.T., Eshkobilov N.B. Issledovanie dinamiki i tipov fizicheskix protsessov vozbuždeniya i ionizatsii atomov metodom atomno-ionizatsionnoy spektroskopii, Uzbekskiy fizicheskiy jurnal. 2017 god. Tom 19. №5. S.272-277.

7. Xalmanov A.T. Vesokochuvstvitel'naya lazernaya spektroskopiya ultramalyx konsentratsiy atomov v razlichnyx fazovyx sostoyaniyax veshstva, avtoreferat doktorskoy (DSc) dissertatsii po fiziko-matematicheskim naukam. Tashkent. 2017. «Akademiya noshirlik markazi». S.1-60.

УДК 692.66:331.45

SHAHAR LIFT XO'JALIGINI AVTOMATLASHTIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIISH

Sirojiddinov O'., Safarov I., Shodmonqulov M.T.

Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti. O'zbekiston,

uktamsirojiv@gmail.com, +998915304887 safarovibodulla@mail.ru,

+998915536097,shodmonqulov@mail.ru, +998979147190)

Ushbu maqolada shahar lift xo'jaligini ishonchliligi va samaradorligini oshirish bo'yicha vazifalar, liftlardan foydalaniish xavfsizligini oshirish, lift xo'jaligida axborot texnologiyalaridan foydalaniish hamda lift qurilmalarining texnik holatini nazorat kiliish va xavfsizlik shartlarini ta'minlashning muhim omili sifatida liftlarni boshqarishni raqamlashtirish yoki lift xo'jaligini dispetcherlashtirishning dolzarbligi masalalari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: liftlar, lift infratuzilmasi, axborot texnologiyalari, ishonchlilik, samaradorlik, dispetcherlashtirish, avtomatika, signalizatsiya.

Применение современных информационных технологий в автоматизации городского лифтового хозяйства

В данной статье рассмотрены вопросы актуальности автоматизации городского лифтового хозяйства и задачи повышения надёжности и эффективности, повышения безопасности эксплуатации лифтов, использование информационных технологий лифтовом хозяйстве, а также вопросы применения цифровых технологий для диспетчеризации лифтов, как одного из важных условий обеспечения безопасности и контроля за техническим состоянием лифтовых сооружений.

Ключевые слова: лифты, лифтовая инфраструктура, информационные технологии в лифтовом хозяйстве, надёжность, эффективность, диспетчеризация, автоматика, сигнализация.

Application of modern information technologies in automation of urban elevator facilities

This article discusses the relevance of automation of urban elevators and the tasks of increasing reliability and efficiency, improving the safety of elevators, the use of information technologies in elevators, as well as the use of digital technologies for dispatching elevators, as one of the important conditions for ensuring safety and monitoring the technical condition elevator facilities.

Keywords: safety of elevators, technologie, economy, efficiency, monitoring, scheduling, automatics, the alarm system, signaling.

Kirish. Hozirgi vaqtda liftsozlik sohasi, liftlardan samarali va ishonchli foydalanish texnologiyalari dunyo mamlakatlarida faol rivojlanib bormoq-

da. Informatsion va innovatsion texnologiyalarning lift xo'jaligiga keng joriy etilishi yuk va yo'lovchilarni ko'tarish moslamalarining ekspluatatsion

xarakteristikalarini yuqori darajaga olib chiqdi. Natijada hatto, yaqin yillargacha eng muhim deb hisoblab kelingan liftlarning xavfsizligi masalalari o'z dolzarbligini yo'qotib bormoqda.

Ta'kidlash joizki, lift uskunalari ishlab chiqarishning zamonaviy tendensiyalari tezkorlik, energiya tejamkorlik, foydalanish qulayligi, ishonchlilik, dizayn va boshqa ko'rsatkichlarni yaxshilashga yo'naltirilganligi bilan ajralib turadi. Katta hajmli konstruksiyalarning ixcham va engil qurilmalar bilan almashtirilganligi yoki ko'pchilik texnik jarayonlarning raqamlashtirilganligi buning yaqqol misolidir.

Liflarni boshqarishni raqamlashtirish yoki lift xo'jaligini dispetcherlashtirish qator afzalliklarga ega bo'lganligi tufayli ko'pchilik rivojlangan davlatlar boshqaruvchi kompaniyalari amaliyotida keng qo'llanib kelinmoqda. Birinchi o'rinda, liftlarning shovqinsiz harakatlanishi va binolarda lift yuritmalari uchun maxsus mashina zallarini qurish zarurati yo'qligini ta'kidlash kerak. Raqamlashtirish natijasida lift kabinalarini kompyuterlar orqali boshqarish imkoniyati yaratildi. Albatta, ular eng qimmat materiallar bilan ishlanmagan taqdirda ham, an'anaviy liftlarning narxidan bir necha baravar qimmat bo'lishi mumkin.

Bundan tashqari, innovatsiyalar zamonaviy liftlarni yaratish jarayonida ishlatiladigan materiallar sanoatiga ham kirib keldi. Hozirgi vaqtda mahalliy va xorijiy ishlab chiqaruvchilar tomonidan kabina sirtiga chizish, bo'yash yoki boshqa biron-bir tarzda ziyon etkazilishini inkor etuvchi maxsus himoya qoplamalari qo'llanilgan kabinalar ishlab chiqarilmoqda.

Har bir o'rta va ayniqsa katta shaharlarning lift infratuzilmasi qurilish industriyasi va uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish sohalari infratuzilmasining muhim elementi hisoblanadi. Bu borada liftlarning ishonchliligi va samaradorligini oshirish masalalari juda dolzarb bo'lib, ularni hal qilishda axborot texnologiyalari muhim rol o'ynaydi. Bundan tashqari, mutaxassislarning fikriga ko'ra, sohada ma'lumotlarni tahlil qilish va masofadan boshqarishning zamonaviy vositalari va internet texnologiyalaridan muvaffaqiyatli qo'llash mumkin. Xorijiy tajriba va ilmiy adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatdiki, bu borada "Thyssen Krupp" (Germaniya) kompaniyasi tomonidan yaratilgan lift axborot tizimi jahonda etakchi o'rinni egallaydi.

Asosiy qism. Liftlarni dispetcher xizmati tizimi orqali boshqarishda lift xavfsizligini ta'minlash, lift dan foydalanish jarayonini nazorat qilish, lift kabinasida yo'lovchilar borligini aniqlash, avariya, nosozlik holatlari haqida avtomatik ravishda tezkor axborot olish va kerakli yordam choralari ko'rsatish, favkulodda vaziyatlar xizmati va tez yordam brigadasini kelish vaqtini kamaytirish,

sarf-xarajatlarni kamaytirish va boshqa talablar qo'yiladi.

Hozirgi vaqtda respublikamizning barcha hududlarida, jumladan Samarqand shahrida ham o'nlab ko'p qavatli binolar qurilishi jadal sur'atlar bilan davom etmoqda. SHuning uchun aholiga lift qurilmalaridan foydalanishda yuqori sifatli texnik xizmat ko'rsatish va xavfsizligini ta'minlash muhim vazifalar sirasiga kiradi. Lift qurilmalarini avtomatlashtirish, innovatsion texnologiyalarni qo'llash orqali servis xizmatining sifatli bo'lishiga erishish mumkin.

Samaradorligi va xavfsizligi, xizmat ko'rsatuvchi xodimlarning ish faoliyati va liftlarning ishlash jarayonini operativ nazorat qilish, xarajatlarni pasaytirish imkoniyatini berishi tufayli lift axborot tizimi zamonaviy lift qurilmalarini boshqarishda muhim rol uynaydi. Lift qurilmalarini boshqarishda zamonaviy lift axborot tizimini qo'llash alohida ahamiyat kasb etadi:

Birinchi, lift infratuzilmasini avtomatlashtirish mikroprotessorli stansiyalar orqali liftni boshqarishni nazarda tutib, analogli texnologiyalardan raqamli texnologiyalarga o'tish jarayonini to'liq o'zlashtirish, yo'lovchi bilan dispetcher o'rtasida barqaror aloqani yo'lga qo'yishda zamonaviy kommunikatsiya vositalarini (video kuzatuv) qo'llash imkonini beradi. Ikkinchi, lift qurilmalariga rejali sozlash va favkulodda nosozlik yuz bergan holatlarda texnik xizmat ko'rsatish tizimining samaradorligini oshiradi. Bundan tashqari, zamonaviy lift axborot tizimlarining qo'llanishi resurslarni tejash, foydalanishda bo'lgan liftlarni real vaqt rejimida kuzatib borish, inson resurslarini boshqarish kabi kompleks vazifalarni hal etish uchun sharoit yaratadi.

Lift qurilmalarini avtomatlashtirishda, ayniqsa, lift xo'jaligi faoliyatini dispetcherlashtirish masofadan turib nazorat qilish orqali liftlarning holatini kuzatish, operatorning ish jarayonini qulaylashtirish, energiya ta'minotini yaxshilash, liftlarga texnik xizmat ko'rsatishni osonlashtirish, favkulodda nosozlik holatlarini oldini olishda alohida o'rin tutadi.

Dispetcherlik tizimi va liftlarni boshqarish tizimidan foydalanish quyidagi afzalliklarni beradi:

- liftlar guruhining ishlash algoritmidan foydalananda elektroenergiyani tejash va liftni kutish vaqtini qisqartirish;
- lift tizimidagi nosozliklar va baxtsiz hodisalarni bartaraf etish bo'yicha shoshilinch choralar ko'rish;
- o'z vaqtida ta'mirlash va avariya holatlarini oldini olish maqsadida lift uskunalari holatini kuzatib borish;
- yong'in xavfsizligi tizimi bilan birgalikda

yong'in sodir bo'lgan vaziyatlarda liftlarni ishlash algoritmini qayta tekshiruvdan o'tkazish.

Lift xo'jaligini dispetcherlashtirish yo'lovchi xavfsizligini ta'minlash nuqtai nazaridan muhim ahamiyatga ega. Bunda:

- dispetcher bilan ikki tomonlama aloqa ta'minlanadi;

- asosiy yuritma va eshiklarni ochish yuritmalarining holati to'g'risida doimiy axborot olib turiladi;

- asosiy yuritma va eshiklarni ochish yuritmalarining holatini diagnostika qilib boriladi;

- yo'lovchi tomonidan yuzaga kelgan noxush holatlar to'g'risida signal berish imkoniyati yaratiladi.

Liftlarning ish jaryonini, real holatini doimiy nazorat qilishda mahalliy dispetcherlik xizmati shaxsiy kompyuter, aloqa apparatlari (telefon, video kuzatuv), signalizatsiya paneli bilan ta'minlash kerak bo'ladi. Liftlarni boshqarish texnologiyasi quyidagicha tashkil etiladi: lift blokidan axborotlar bir vaqtning o'zida serverlar va mahalliy dispetcherlik nazorat punktiga kelib tushadi. Lift ish holati va boshqa zarur axborotlar datchiklar signallari orqali olinadi va markaziy boshqaruv punktiga uzatiladi. Bu erda olingan axborotlar katta dispetcher nazoratiga o'tadi va vaziyat baholanib, tegishli xodimlarga ijro uchun taqdim etiladi. Shu tariqa barcha xodimlar o'z xizmat vakolatlarini doirasida kerakli topshiriqlarni oladilar va ijroga qaratadilar. Bunday nazorat turining ustivorligi shundaki, operatorlar lift ish holatini server ishlamaganda ham nazorat qilishlari mumkin bo'ladi. SHu tariqa ish samaradorligi oshiriladi. Xizmat ko'rsatuvchi har bir usta o'zidagi kompyuter orqali, lift axborot tizimiga internet xizmati orqali ulanadi va barcha liftdagi nosozlikni aniqlaydi. Bajarilayotgan amallar dispetcherlik punktida kuzatib boriladi va zarur hollarda tegishli texnik maslahatlar beriladi.

Avtomatlashtirilgan ish o'rinlari real vaqt rejimida butun ish jarayonini nazorat qilish imkoniyatini oshiradi. Texnik qurilmalarning elektron shakli rele-kontaktli boshqaruvga nisbatan yuqori imkoniyatlarga ega bo'lib, xatolik kodi dispetcherning kompyuter ekranida ham ko'rinadi, uning o'zi dastur orqali xatolikni bartaraf etishi va liftni qayta ishga tushirishi mumkin. Agar xatolikni tezkor bartaraf etishning iloji bo'lmasa, dispetcher navbatchi elektromexanikka xabar berib zudlik bilan operativ texnik xizmat ko'rsatishni ta'minlaydi. Bundan tashqari, biz taklif etayotgan lift axborot tizimi lift bloklarini qayta dasturlash va elektron sxemalarni ta'mirlash, nazorat-ulchov asboblari va avtomatikaning boshqa elementlarini rostdash imkoniyatini beradi. Uy-joylarda lift xizmatidan foydalanuvchi fuqoralarning murojaatlari, fikrlari, shikoyatlari lift axborot tizimida qayd qi-

linib, xizmat ko'rsatuvchi xodimlarga taqdim etiladi.

Taklif etilayotgan lift qurilmasini boshqarishning algoritmini PASCAL tilida quyidagicha ifodalaymiz:

Lift kabinasi harakatini boshqarishda Siemens kompaniyasi tomonidan ishlab chiqilgan SIMATIC S7-300 PLC kontrolleridan foydalanildi. Dasturiy mantiqiy kontroller tizimda (qavatlarida) o'rnatilgan datchiklardan olingan signallarni qayta ishlaydi va ikkili tizimda kerakli raqamli signallarni (0 va 1) shakllantiradi.

Yo'lovchi yoki yo'lovchilar guruhi tashqaridan liftni chaqirish tugmasini bosganda kabina eshiklari ochiladi. Keyin yo'lovchilar kabinaga kiradilar va talab etilgan qavatga ko'tarish tugmasini bosganlarida quyidagi amallar bajariladi:

1. Liftga tushgan yuklarni (ruxsat etilgan og'irlik bo'yicha) vazn datchigi tekshiradi va tizimga mantiqiy signalni yuboradi ($WD \leq 500\text{kg}$) $WD = 0$ yoki $WD = 1$.

2. Kabina eshigi to'sib qo'yilganda o'tish oralig'ida xatolik borligini fotodatchik tekshiradi va keyingi mantiqiy signalni beradi. ($ED = 0$ yoki $ED = 1$).

3. Eshiklar yopiladi.

4. Eshik ochilish/yopilish klavishlari bloklanadi.

5. Kerakli qavatga ko'tarilish va liftni harakatlantirish uchun "Ishga tushirish" signali beriladi.

6. Talab etilgan qavatga yaqinlashganda tormozlanish datchigi ishga tushib, $SD=1$ mantiqiy signal beradi va lift tezligini sekinlashtirib, to'liq to'xtashini ta'minlaydi.


7. Kabina eshiklari ochiladi.

8. Eshikni ochilish/yopilish klavishlari blokirovkadan chiqariladi.

9. Kabina eshigiga o'tish oralig'ida yuz berishi mumkin bo'lgan xatolik borligini fotodatchik tekshiradi va $ED = 0$ yoki $ED = 1$ mantiqiy signalni shakllantiradi. Agar signal $ED = 0$ bo'lsa (xatolik aniqlanmasa), tizim muayyan kutish vaqtini belgilaydi va boshqa buyruq bo'lmasa, lift kabinasi eshigini yopadi.

10. Lift kutish holatiga o'tadi.

Bundan tashqari tizimda binoda ro'y berishi mumkin bo'lgan favqulodda holatlar, masalan yong'in ro'y bersa, qaysi qavatda bo'lishidan qat'iy nazar lift kabinasi avtomatik ravishda, birinchi qavatga harakatlanadi va hech qanday qo'shimcha harakatsiz kelib tushib eshiklarni ochadi. Lift qurilmasida avariya holati vujudga kelsa, bu to'g'rida signal dispetcher xizmatiga uzatiladi va dispetcher tomonidan liftdagi avariya holatining bartaraf etilishi ta'minlanadi.



Rasm 1. Liftning avariya va kutish holati blok sxemasi.

Bugungi kunda lift xo'jaligi rivojlangan mintaqalarda lift dispatcherlik xizmatlari keng joriy

УДК 621.396.67.01

ДИРЕКТОРЛИ АНТЕННА ҚУРУЛМАЛАРИ

Хотамов Абдуғафур, доцент; **Улуғова Бахтиниса**, ассистент
Тошкент ахборот технологиялари университети, Самарқанд филиали

Ихтиёрй турдаги ахборот узатувчи радиолиния боши ва охири антенна билан таъминланган узатгич ва қабул қилгичдан ташкил топади. Узатувчи антенна узатгичдаги электр сигналларни радиотўлқин шаклида нурлатади. Қабул қилувчи антенна эса радиотўлқинларни қабул қилади ва электр сигнали кўринишида қабул қилгичга етказиб беради. Ушбу мақолада ахборот технологиялари соҳасида ҳамда юридик ва жмсмоний шаслар томонидан истеъмолда энг кўп тарқалгани директорли антенналар ва уларнинг иш принципи тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Директорли антенна, фидер қурилмалари, тўлқинли канал, рефлектор, симметрияловчи қурилма, радиотўлқин, нурлатгич, пассив тебратгич

Опциональный передатчик состоит из передатчика и приемника, оснащенных головкой и концом антенны. Передающая антенна излучает электрические сигналы в передатчике в виде радиоволн. Приемная антенна принимает радиоволны и передает их на приемник в виде электрического сигнала. Эта статья предоставляет информацию о наиболее распространенных директивных антеннах и принципах их работы, в области информационных технологий и потребительских и правовых систем.

The optional transmitter consists of a transmitter and a receiver equipped with a head and end of the antenna. The transmit antenna emits electrical signals in the transmitter in the form of radio waves. A receiving antenna receives radio waves and transmits them to the receiver in the form of an electrical signal. This article provides infor-

etilmogda va yildan-yilga takomillashtirib borilmogda.

Xulosa. Xulosa o'rnida keltirish mumkinki, lift xo'jaligin avtomatlashtirish va dispetcherlashtirish:

- lift uskunalariga xizmat ko'rsatish samaradorligini sezilarli darajada oshiradi;
- uskunadagi nosozliklar va xatoliklar to'g'risida o'z vaqtida signallar beradi;
- boshqaruv xonasidan turib to'g'ridan-to'g'ri yordamchi xonalar va liftlar o'rtasida baland ovozli aloqani ta'minlaydi;
- lift va yordamchi xonalarga kirish-chiqishni nazorat qiladi;
- liftlardan foydalanish jarayonini batafsil tahlil qilish, ta'mirlash-profilaktika ishlarini o'tkazish jadvalini ishlab chiqish maqsadida lift xo'jaligi ish rejimi bo'yicha to'liq ma'lumotlar bazasini yaratish imkonini beradi.

Adabiyotlar:

1. Чжо Чжо Лин. «Разработка средств повышения эффективности автоматизированного управления пассажирскими лифтами на основе имитационного моделирования: автореферат. канд. техн. наук / NIU MI-ET, M, 2017.

2. SIMATIC S7-300 Tutorial for First Time Users. Режим доступа: <https://support.industry.siemens.com/cs/document/27006123/simatic-s7-300-tutorial-for-firsttime-users?dti=0&pnid=13752&lc=en-WW> (data obrasheniya 14.03.2016).

3. TURBO PASCAL. Xolmatov T.X., Talakov N.I. Amaliy matematika, dasturlash va kompyuterning dasturiy ta'minoti: T-2000.

3. Автоматизация лифтовых систем info@essys.ru




4. Диспетчеризация лифтового оборудования nyalider@liftkazan.ru.

mation on the most common directional antennas and the principles of their work, in the field of information technology and consumer and legal systems.

Антеннани узатгич ёки қабул қилгич билан бирлаштирувчи узатиш линияси *фидер* деб номланади.

Антенна – фидер қурилмалари радиоалока линиясининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Антеннанинг нотўғри танланиши, радиолиниялардаги носозликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли профессионал радиолинияларда йўналтирилган антенналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Йўналтирилган антенна нурлатилганда радиотўлқин энергияси маълум йўналишда узатилади. Антеннанинг йўналганлик даражаси қанча катта бўлса, шунча кичик қувватларда энергия узатиш имкони беради. Шунингдек, қабул қилувчи қурилма киришидаги сигнал-ҳалақит нисбатини оширади ва узатгичнинг керакли қувватни камайтиради. Йўналтирилган антенналар мураккаб ва тан нархи қиммат бўлган қурилма ҳисобланади. Бироқ уларга сарфланган харажатлар эксплуатация жараёнида ўзини тўлиқ оқлайди.

Йўналтирилган антенналардан энг кўп тарқалгани директорли антенна ҳисобланади (1-расм). Ушбу антенна “тўлқинли канал” антеннаси деб ҳам юритилади.



1-расм. Кўп элементли директорли антенналари

Директорли антенна битта актив тебратгич (фидер билан уланувчи тебратгич шундай номланади) ва бир нечта пасив тебратгичлардан ташкил топган (бу тебратгичлар манбага уланмайди, шу сабабли шундай номланади). Пасив тебратгич актив тебратгичнинг электромагнит майдони орқали қўзғатилади. Актив тебратгич сифатида илмоксимон шунгли тебратгичлардан фойданилади.

Пасив тебратгич актив тебратгичга нисбатан максимал нурланиш йўналишига қарама-қарши бўлган йўналишда жойлашган бўлиб *рефлектор* деб номланади. «Reflektor» - қайтариш деган маънони англатади. Актив тебратгичнинг олдида жойлашган пасив тебратгичлар *директорлар* деб аталади. “Direktor” – йўналтирувчи, бошқарувчи деган маънони англатади. Берилган тебратгичлар тизими рефлектордан директорга томон йўналтирилган нурланишни таъминлайди.

Директорли антенналардаги рефлектор узунлиги $(0.5...0.53)\lambda$, рефлектор ва директор орасидаги масофа $(0.15...0.25)\lambda$ оралиғида танланади. Директорлар узунлиги $(0.4...0.45)\lambda$, тебратгичлар ва уларга яқин жойлашган директорлар орасидаги масофа $(0.1...0.34)\lambda$ га тенг килиб танланади.

Директорли антенна ўзида югурма тўлқин антенналари принципи бўйича қўзғалувчи чизиқли тебратгичларни мужассамлаштиради. Одатда фақат битта рефлектордан фойданилади, чунки уларнинг сони антеннанинг нурлатишига деярли таъсир кўрсатмайди.

Актив ва пасив тебратгичлардан ташкил топган антеннанинг йўналтириш диаграммаси (ЙД) пасив тебратгичдаги ток фазаси силжиш бурчагининг актив тебратгичдаги ток нисбатига боғлиқ: $\gamma = \gamma_1 + \gamma_2$. Бунда, γ_1 – пасив тебратгичда ҳосил қилинган кучланиш фазасининг силжиш бурчагини актив тебратгичдаги токка нисбати; γ_2 – пасив тебратгичдаги ток фазасининг силжишини шу тебратгичда ҳосил қилинган кучланишга нисбати.

Бурчак γ_1 тебратгичлар орасидаги масофа d га боғлиқ, бурчак γ_2 пасив тебратгичнинг узунлигига боғлиқ.

Хулоса:

1. Рефлектордаги ток актив тебратгичдаги токка нисбатан фаза бўйича илгарилаб кетади, директордаги ток эса фаза бўйича ортда қолади.

2. γ_1, γ_2 ва γ бурчаклар учун шундай қийматлар борки, унда пасив тебратгичлар эффектив тарзда худди рефлектор ёки директор

сифатида ишлайди. Масалан, рефлектор эффектини ҳосил қилиш учун:

$$a) d = 0.15\lambda (\gamma_1 = -180^\circ); \gamma_2 = -40^\circ;$$

$$b) d = 0.2\lambda (\gamma_1 = -195^\circ); \gamma_2 = -40^\circ.$$

вадиректор эффектини ҳосил қилиш учун:

$$в) d = 0.1\lambda (\gamma_1 = -165^\circ); \gamma_2 = 20^\circ;$$

$$г) d = 0.15\lambda (\gamma_1 = -180^\circ); \gamma_2 = 40^\circ.$$

шартлар бажарилиши керак.

3. Реклектор учун бурчак γ_2 нинг манфий қийматлари ва директор учун мусбат қийматлари шундан дарак берадики, рефлектордаги ток унда ҳосил бўлган кучланиш туфайли фаза бўйича ортда қолади, директордаги ток эса ундан фаза бўйича илгарилаб кетади. Шу сабабли, *рефлектор – индуктив, директор – сизим қаршилик характериға эға бўлиши керак*. Бунинг учун эса резонансга созланган ярим тўлқинли актив тебраткичдаги рефлектор ярим тўлқин узунлигидан бир қанча узунроқ, директор эса кичикроқ бўлиши керак.

4. Одатда, актив тебраткичнинг кириш қаршилиги пассив тебраткич таъсирида якка ярим-тўлқинли тебраткичнинг нурлатиш қаршилигидан кичик бўлади ($R_\Sigma < 73.1$). Бу ўз навбатида антеннани фидер билан мослаштиришда қийинчилик туғдиради. Чунки директорли антенналарда актив тебраткич сифатида катта R_Σ га эға бўлган илмоқли тебраткичлардан фойдаланилади. Директорли антенна тўлқин қаршилиги 75 Ом бўлган озиқлантирувчи фидер билан мослаштириш учун «U-тирсак» турига оид бўлган симметрияловчи қурилмадан фойдаланилади.

Директорли антеннанинг ЙД шакли антен-

надаги тебраткичлар сонига боғлиқ. Директорлар сонининг ортиши ЙД торайишига олиб келади:

$$D = k_1 \frac{l_A}{\lambda}$$

бунда, l_A – антеннанинг умумий узунлиги (рефлектордан то чекка директоргача); $k_1 = 5 \dots 10$ – директорлар сонига боғлиқ бўлган коэффициент.

Директорли антенналарнинг афзалликлари уларни таъминлаш схемаларини ва конструкцияларини қуришдаги оддийлик, ўлчамларини кичиклиги билан боғлиқ. Камчилиги эса, тебраткичларнива улар орасидаги масофани танлашдаги қийинчиликдан иборат. Директорли антенналарнинг тор полосали бўлишига сабаб, бу каби антенналарнинг йўналганлиги кўп ҳолатларда частотага боғлиқ бўлган фаза муносабатлари билан ифодаланади.

Адабиётлар:

1. Warren L. Stutzman, Gary A. Thiele. Antenna Theory and Design. 3rd Edition. John Wiley, 2012.
2. Vitaliy Zhurbenko. Electromagnetic Waves. InTech 2011.
3. Панченко Б.А. Антенны Горячая линия – Телеком, 2015
4. Сомов А.М. Распространение радиоволн и антенны спутниковых систем связи. М.: Горячая линия – Телеком, 2015
5. Гончаренко И.В. Антенны КВ и УКВ. Основы и практика. – М.: Радио, 2006
6. <http://etuit.uz/dl/course/category.phpid=41>
7. www.tuit.uz
8. www.edu.uz

АВТОМОБИЛЛАР ДИНАМИК ПАРАМЕТРЛАРИГА ЙЎЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Мирзабеков Миркомил Саидахмадович, катта ўқитувчи
(Жиззах политехника институти)

Ушбу мақолада автомобилларнинг ҳаракат тезлигига таъсир кўрсатадиган йўл элементлари ва атроф муҳит таъсирини баҳоловчи кўрсаткичларнинг таҳлили ёритилган. Ишдан асосий мақсад ҳаракат шароитини яхшилаш бўйича тавсиялар келтирилиб, келажакда автомобил йўлларини лойиҳалашда амал қиладиган илмий ҳулосалар берилган.

Таянч сўзлар: хавфсизлик, авариялик ҳолати, услуб, коэффициент, транспорт оқими.

В этой статье рассматриваются элементы дорожной поверхности и данные анализы об оценке воздействия на окружающую среду. Основная цель работы дать рекомендации улучшению условий труда и научные выводы по будущие проектированию автомобильные дорога.

Ключевые слова: безопасность, аварийность, метод, коэффициент, транспортный поток.

In this article discussed the road surface elements and data analysis of environmental impact assessment. The main purpose of work is to give recommendations to improve the working conditions and given scientific conclusions which will be used in future road design and highway projecting.

Key words: safety, accident, method, factor traffic.

Республикамізда умумий равишда юк ва йўловчи ташишнинг 90 фоизга яқин ҳажмини

автотранспорт улуши ташкил қилади. Бу мамлакатимизда йўл-транспорт инфратузилма-

сини янада мустаҳкамлаш масаласи нечоғлик долзарблигидан далолат беради. Автомобил йўллари таъмирлаш, йўллардаги ҳаракат шароитини яхшилаш, янгиларини куриш ва уларни жаҳон андозаларига мослаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармойишида Республиканинг иқтисодий ривожланиш шартларини таъминлайдиган халқаро транспорт йўлакларини барпо қилиш, транзит ва вилоятлар оралиғида ишончли транспорт алоқасини таъминлаш, республиканинг ташқи интеграциялашган ва ички бириккан ягона транспорт муҳитини шакллантириш, Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш ва жаҳон бозорига чиқиш каби масалалар давлат йўл сиёсатининг устувор ва зифалари этиб белгиланган. Ушбу ва зифаларнинг амалий ечимини мавжуд автомобиль йўллари тармоғининг транспорт-фойдаланиш сифатларини ошириш, йўлларнинг техник ва фойдаланув ҳолатларини йўлдан фойдаланувчилар талабларига мувофиқлаштириш, автомобиллар ҳаракат шароитининг қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, йўлларни сақлаш ишларини самарали ташкил қилишни талаб қилади [1].

Эксплуатация шароитлари умумий ҳолда йўл, транспорт ва табиий-иқлим шароитлари билан аниқланади. Буларнинг ҳар бири, ўз навбатида маълум омиллар билан тавсифланади; йўл шароитлари – йўлнинг профили ва режа элементлари, жой рельефи, йўл қопламасининг кўриниши ва равонлиги, ҳаракат жадаллиги, ҳаракатга халақитлар, йўл ҳолатининг барқарорлиги, ҳаракат режимлари билан; транспорт шароитлари – юкнинг тури, ташишлар ҳажми, жўнатиладиган юклар партияси, ташиш масофаси, юк ташиш ва тушириш усуллари, маршрутлар тури ва ташишнинг ташкили, сақлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш шароитлари билан; табиий-иқлим шароитлари – совук, мўтадил, иссиқ ва тоғ иқлим шароитлари билан [2].

Автомобилларнинг шиналари йўлнинг қатнов қисми қопламаси билан нормал илашиши учун куйидаги шароитлар бўлиши керак: қоплама юзаси тоза, қуруқ ёки намланган бўлиши; 60 км/с тезликда бўйлама илашиш коэффициентини қуруқ юзада 0,6 нам юзада – 0,45 бўлиши; ёзда ҳаво ҳарорати 20°C, нисбий намлиги 50%, кўринишининг метеорологик узоклиги 500 метрдан ортиқ, шамол бўлмаслиги, атмосфера босими 760 мм сим. уст. бўлиши аниқланди [4].

Тоғ йўлларида денгиз сатхидан юқорига чиққан сари ёғин – сочин кўпаяди, ҳаво ҳарора-

ти ва атмосфера босими пасаяди, қуёш реакция кучаяди, туман қуюқлашади, ҳавонинг нисбий намлиги ортади (1-расм).

Бу омилларнинг бари йўл шароитларининг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатланиш режими ва хавфсизлигига ҳар томонлама ва кенг кўламда таъсир қилади [1].

Тоғ шароитларида метеорологик омилларнинг жадаллиги ва йўлга таъсир этиш давомийлиги куйидаги оқибатларга олиб келади:

- қопламанинг илашиш хусусиятлари ёмонлашгани сабабли автомобилларнинг йўл конструкциясига механик таъсири ҳам ўзгаради;

- атмосфера босимининг пасайиши, ҳаракатланишга қаршиликнинг ортиши сабабли двигател қуввати пасаяди;

- йўлнинг қатнов қисми, йўл четлари, муҳандислик иншоотлари ифлосланиб кетиши, қор босиши, излар тушган йўлаклар ҳосил бўлиши, қатнов қисми ва йўл четларининг кўринмай қолиши, ҳаракат бўлагиларини қор босиб излар тушади;

- йўл шароитларининг ёмонлашуви ва кислород этишмаслиги сабабли ҳайдовчининг психофизиологик ҳолати ўзгаради;


- туман қуюқлашуви, ёғинлар ва қуёш реакцияси кучайиши сабабли метеорологик кўринувчанлик пасаяди;

- автомобилнинг техник эксплуатация сифатлари (ҳаракатланиш қулайлиги ва хавфсизлигини таъминловчи тизимлар: тормоз, рул бошқаруви, кўринувчанликни таъминлаш, сигнал тизимлари) ёмонлашади;

- йўл ва метеорологик шароитлар ёмонлашиши ҳайдовчининг нерв-эмоционал зўриқишига салбий таъсир қилади.


Тоғ йўлларида баландлик ошгани сари ҳаракатланиш шароитларининг ўзгариши автомобилларнинг ҳаракат режимларини ўзгартиришни талаб этади ва бу хавфсизлик таъминлашига салбий таъсир этиши мумкин.

Автомобилларнинг иш шароитига салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан бири бу ёғингарчилик миқдорининг ҳолатига қараб баҳоланади. Муаллиф томонидан йиллар давомида ўтказилган тажрибалар ва тўпланган маълумотлар асосида ҳаракат жадаллиги юқори бўлган халқаро аҳамиятга эга А-373 “Тошкент-Ўш” автомобил йўлининг 116-214 км.и “Қамчиқ” давони ва унинг атрофидаги худудлар Ангрен шаҳри ва Поп туманлари ҳамда М-39 “Алма-ата - Бишкек-Тошкент-Термиз” автомобил йўлининг 1120-1145 км.и Тахта-қарача давони ва 1302-1320 км.и Оқрабат давони атрофидаги йиллар давомида аниқланган ёғин миқдори (мм) нинг тахлили аниқланди (1-расм).



1-расм. Республикамизнинг давонли худудларидаги ўртача йиллик ёгин миқдорининг тахлили.

Расмдан кўринадикки худудлардаги ўртача йиллик ёгин миқдори баҳор ойининг февраль-март апрел ойларида ва қиш ойининг ноябрь-декабрь ойларида энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, шу ойларда автомобилларнинг ҳаракат шароитига юқоридаги омиллар кўпроқ таъсир кўрсатиб, йўлларда содир этиладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони йўлларнинг денгиз сатхидан кўтарилиб бориши ва бўйлама профил элементларининг ошиб боришига боғлиқлигини қуйидаги расмдан кўришимиз мумкин 2-расм. Ушбу расмда 3 хилда жихозланган йўлларда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг йўлнинг бўйлама қияликка нисбатан ўсиб бориши аниқланди [3].



2-расм. Автомобил йўлларининг элементига қараб ЙТХнинг ўзгариш кўрсаткичлари.

1 – кўп поласали йўллар ажратувчи йўл тўсиқлари бор; 2 – кўп поласали йўллар ажратувчи йўл тўсиқлари йўқ; 3 – икки тасмали йўллар ажратувчи йўл тўсиқлари йўқ.

Ушбу расмдан кўриниб турибдики автомобил йўлларининг бўйлама қиялик кўрсаткич-

лари ошиб бориши яъни 50-60% дан ошганда йўлларнинг жихозланганлик даражасига қараб ажратувчи йўл тўсиқлари бўлмаганда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг сонига қараб йўлларнинг хавфлилик даражаси ошиб бориши аниқланди.

Йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракат режимини яхшилаш бўйича қуйидаги омиллар таъсир қилинади;

- ҳайдовчининг психофизиологик ҳолатини доимий тарзда аниқлаб бориш (*чарчаганлик, реакция тезлиги*);

- бошқарув органларининг конструкцияси ва техник ҳолатини диагностика қилиб бориш;

- йўллардаги кўринувчанликка эътиборни кучайтириш (*метеорологик шароитлар*);

- йўл қоламасининг тури ва ҳолатини доимий тарзда текшириб бориш ва зурур чоратадбирларни дарҳол қўллаш (*қуруқ, музлаган, шудринг ва б.*);

- ўтиш жойлари (режадаги кичик радиусли бурилиш жойлари, тик кўтарилиш ва пастга тушиш жойлари) да тезликни пасайтирувчи йўл белги-чиқиқларининг ҳолатини назорат қилиб бориш;

- хавфли йўл бўлақларида ҳаракат жадаллигини кўрсатувчи электрон таблолар ўрнатиб, ҳайдовчига ахборот ишораларини бериб бориш ва х.к.

Юқорида келтирилган омиллар автомобил йўлларини эксплуатация қилиш жараёнида фойдаланиб, транспорт воситаларининг ҳаракат режими доимий тарзда назорат қилиб борилса, содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларини 10-12 %га камайишига олиб келади.

Адабиётлар.

1. Хикматов Ш.И., Мирзабеков М.С. Йўл элементларининг автомобиллар ҳаракат шароитига таъсирининг илмий асослари. Фарғона политехника институти илмий-техника журнали. Фарғона 2018 й. 131-134 б.

2. Мирзабеков М.С. Особенности режима и безопасности движения на горных автомобильных дорогах Узбекистана. Молодой учёный. Международный научный журнал. СПЕЦВЫПУСК. Джизакский политехнический институт № 7.2 (111.2) / 2016. г. Казань. 64-67 ст.

3. Бабоев А. М. Тоғ шароитида суюқлик ташийдиган мингашма автопоезднинг мақбул ҳаракат тезлигини асослаш (қамчиқ довони мисолида): Техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. ТАЙЛҚЭИ. 2011 й. 149 б.

УДК 528.3

ГЕОДЕЗИК ТЎР БАРПО ЭТИШДА GPS ПРИЁМНИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Худайкулов Н.Ж. катта ўқитувчи., Карабеков У.А., ассистент
Жиззах политехника институти

В статье освещена проблемы использования GPS технологий при создании государственных геодезических опорных пунктов.

The article highlights the problems of using GPS technologies in the creation of state geodetic reference points.

Топографик съёмкаларни бажариш, инженерлик иншоотларини куриш ва илмий масалаларни ҳал қилиш учун ер сиртида ўрни ягона координата системасида планли ва ягона баландлиқ системасида бўлган баландлиқ геодезик тармоқ пунктлари барпо этилади. Планли геодезик тармоқлар илк бор триангуляция, полигонометрия, трилатерация ёки уларнинг комбинациялари усулларида яратилган.


Ер юзасида бажарилаётган барча геодезик ўлчашлардан асосий мақсад нукталарнинг ўзаро ҳолатини аниқлаш.

Жойида ўрни узоқ вақт сақланадиган қилиб махсус қурилма ёки мустаҳкам қозик билан белгиланган планли координатаси ёки абсолют баландлиги аниқланган нуктага геодезик таянч пункти дейилади. Бундай нукталар йиғиндиси геодезик таянч тўрини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1990 йилгача барпо этилган тўрнинг 14145 та пункти мавжуд бўлган бўлса, уларнинг айримлари ҳар хил кучлар таъсирида таъмирталаб бўлиб қолган. Мустақиллик давридан сўнг бундай пунктларни таъмирлаш, қайта тиклаш ва янгиларини барпо қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бундай геодезик пунктларни ўрнини аниқлашда анъанавий усулда юқори аниқликдаги теодолит ва нивелир геодезик асбобларидан фойдаланиб келинган.

1970 йиллар бошида GPS (Global Position System) янги лойиҳаси тақдим этилди ва унга кўра киши ўзи турган ўрнини ер юзасининг ҳохлаган нуктасида, ҳохлаган вақтда, ҳар қандай об-ҳаво шароитида юқори аниқликда аниқлаш имконига эга бўлди [1].

Ўзбекистонда 1995 йилдан бошлаб геодезик тўр барпо этишда GPS технологиядан кенг фойдаланилмоқда. Йўлдошли радионавигация тизими, бошқачасига турган жойни аниқлаш глобал (дунё миқёси) тизими GPS (Global Position System) деб ҳам аталади. Бу тизимдан фойдаланиб ернинг ихтиёрий нуктасидаги объектни (нуктани) кечаю кундуз ихтиёрий вақтда, ҳар қандай об-ҳаво шароитида юқори аниқликда координатасини, тезлигини ва аниқ вақтни аниқлаш мумкин.



GPS сунъий йўлдошларининг бирлашмаси: 24 сунъий йўлдошлар, 6 орбитал яссилик, эгилиш $^{\circ}$, баландлиқ 20200 км, айланиш вақти

GPS нинг ишлаш принципи умумий ҳолда қуйидагича. Ер олди фазосида Ер сунъий йўлдошларидан иборат бўлган тўр ҳосил қилинган. Бу тўр бутун Ер юзасини бир текисликда “қоплаб” туради. Ер йўлдошларининг орбитаси жуда юқори аниқликда ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир йўлдошнинг координатасини ихтиёрий вақтда билиш мумкин. Йўлдошга ўрнатилган радиоузатгичлар Ер юзасига йўналтирилган узлуксиз сигналлар юбориб турадилар. Бу сигналларни координаталари аниқланаётган нуктага ўрнатилган GPS қабул қилиш мосламаси (приёмник) қабул қилади. [2]

Мустақиллик йилларида геодезия ва картография соҳасида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Оғир кўл меҳнати ўрнини рақамли технологиялар эгаллади. 2013 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Миллий географик ахборот тизимини яратиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2045 сонли қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ушбу қарорнинг 3-бандига мувофиқ, лойиҳани ижро этувчи, уни амалга ошириш, заёмлар маблағларидан самарали фойдаланиш учун маъсул орган Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслар, геодезия, картография ва давлат кадастри этиб тай-

инлади.

Ушбу газ ёқилғилари ўзининг кам таннархга эгаллиги билан бензин ва дизел ёқилғилари билан рақобатлаша олади. Бундан ташқари газсимон ёқилғилар бир қанча афзалликларга эга, ташиб келтириш, транспорт воситасига қуйиш, зарур жойларда газ қуйиш шахобчаларини қуриш мумкинлиги, автомобилга қуйилган ёнилғи захираси билан нисбатан катта масофа йўл босиш мумкинлиги.

Газлар ёқилғи қуйиш шахобчаларида ер устида ва ер остида жойлашган резервуарларда сақланади. Газ ёқилғилари ер устида сақланганда уч хил турдаги резервуарлардан фойдаланилади:

1. Босимга бардошли;
2. Ярим изотермик;
4. Изотермик.

Ер устида жойлаштирилган босимга бардошли метал резервуарлар одатда атроф-муҳит температураси таъсирида газ босими унчалик катта бўлмаган газларни сақлаш учун ишлатилади. [3]

Ярим изотермик резервуарларда газларни сақлаш тартиби икки хил параметрни, яъни ҳарорат ва босимни назорат қилиш ҳамда ростлаб туриш ёрдамида амалга оширилади. Газ ҳарорати, газ босими атроф-муҳит босимидан юқорилиги билан аниқланади. Бундан ташқари газларни сақлашда асосий омиллардан бири портлаш ва ёнғинни олдини олишни таъмин-

лашдир.

Стационар газ қуйиш шахобчаларида автомобил газ баллонларига газ қуйиш вақтида газнинг ҳаводаги кичик концентрацияси ҳам портловчи аралашмани ҳосил қилади.

Газнинг одам организмга асосан нафас олиш органлари орқали нарколептик таъсири ва босим остида чиқишда танани совуқ уриши қузатилади.

Шунингдек газ тўлдириш шахобчаларида қуйидаги юқори даражадаги ҳалокатли ҳолатлар мавжуд:

- Эгиловчан шлангда герметиканинг бузилиши ва автомобилга газ қуйиш пайтида газ оқимининг газ тўлдириш шахобчаси бетон майдони юзасига урилиши;
- Электр энергия таъминоти узилиши;
- Қурилмалар носозлиги;
- Сақлаш клапани бузилиши;
- Ёнилғи сатҳини кўрсатувчи индикатор ойнаси синиши ва зарарланиши;
- Атроф-муҳит ва одамларга зарар келтирувчи санитария ҳолатининг вужудга келиши. [3]

Ҳар қандай ҳалокатли ҳолатларнинг ва портлаш ҳавфини туғдирувчи газ аралашмалари пайдо бўлишининг олдини олиш ҳамда унга қарши тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Автомобилларга газ қуйиш шахобчаларида ҳавфсизликни таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирлар тақлиф этилади:

- газ тўлдирилган резервуарлар очиқ майдонда жойлашиши;
- барча электр жиҳозлар ва ёритиш ускуналари учкун ҳосил бўлишига қарши жиҳозланиши;
- автобилларга газ қуйиш жараёнида ишлаб чиқариш инструкциясига тўлиқ амал қилиш;
- газ қуйиш постида фақат битта автомобил жойлашиши лозим.

Автомобил газ баллонларини тўлдиришда “Босим остида ишловчи идишларни ишлатиш қоидалари” талабларига тўлиқ амал қилиниши лозим. Автомобил газ баллонлари техник созлиги ва ўз вақтида техник кўриқдан ўтганлигига автомобил эгалари шахсан жавобгар ҳисобланишади.

Оператор автомобилга газқуйишдан олдин газ баллоннинг мувофиқлик сертификати ва синовдан ўтганлигини текшириб кўриши лозим. [2]

Қуйидаги ҳолатларда автомобил газ баллонларига газ қуйиш таъқиқланади:

- автомобилга ўрнатилган газ баллонлари даврий синовдан ўтмаган бўлса;
- газ баллонда маълумот берувчи ёзувлар бўлмаса;

- газ баллон қотирилган мосламалар бўшган бўлса;

- газ трубалари уланган жойларда герметиклик бузилган бўлса.

Автомобилларга газ қуйиш шахобчаларига киришдан олдин йўловчилар туширилиши лозим. Автомобил газ баллонларига газ тўлдирилаётганда двигател ўчирилган ва двигател жойлашган қисм қопқоғи очиқ тарзда бўлиши лозим. Двигателни ўт олдиришга газ тўлдириш шланги газ тўлдириш вентилидан узилиб сақлагич ўрнатилгандан сўнг рухсат берилади. Шу ўринда газ қуйиш шахобчаларида кўрсаткичларни баҳоловчи услублар ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Портлашга хавfli зоналар ўлчамини аниқлаш усули

Газ қуйиш шахобчаларида агарда қуйидаги тенгсизлик юзага келса, портловчи газ концентрацияси ҳосил бўлади,

$$t_g \geq t_{chaq}$$

бу ерда, t_g – газ харорати, $^{\circ}\text{C}$, t_{chaq} – чақнаш харорати, $^{\circ}\text{C}$.

Юқоридаги тенгсизликни ҳисобга олган ҳолда,

$$R = \sqrt{\frac{A \cdot m_{gb}}{\varphi}}$$

бу ерда, R – концентрация майдонини чегараловчи, ёнғин тарқалишини пасайтирувчи ва буғланиш манбаси чегарасидан кейинги зона

ўлчами, m , A – константа $0.17m^{-1}$, m_{gb} – газ буғлари массаси, kg , φ – ёнғин тарқалишининг энг кичик концентрацияси чегараси, kgm^{-3} . [2]

Юқоридаги формуладан кўриниб турибдики газ қуйиш шахобчаларида турли услублар ёрдамида баҳолаш орқали хавfli зоналарни баҳолаш имкони яратилади.

Шу ўринда автомобилларга газ қуйиш шахобчаларида одам организмга асосан нафас олиш органлари орқали наркологиқ таъсири ва босим остида чиқишда танани совуқ уриши, эгилувчан шлангда герметиканинг бузилиши ва автомобилга газ қуйиш пайтида газ оқимининг газ тўлдириш шахобчаси бетон майдони юзасига урилиши, автомобилларга газ қуйиш жараёнида ишлаб чиқариш инструкцияси бузилишлари каби нуксонларни бартараф этиш бўйичатабдирлар талаблари ишлаб чиқиш кунининг долзарб масаласи бўлиб келмоқда.

Адабиётлар:

1. Базаров Б.И. Научные основы энерго экологической эффективности использования альтернативных моторных топлива: Дисс...док техн. Наук.-Ташкент: ТАДИ, 2006-215 с.
2. Абдуазизов Т. “Экология автомобильного транспорта” Джизак-2011 г.
3. Суванкулов Ш. Топлива для автомобильного транспортных комплексов. Республиканский научный-технический конференция. г.Джизак 2014. 192-194-ст.

ЁНҒИНЛАРНИ ЎРТА ҚАРРАЛИ КЎПИК БИЛАН ЎЧИРИШДА ҚУЧ ВА ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДИКАСИ

Хасанов О.Э., Пардаев А.П., Султонов С.С.

(Ўзбекистон Республикаси ФВВ Ёнғин хавфсизлиги институти)

Ушбу мақолада ёнғинларни ўрта қаррали кўпик билан ўчиришда қуч ва воситаларни ҳисоблаш усуллари такомиллаштиришга оид изланишлар олиб борилган. Содир бўлаётган ёнғинларни бартараф этишда замонавий ёнғин ўчириш моддаларни қўллаш ва уларни ёнғин жойига самарали узатиб бериш услублари таҳлил қилинган. Ҳисоблаб чиқилган меъёрлар кўрсаткичларини кўпайтирилган ҳолда ёнғинни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган жанговар ҳаракатлар давомида шахсий таркиб томонидан вақтни унумли сарфлаш ва бошқа хатоликларга йўл қўйилишига сабаб бўлишининг олдини олиш имкониятлари ҳисоблаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ёнғин, қутқарув, жанговар, экипаж, тактик, кўпик, енгил алангаланувчи суяқлик.

В данной статье были проведены исследования по совершенствованию методов расчета сил и средств устранения пожаров с использованием вспениваемой пены средней мощности. Были проанализированы методы применения современных средств пожаротушения и их эффективные методы пожаротушения. Способность предотвращать использование огнестрельного оружия для личного тайм-аута и других ошибок во время пожаротушения путем умножения рассчитанных стандартов.

Ключевые слова: пожар, спасение, боевой, экипаж, тактика, пена, легковоспламеняющиеся жидкости.

In this article, studies have been conducted to improve the methods of calculating the forces and means of eliminating fires using expanded foam of average power. The methods of applying modern fire extinguishing agents and their effective fire extinguishing methods were analyzed. The ability to prevent the use of firearms for personal timeout and other errors during fire fighting by multiplying the calculated standards.

Key words: fire, rescue, warrior, crew, tactics, foam, flammable lungs.

Содир бўлаётган ёнгинларни бартараф этиш ёнгин-тактик жиҳатидан - ёнгин хавфсизлиги хизмати жанговар экипажлари томонидан инсонларни ва ҳайвонларни хавфсизлигини таъминлаш, моддий бойликларни қутқариш ва ёнгинларни бартараф этилишига қаратилган бошқарув қарорлари ва жанговар ҳаракатлар хусусиятларининг йиғиндиси бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги замонда содир бўлаётган ёнгинларни бартараф этишда замонавий ёнгин ўчириш моддаларни қўллаш ва уларни ёнгин жойига самарали узатиб бериш услубларидан фойдаланишни талаб этади.

Ёнгинни ўчириш қобилиятига эга бўлган модда ва материаллар ёнгинни ўчириш воситалари бўлиб ҳисобланади.

Ўрта қаррали кўпик билан ёнгинларни ўчиришда куч ва воситаларни ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотларни аниқлаш лозим:

- ёнгин майдони (хонанинг ҳажми);
- кўпик ҳосил қилувчи модда аралашмасини узатишни талаб этиладиган жадаллиги.

- танланган генераторларнинг кўпик ҳосил қилувчи модда аралашмасига ёки кўпик ҳажмига қараб, ўрта қаррали кўпик узатиб бериш қуввати;

- ёнгин ўчириш воситаларининг захира коэффициентини.

Ёнгин алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни майдон бўйича ўчиришда куч ва воситаларни ҳисоблаш, тўкилган маҳсулот геометрик ўлчамларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Кўпик ҳосил қилувчи модда аралашмасининг талаб этиладиган сарфи қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Q_{\text{аралашма}} = S_{\text{ё}} \cdot I_{\text{аралашма}}$$

бунда:

$S_{\text{ё}}$ – тўкилган суюқлик ойнаси майдони, м;

Ёнгинни бартараф этиш учун бериладиган кўпик ҳосил қилувчи мода аралашмасининг талаб этиладиган жадаллиги, л/(с·м²).

Кўпик ҳосил қилувчи мода аралашмаси миқдори билан таъминлаш учун, керак бўладиган ўрта қаррали кўпик берувчи генераторлар (ГПС) сони қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$N_{\text{ГПС}} = Q_{\text{аралашма}} / q_{\text{ГПС}}^{\text{аралашма}}$$

бунда:

$q_{\text{ГПС}}^{\text{аралашма}}$ кўпик ҳосил қилувчи мода аралашмаси бўйича, ГПС нинг узатиш сарфи, л/с.

Ёнгин алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ёнганда, уларни муваффақиятли бартараф этиш учун захирани ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги

формула бўйича кўпик ҳосил қилувчи модданинг талаб этиладиган миқдорини аниқлаймиз:

$$W_{\text{к.х.к.м}} = N_{\text{ГПС}} \cdot q_{\text{ГПС}}^{\text{кккм}} \cdot \tau_{\text{р}} \cdot k_3^{\text{кккм}} \cdot 60$$

бунда: $q_{\text{ГПС}}^{\text{кккм}}$ - ГПС нингкўпик ҳосил қилувчи моддани узатиш сарфи, л/с.; $\tau_{\text{р}}$ - ёнгинни ўчиришнинг меъерий вақти, дақиқа; $k_3^{\text{кккм}}$ - ёнгинни ўчириш учун керак бўладиган кўпик ҳосил қилувчи модданинг захира коэффициенти, $k_3^{\text{кккм}} = 3$.

Кўпик ҳосил қилувчи моддани ташиш учун керак бўладиган автомобиллар сонини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$N_{\text{ав}} = W_{\text{кккм}} / W_{\text{ав}}$$

бунда: $W_{\text{ав}}$ –автомобил цистернаси ҳажми, л.

Ёнгин алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни ўчиришда талаб этиладиган кўпик миқдорини бериш учун керакли сув сарфи (объектда сув қувурлари тармоғи мавжуд бўлганда) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q_{\text{т.э.}}^{\text{у}} = N_{\text{ГПС}} \cdot q_{\text{ГПС}}^{\text{сув}}$$

бунда: $q_{\text{ГПС}}^{\text{сув}}$ -ГПС нинг сув узатиш сарфи, л/с.

Объектда сув қувурлари тармоғи мавжуд бўлганда, унинг сув билан таъминланганлигини баҳолаш учун ёнгинни ўчириш учун талаб этиладиган сув сарфи билан сув қувурлари берадиган сув сарфини бир-бирига солиштириб кўриш зарур.

$$Q_{\text{т.э.}}^{\text{у}} \leq Q_{\text{сув}}$$

бунда: $Q_{\text{сув}}$ сув қувурлари тармоғи берадиган сув сарфи, текшириш далолатномасидан ёки ЁЎР қўлланмасидан олинади.

Агар тенгсизлик кузатилса, унда объект сув билан таъминланган ҳисобланади, акс ҳолда эса ёнгинни ўчириш учун сув ташиб келтириш ёки қўшни сув манбаларидан сувни ҳайдаш зарур бўлади. Объектда сув ҳавзалари мавжуд бўлса, кўпикли ҳужумни ўтказиш учун керакли энг кам сув захираси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_{\text{сув}}^{\text{у}} = N_{\text{ГПС}} \cdot q_{\text{ГПС}}^{\text{сув}} \cdot \tau_{\text{р}} \cdot k_3^{\text{сув}} \cdot 60$$

бунда: $W_{\text{сув}}^{\text{у}}$ кўпикли ҳужум ўтказиш учун керак бўладиган сув ҳажми, л; $k_3^{\text{сув}}$ -ёнгинни ўчиришда сув захираси коэффициенти, $k_3^{\text{сув}} = 5$.

Объектнинг сув билан таъминланганлигини баҳолаш учун ёнгинни ўчириш учун керакли умумий сув захирасини объект сув ҳавзаларидаги сув захиралари билан солиштириб кўриш лозим.

$$W_{т.э.} \leq 0,9 \cdot W_{суб} \quad (2)$$

бунда: $W_{суб}$ сув ҳавзасининг ҳажми, м.

Агар тенгсизлик кузатилса, унда объект сув билан таъминланган, акс ҳолда сув ташиб келтириш ёки кўшни сув манбаларидан сув ҳайдаш керак бўлади.

Ҳисобланган ГПСларни ёнғинни ўчиришга беришни таъминлаш учун керак бўлган экипажлар сонини куйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$N_{эк} = N_{ГПС} / n_{ГПС}^{ЭК}$$

бунда: $n_{ГПС}^{ЭК}$ - асосий ёнғин ўчириш автомобилидаги битта экипаж бера оладиган ГПСлар сони.

Ёнғин ўчириш воситалари ёнувчи модда ва материалларнинг ёниш жараёнига умумлашган ҳолда таъсир кўрсатади. Масалан сув, ёнғин ўчоғини ҳам совитиш ҳам ажратиш (аралаштириш) вазифасини бажариши мумкин; кўпикли воситалар ҳам ажратиш ҳам совитиш вазифасини бажариши мумкин; кукунли воситалар ҳам ажратиш ҳам ёниш реакциясини тўхтатиш вазифасини бажариши мумкин; энг самарали газли моддалар ҳам аралаштириш ҳам ёниш реакциясини тўхтатиш вазифасини бажариши мумкин. Агарда, ҳисоблаб чиқилган меъёрлар кўрсаткичлари камайтирилган ҳолда акс этирилса, яъни машқларнинг бажариш учун талаб этилган вақтдан паст бўлган кўрсаткич олинса, машқни бажарилишида шахсий таркиб томонидан шошма-шошарликларга йўл қўйилишига олиб келади ва натижада машқнинг меъёри умуман бажарилмай қолиб кетишига олиб келади. Ҳисоблаб чиқилган меъёрлар кўрсаткичларини кўпайтирилган ҳолда берилса, аксинча, ёнғинни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган жанговар ҳаракатлар давомида шахсий таркиб томонидан ёнғин ўчириш учун сарфланадиган меъёрий вақтни белгилаб олишининг иккита имкониятлари мавжуд.

Биринчи имконият: ёнғинларни бартараф этишда ва машғулотларни ўтказилишида жанговар ҳаракатларни олиб бориш ва бошқа вазифаларни бажариш бўйича орттирилган бой тажрибаларга таянган ҳолда меъёрларнинг кўрсаткичларини белгилаб олиш мумкин. Бундай вақтлар кўрсаткичларини бир томонлама қилиб танлаб олиншини тўғрилиги эҳтимоллик назариясига асосланган бўлиб ва бажарилган ишларга баҳо берилишида мумкин бўлган ўртача статистик кўрсаткичлари олинади. Бошқача қилиб изоҳланганида, бажарилаётган ишларнинг давомийлиги бир-бирларига боғлиб бўлмаган ҳолатларда кўп маротаба

баҳоланиши айрим ишларни бажариш учун ёки умуман жанговар ҳаракатларни олиб бориш учун сарфланган вақтларнинг ўртача арифметик кўрсаткичлари олинishi математика томонидан кўзланаётган меъёрлар кўрсаткичлари аниқланади, яъни тажрибалар қанча кўп бўлса шунча ҳақиқатга яқин бўлган меъёрий кўрсаткичлар аниқланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда куйидаги муҳим хулосага келиш мумкин: ёнғинларни бартараф этишда олиб борилаётган барча жанговар ҳаракатлар турлари ёки алоҳида бир вазифани бажариш бўйича олиб борилган ҳаракатлар бўйича маълумотларни меъёрий жадваллар ва каталогларга киритилган ҳолда тажрибаларни йиғиш ва бойитиб борилиши ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркиби ва жанговар экипажларига баҳо беришда вақтинчалик кўрсаткичларни осон аниқлашга ёрдам беради. Бирок, бундай ҳолатларда мутахассислар доимо тасодифий кўрсаткичларга тўқнашишлари, республика, вилоят, шаҳар ва туманлар ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибига ишончли хусусият бўлиб ҳисобланмайди, чунки шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарликлари турлича бўлади ва бажарилаётган ишлар турли мураккаб шароитларда амалга оширилиши назарда тутилиши лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тафсилотларни олиш бошқа имконияти ҳам мавжуд. У, ёнғин ўчириш асбоб ва анжомлари ҳамда ёнғин ўчириш техника-лари билан олиб борилган жанговар ҳаракатларга сарфланган вақтларнинг кўрсаткичларини математик услублар билан қайта ишлаб чиқиш йўли билан аниқланади. Назарда тутиш лозимки, меъёрлар бошланғич кўрсаткичлари қанчалик мукамал ва батафсил ишлаб чиқилишига қарамай олинган кўрсаткичлар ва хулосаларда хатоликларга йўл қўйилган бўлиши мумкинлигини изоҳлаб бериш учун чекланмаган намуналарнинг тузиб чиқиш имкониятини яратиб беради. Ёнғин ўчириш техникалари ва асбоб-анжомлари билан олиб борилаётган жанговар ҳаракатларни конунийлигини ўрганиб бораётган мутахассисларга ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибини касбий маҳоратларини оширишда ушбу намуналар катта имкониятларни очиб беради. Тактикусулларнинг устуворлиги табиий ҳолат, чунки барча соҳаларда статистик маълумотлари математикасиз қайта ишлаб чиқиш мумкинлигига ишониш мушкул. Статистик маълумотлардан иборат бўлган аксарият математик намуналарлардан бизни қизиқтираётгани бу кўп маротаба қайта ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлган намуналар ҳисобланади. Белгиланган машқни ёки унинг бир қисмини

бажариш учун сарфланган вақтларни кўп мартаба ўлчанилишининг асосий мақсади бўлиб охир-оқибатига ўлчанаётган кўрсаткичнинг аниқ миқдориغا баҳо беришдир.

Адабиётлар:

1. ГОСТ 12.1.004 - 91. Пожарная безопасность. Общие требования.

2. ГОСТ 27331-87 Пожарная техника. Классификация пожаров.

3. Кўлдошев А.Х., Собиров Э.Э., Султонов С.С. Ёнгин ўчириш тактикаси дарслиги. Чўлпон НМИУ Тошкент-2017.

4. Худоев А.Д., Стецюк В.Ф., Касимов Р.Э. Пожарная тактика учебник ВТШПБ МВД РУз. Т.: -2001 г.

ЁНГИННИ ЎЧИРИШ УЧУН КУЧ ВА ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБЛАШНИНГ УМУМИЙ УСЛУБИЯТИ

Пардаев А.П., Султонов С.С., Ярбеков Ж.Б.

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Ёнгин хавфсизлиги институти

Ушбу мақолада ёнгинни ўчириш учун куч ва воситаларни ҳисоблашнинг умумий услубиятини такомиллаштириш, авария кутқарув ишларини ташкиллаштириш тизимларини яхшилаш борасида фикрлар юритилган. Куч ва воситаларни ҳисоблашда ҳар бир аниқланган элементни аввалгиси билан солиштириш, ёнувчи модда спецификасини, ёнгин турини ва келиб чиқадиган вазият ҳисоблаб чиқилган. Ёнгинни ўчириш ва объектларни ҳимоя қилишда ёнгин ўчириш воситаларининг умумий сарфи, керакли захираси ва ёнгин содир бўлган объектларнинг техник воситалар билан таъминланганлиги ўрганилган

Калит сўзлар: жанговар экипаж, тутун сўргич, тактик, профилактик, шамоллатиш тизими, шахта, тоннеллар.

В этой статье обсуждается, как улучшить общую методологию расчета сил и средств пожаротушения и совершенствования систем реагирования на чрезвычайные ситуации. Расчет каждого элемента, указанного в расчетах, основан на спецификации типа сгорания, типа пожара и ситуации. Общее количество противопожарного оборудования, средств пожаротушения было изучено в случае пожаротушения и защиты объектов.

Ключевые слова: боевая бригада, дымовые средства, тактические, профилактические, системы вентиляции, шахты, тоннели.

This article discusses how to improve the overall methodology for calculating fire extinguishing forces and facilities and improving emergency response systems. The calculation of each element specified in the calculations is based on the specification of the type of combustion, the type of fire and the situation. The total number of fire fighting equipment, fire extinguishing equipment was studied in case of fire extinguishing and protection of objects.

Key words: combat brigade, smoke, tactical, preventive, ventilation systems, mines, and tunnels.

Ёнгинларни бартараф этишдаги жанговар ҳаракатлар асосан нафас олишга яроқсиз бўлган муҳитларда олиб борилади, бу ёнгин хавфсизлиги хизмати жанговар экипажларининг ҳаракатларини қийинлаштиради, шунинг учун ҳамда ёнгиннинг хавфли омилларидан ҳимоялаш учун кўпчилик бинолар турли хилдаги эркин оқиб келувчи ва сўрувчи шамоллатиш тизимларидан фойдаланилган ҳолда тутундан ҳимоя қилиш тузимлари билан жиҳозланиши талаб этилади.

Тутунга қарши ҳимоя тузимлари ўрнатилмаган ёки носоз бўлган бино ва иншоотларда ёнгинларни бартараф этишда, ёнгин хавфсизлиги хизмати жанговар экипажлари тутун сўргич, тутун клапанлари, кондиционерлар, филтрлар, ҳаво алмаштириш жиҳозларини ишлатадилар. Лекин, ушбу жиҳозларнинг техник имкониятлари чекланганлиги, ҳамда бинодан қай мақсадда фойдаланилиши ва уларнинг қурилиш қурилмаларини тузилиши, ёнгинни ривожла-

ниши ва ёниш маҳсулотларини тарқалиши хусусиятлари турли бўлганлиги сабабли аксарият ҳолатларда уларни ишлатилиши кўзланган иш самарасини бера олмайдилар. Шамоллатиш тузими чекланган биноларда (ертўла ва ним ертўлаларда, шахта, тоннеллар, зичланган аппаратларда, бино ва иншоотларнинг бошқа вариантлари) тутун билан курашиш ишлари мураккаблашиб боради.

Аксарият ҳолатларда ёнгинларни бартараф этишда тутун билан курашиш чораларининг самараси суст бўлганлиги сабабли ёнгиннинг кучайиб кетишига олиб келади.

Ёнгинларни бартараф этишда олиб борилаётган жанговар ҳаракатларни мураккаблиги ва хавфлилиги ёнгин хавфсизлиги хизмати жанговар экипажларини турли хилдаги иссиқликдан ва тутундан ҳимояловчи шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишлари талаб этади.

Ҳозирги кунда ёнгин хавфсизлиги хизматида нафас олиш учун яроқсиз бўлган муҳитлар-

даги ёнгинларни ўчириш ва талофатларнинг оқибатларини мувафакқиятли бартараф этиш учун қуйидаги шахсий химоя воситалари мавжуд: нафас олиш йўлларини ва кўзларни химояловчи воситалар, иссиқликни қайтарувчи ва иссиқликдан химояловчи костюмлар. Куч ва воситаларни ҳисоблашда кейинги ҳар бир аниқланган элементни аввалгиси билан солиштириш, ёнувчи модда спецификасини, ёнгин турини ва келиб чиқадиган вазиятни ҳисобга олиш керак.

Ёнгинни ўчириш учун куч ва воситаларни ҳисоблаш, аналитик метод билан (формулалар бўйича), жадваллар, графиклар ва махсус линейка (ёнгин-техник экспонетр) ларидан фойдаланган ҳолда олиб борилиши мумкин. Асосан аналитик ҳисоблаш аниқ усул ҳисобланади. Қолган барча усуллар яқинлаштириб олинган ҳисоблашларда (уларни тезда ўтказиш учун) қўлланилади, аммо яқуний ҳисобда аналитик аниқланган маълумотлар қўшимча қилинади.

Ёнгин тарқалишини олдини олиш пайтида унинг майдонинишақли аниқланади ва бундан керакли ҳисоблаш схемаси олинади; айлана, айлана сектори ёки тўғрибурчак ҳолатда бўлади. Ёнгинни ўчириш учун куч ва воситаларни жойлаштириш принципи аниқланади. Шунини айтиб ўтиш керакки, ушбу ҳисоблаш элементи кейинги ҳисоблашларда муҳим кўрсаткичларга эга.

Умумий ёнгинларни ўчириш шароитида, вазиятни ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўлчамларини масштабни режалардан, хариталардан, турли хил хизмат, қурилиш лойиҳа, алоҳида хоналар ҳамда бинолар ўлчамлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бошқа тезкор ҳужжатлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Ўчирилган ёнгинларни текшириш пайтида уларнинг ўлчамларини рулетка ёрдамида аниқлаш мумкин. Ёнгин ўчиришда ва қўшни объектларни химоя қилишда талаб этиладиган ёнгин ўчириш воситалари сарфи аниқланади.

Ёнгинни ўчиришда ва қўшни объектларни химоя қилишда, ёнгин ўчириш воситаларини узатиб бериш учун керакли техник асбоб-ускуналар (дастаклар, кўпик кўтаргичлар, кўпик генераторлари) сони ҳисобланади.

Шунини эсда тутиш керакки, биноларда ёнгинни ўчиришда талаб этиладиган дастаклар сонини мақсадга мувофиқ равишда ёнгиннинг умумий майдони бўйича эмас, балки алоҳида ёнган жойлар бўйича ҳисоблаш лозим.

Агар ҳисоблаш пайтида умумий ёнгин майдони олинса, унда олинган дастаклар сонини тактик шароитлар билан келиштириш зарур ва яқуний ҳисобда ёнгинни ўчириш жойлари (по-

зициялари) сони бўйича қабул қилиш керак.

Масалан, бир нечта қаватлар ёки хоналар ёнганда дастаклар сони ҳисоб бўйича олинади, аммо ёнгинни ўчиришдаги вазият ва тактик жиҳатлардан жанговар ҳаракатларни олиб бериш жойлари сонидан кам бўлмаган ҳолда. Штабелларда ёки стеллажларда моддий бойликлар сақланадиган омборхоналарда ёнгин содир бўлганда, дастаклар сони ҳисоблашнинг умумий методикаси бўйича аниқланади ва ҳар бир кириш жойига иккитадан кам олинмайди. Ёнгинни ўчиришда ва объектларни химоя қилишда ёнгин ўчириш воситаларининг умумий сарфи аниқланади. Ёнгин ўчириш воситаларининг керакли захираси ва ёнгин содир бўлган объектларнинг улар билан таъминланганлиги ҳисоблаб чиқилади. Агар сув узатиш қувурларининг сув узатиш сарфи ёнгинни ўчириш учун керакли умумий сув сарфидан юқори бўлса, унда объект сув билан қониқарли даражада таъминланган ҳисобланади.

Объектнинг сув билан таъминланганлигини текшириш пайтида қуйидаги ҳолатлар муҳим ўрин эгаллайди:

- сув қувурлари сув узатиб бериши ҳақиқий сув сарфидан юқори, лекин гидрантларнинг сони етарлича бўлмагани сабабли бундан фойдаланиш мумкин эмас. Буҳолларда объект сув билан қисман таъминланган деб ҳисоблаш лозим. Объектнинг сув билан тўлиқ таъминланиши учун иккита шарт бажарилиши керак: сув қувурларининг сув узатиб бериш сарфи умумий сув сарфидан юқори бўлиши ($Q_{\text{сув}} \geq Q_x$) ва ёнгин ўчириш гидрантлари сони талаб этиладиган ёнгин ўчириш автомобиллари сонига тенг ёки ундан кўп бўлиши керак ($N_{\text{ёғ}} \geq N_{\text{ав}}$);

- сув қувурларининг сув узатиб бериш сарфи умумий сув сарфидан кам, лекин объектда ёнгин ўчириш сув ҳавзалари мавжуд. Унда сув қувурлари билан таъминланмайдиган, умумий сув сарфи қолдиғи аниқланади ($Q_{\text{қол}} = Q_x - Q_{\text{сув}}$), ёнгинни ўчириш вақтини ҳисобга олиб, ушбу қолдиқнинг умумий ҳажми W қол ҳисобланади ва у сув ҳавзаларидан сув миқдори билан W сув солиштирилади. Агар ушбу миқдор қолдиқдан юқори бўлса, объект сув билан таъминланган ҳисобланади.

- Объектда фақат ёнгинга қарши сув ҳавзалари мавжуд бўлганда, уларнинг умумий ҳажми бўйича меъёрий захирани ҳисобга олиб аниқланади. Объектнинг сув билан таъминланганлигини қониқарли деб, агар сув ҳавзаларидаги сув миқдори W сув, ёнгинни ўчириш учун ва химоя учун кетадиган сув сарфидан кўп бўлса ҳисобланади. Аммо 10% дан кам бўлмаган ҳолда ($0,9 \cdot W_{\text{сув}} \geq W_{\text{ум}}^B$).

Объектда ёнгин ўчириш воситалари етарли бўлмаса, унда уларни тўлдириш чоралари кўрилади: тармоқда босимни кўтариш йўли билан сув кувурларидаги сув сарфи кучайтирилади; узокдаги сув манбаларидан сув ташиб келтириш ёки сув ҳайдаш ташкил қилинади; зарур бўлганда ёнгин ўчириш учун керакли махсус воситалар гарнизон захира омборларидан ва катта ёнгинларни ўчирадиган таянч масканларидан олиб келтирилади.

12 қаватли бинода ёнгин содир бўлиши натижасида, бинонинг 10 қаватида 12 нафар фуқаролар чиқиш йўллари аланга ва тутун қамраб олиши оқибатида тўпланиб қолишган. Ёнгин хавфсизлиги хизмати жанговар экипажларида 9 нафар ёнгин ўчирувчилар шахсий ҳимоя воситалари ва кутқарув арқонлари билан таъминланган. Улардан 3 нафари жабрланган одамларни ерда кутиб олишадилар, қолган 6 нафари бинонинг 10 қаватига кўтарилиб у ерда кутқарув арқонлари ёрдамида жабрланган одамларни кутқариш ишларини ташкил этадилар. Кутқарилган одамларнинг сонини кутқариш ишларини бошлаш вақти билан боғлаган ҳолда чизма(график)сини ишлаб чиқиш ҳамда ёнгин ўчириш раҳбарининг ҳисоботига асосан кутқарув ишларини олиб бориш учун 20 дақиқагача вақт ажратилганлигини инобатга олиб, кутқариш ишларини бажариш учун керакли бўлган ёнгин ўчирувчиларнинг сонини аниқлаш талаб этилади

Олти нафар ёнгин ўчирувчилар уч гуруҳларга 2 нафардан бўлиб бўлинишади. Ҳар бир гуруҳга $12/3 = 4$ нафардан жабрланувчилар тўғри келади. Гуруҳлардан бирининг биринчи одамни кутқариш вақти аниқланади:

$T_{к1} = 0,1 \cdot 30 \cdot 1,5 \cdot 2/3 + 0,15 \cdot 30 \cdot 1,5 = 11,3$ дақиқа.

Қолган икки гуруҳлар ҳам шу вақт ичида биттадан жабрланувчиларни кутқарадилар.

Гуруҳлардан бирининг тўртинчи одамни кутқариш вақти аниқланади:

$T_{к4} = 0,1 \cdot 30 \cdot 4 \cdot 1,5 \cdot 2/2 + 0,15 \cdot 30 \cdot 1,5 = 24,8$ дақиқа.

Қолган икки гуруҳлар ҳам шу вақт ичида тўртинчи жабрланувчиларни кутқарадилар.

Барча жабрланувчиларни 20 дақиқагача бўлган вақт ичида кутқариш олиш учун керакли бўлган ёнгин ўчирувчиларнинг сони аниқланади:

$N_{ё.ў.} = 0,1 \cdot 30 \cdot 12 \cdot 1,5 \cdot 2 / (20 - 0,15 \cdot 30 \cdot 1,5) = 9$ нафар.

Ҳисоблаб чиқилган 9 нафар ёнгин ўчирувчиларни учта гуруҳларга ҳар бирига 3 нафардан қилиб бўлиб чиқамиз, улар $12:3 = 4$ нафардан жабрланувчиларни кутқаришлари лозим бўла-

ди.

Хулоса ўрнида, ёнгинларни тез ва сифатли ўчириш, авария кутқарув ишларини такомиллаштиришда ўтказиладиган ўқув синов машғулотларининг кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ёнгинни бартараф этиш учун жалб этиладиган ёнгин хавфсизлиги хизматининг асосий жанговар экипажларини сони ва гарнизондаги ёнгинларга чиқиш жадвали бўйича автоматик равишда эълон қилинадиган чақирик рақамини аниқлаш, ёнгинни ўчириш учун жалб этиладиган ёнгин хавфсизлиги хизматининг асосий жанговар экипажларини сонини аниқлашда ёнгин хавфсиз-лиги гарнизонида навбатчиликда бўлган жанговар экипажларини амалда сонига амал қилиниши зарур. Ёнгин ўчириш амалий-тактик машқ ва машғулотларига тайёргарлик кўришда: машқ(машғулот)га жалб этилиши лозим бўлган жанговар экипажларнинг сони ёнгин хавфсизлиги қисмларида навбатчиликда бўлган жанговар экипажларнинг шахсий таркибининг амалдаги сонига асосланиб белгиланади.

Ёнгинларни бартараф этиш бўйича асосий вазифаларни бажарувчи жанговар экипажлар сонига қараб, гарнизоннинг ёнгинларга чиқиш жадвалига асосан масканга автоматик равишда эълон қилинувчи чақирик рақамини аниқ белгилаб олиш талаб этилади. Махсус вазифаларни бажаришга мўлжалланган ёнгин хавфсизлиги хизмати жанговар экипажларни, ёрдамчи ва хўжалик техникалари, шаҳардаги ва маскандаги махсус хизматлар, фуқаро муҳофазаси ва ҳарбий қисмларининг куч ва воситалари, масканнинг ишчи ва хизматчиларини, аҳолини ва бошқаларни ёнгинларни бартараф этиш учун жалб этилиши лозимлигини аниқлаймиз. Ёнгинларни бартараф этишда, юқорида кўрсатиб ўтилган куч ва воситаларни жалб этилиши ёнгиндаги аниқ (ёки тахминий) вазиятни ва жанговар вазифаларни бажариш учун ёнгин хавфсизлиги хизматининг тактик имкониятига асосланган ҳолда амалга оширилади. Ёнгин ўчириш тезкор режаларни ишлаб чиқишда ва ёнгин ўчириш амалий-тактик машқларини режаларини тузишда бошқа хизматларнинг куч ва воситаларни жалб этилиши ва улар билан ёнгин хавфсизлиги хизмати жанговар экипажларини ҳамкорликда жанговар ҳаракатларни олиб борилиши назарда тутилиши лозим.

Адабиётлар:

- ГОСТ 12.1.004 - 91. Пожарная безопасность. Общие требования.
- ГОСТ 27331-87 Пожарная техника. Классификация пожаров.

3.Қўлдошев А.Х., Собиров Э.Э., Султонов С.С. Ёнгин ўчириш тактикаси дарслиги. Чўлпон НМИУ Тошкент-2017.

4.Худоев А.Д., Стецюк В.Ф.,Касимов Р.Э. Пожарная тактика учебник ВТШПБ МВД РУз . Т.: -2001 г.

УДК 691

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ФЙДАЛАНИЛАЁТГАН ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТЛАР.

Маҳкамов Зафар Таслимович - Жиззах Политехника институти.

Мақолада мавжуд автомобиль йўллари, ҳамда йўл иншоотларини автоматлаштирилган ҳолда лойиҳалаш, унда замонавий технологияларни қўллаш, геоинформацион тизимлардан фойдаланишнинг долзарб масалалардан бири эканлиги, ахборот таъминоти таркибига кирувчи маълумотлар ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: АЛТ-Автоматлашган лойиҳалаш тизими, автомобиль йўллари лойиҳалаш, автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда ахборот-коммуникация технологиялари, ҳаёт цикли, замонавий технологиялар, геоинформацион тизим ва алгоритмлар.

In the article automated designing of existing highways and road structures, application of modern technologies, use of geoinformational systems is one of the most important issues, which is included in the information supply.

Keywords: ALT-Automated design system, road design, road design, construction and operation, information and communication technologies, life cycle, modern technologies, geoinformation systems and algorithms.

В статье автоматизированное проектирование существующих автомобильных дорог и дорожных сооружений, применение современных технологий, использование геоинформационных систем является одним из важнейших вопросов, который входит в информационное обеспечение.

Ключевые слова: АЛТ-Автоматизированная система проектирования, проектирование дорог, проектирование, строительство и эксплуатация дорог, информационные и коммуникационные технологии, жизненный цикл, современные технологии, геоинформационные системы и алгоритмы.

Бугунги кунда жаҳон бозорига олиб чиқадиган транспорт коммуникацияларини барпо қилиш ва шу мақсадда халқаро стандартларга мос келадиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини, кўприклар, транспорт тоннелларини лойиҳалаш, қуриш ва уларни келажакда эксплуатация қилиш давлат йўл сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Келажакда мавжуд автомобиль йўллари, ҳамда йўл иншоотларини автоматлаштирилган лойиҳалаш, бунда замонавий технологияларни қўллаш, геоинформацион тизимлардан фойдаланиш энг долзарб масалалардан ҳисобланиб, унинг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир.

Автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёни узлуксиз давом этадиган ходиса бўлиб, у йўл ҳаёт цикли деб ҳам аталади. Ушбу жараённинг бошланиши аввало режалаштириш бўлиб, сўнгра геодезик ва геологик қидирув ишлари, лойиҳалаш ишлари, қурилиш ишлари ва эксплуатация қилиш билан якунланади. Ҳар бир жараён ўз навбатида бир неча хилдаги жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Бугунги кунгача тўпланган жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, лойиҳалашда математик услубларни ва лойиҳалашнинг автоматик тизимларини қўллаш, лойиҳаланаётган объектларнинг сифатини оширади ва қурилиш таннархини сезиларли пасайтиради, шу билан бирга лойиҳани ишлаб чиқиш муддатини бир қанча камайтиради.

Ахборот таъминоти таркибига катта ҳажм-

даги бошланғич маълумотларни қайта ишлаш ва тизимлаштириш, оралик ва тугалланган натижалар, шу билан бирга бошқа ахборотларни сақлаш учун мўлжалланган қуйдаги маълумотлар киради:

1. Лойиҳалашда фойдаланиладиган барқарор характердаги маълумотлар, шу билан бирга: амалдаги меъёрий ҳужжатлар маълумотлари (ГОСТ, ШНҚ, МҚН, ИҚН, йўл элементлари ва иншоотлари бўйича наъмунавий ечимлар ва бошқалар.). Меъёрий ҳужжатлар ўзгарганда ЭҲМда сақланаётган маълумотлар ҳам янгиланиши лозим.

2. Йўл лойиҳаланаётган туманни хусусиятларини тўлиқ тавсифлайдиган ҳудудий характердаги маълумотлар. Бунга асосан, жойнинг геологик тузилиши ва рельефи ҳақидаги маълумотлар, йўл қурилиш материаллари ва карьерлар тўғрисидаги маълумотлар киради.

3. Ўзгарувчан характердаги маълумотлар, лойиҳалашни бошладан олдин киритилган, шу билан бирга лойиҳалаш жараёнида бир неча вариант бўйича оралик ва тугалланган ҳисоблашлардан олинган натижалар.

Автомобиль йўллари лойиҳалаш тизими (кейинги ўринларда АЙ АЛТ деб ёзилади)ни услубий таъминлаш меъёрий-услубий ҳужжатларда тақдим этилган бўлиб, назария, услублар, усуллар, алгоритмлар, услубий моделлар, АЙ АЛТ дан фойдаланиб йўллари лойиҳалаш услублари келтирилган бўлиб, буларнинг барчаси автомобиль

йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнларида фойдаланилаётган дастурий таъминотлар саналади.

АЙ АЛТ ни ташкилий таъминланиши, улардан фойдаланишдан энг кўп самарадорликга эришишни таъминлашга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу тадбирларга қуйидагилар киради:

- лойиҳа ташкилоти, унинг бўлим ва қисмларини ташкилий тузилишини ўзгартириш, бўлимлар ўртасида баъзи бир вазифаларни қайтадан тақсимлаш;

- лойиҳа-қидирув ишлари технологиясини ўзгартириш;

- лойиҳаловчилар малакасини ошириш, биринчи навбатда АЛТ дан фойдаланадиган ходимларни;

- меҳнат мутахассислигини ошириш¹.

Шунингдек автомобиль йўллари автоматлашган лойиҳалаш технологияси бир қанча омилар йиғиндисига боғлиқ бўлиб улар қуйидагича:

- лойиҳа ташкилотиди мавжуд бўлган АЙ АЛТ хусусиятига; лойиҳаланаётган йўл тоифасига ва унинг узунлигига;

- йўл лойиҳаланаётган туман табиий шароити мураккаблигига;

- лойиҳалаш босқичига;

- қидириш натижасида олинган маълумотларга.

Аммо, кўпчилик ҳолларда йўллари автоматлаштирилган лойиҳалаш технологияси қуйидаги ҳолатларга ҳам асосланган бўлади:

1. Рельеф ҳақида ахборот тақдим этиш, баъзида рақамли модел тарикасида жойнинг геологик тузилиши ҳақида ахборот тақдим этиш, қайсики йўл режаси, бўйлама ва кўндаланг кесимлари, йўллари кесишишлари, сунъий иншоотлар бўйича лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишда лойиҳалашнинг ҳамма босқичларида фойдаланиладиган маълумотлар.

2. Лойиҳалашнинг асосий босқичларини аниқ кетма кетлиги бўлиши, қачонки йўл иншоотлари ёки бошқа элементлар бўйича фақат маълум бир лойиҳа ечимларини аниқлаб бўлгачина бажариш мумкин бўлган иш турлари кетма кетлиги бўлиши. Масалан йўл бўйлама кесимини лойиҳалаш, жойнинг рақамли моделини ҳосил қилгандан кейин, йўл режаси вариантларини ишлаб бўлгач, амалга ошириш мумкинлиги, ёки йўл бўйлама кесимини лойиҳаси тайёр бўлгач йўл кўндаланг кесимини лойиҳалаш ва тупроқ ишлари ҳажмини аниқлаб бўлиши мумкинлиги.

3. Ҳамма лойиҳалаш босқичларида натижалар жадвалини олиш ва чизма-график ишларни, ҳисоблашларни автоматлаштириш.

4. АЙ АЛТ технологик таъминоти ҳамма воқеаларидан тизимли фойдаланиш.

5. Лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишда ЭХМ билан муҳандис-лойиҳаловчининг ўзаро таъсир мулоқоти.

6. Лойиҳа ечимларини математик усулларга асосланиб оптималлаштирадиган дастурлардан фойдаланиш ёки бунга ўхшаш ҳолатлар бўлмаганда йўл узунлиги бўйича ёки унинг айрим участкалари ва иншоотлари бўйича лойиҳа ечимларини кўп вариантларини ишлаб чиқиш.

7. Лойиҳа ечимларини сонли ва сифат комплекс кўрсаткичлари бўйича (қўринишни таъминлаш, атроф манзарасини ёритиш, ҳаракат тезлиги, йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти, ҳаракат хавфсизлиги, иш ҳажмлари, эксплуатацион харажатлар, юк ташиш таннари, атроф муҳитга салбий таъсир даражаси, капитал ажратмалар ва иқтисодий самарадорлиги) лойиҳалашнинг оралиқ ва тугалланган босқичларида баҳолаш, зарурат бўлганда уларга тузатмалар киритиш.

Бугунги кунда автомобиль йўллари автоматлаштирилган лойиҳалашнинг жуда кўп сонли дастурлари комплекси мавжуд. МДХ ва хорижда асосан Белоруссиянинг КРЕДО-ДИАЛОГ компанияси томонидан ишлаб чиқилган КРЕДО комплекс дастуридан кенг фойдаланилмоқда. Йўллари автоматлаштирилган лойиҳалаш учун амалдаги ҳамма дастурлар бир бирига ўхшаш, деярли бир хил лойиҳалаш технологиясига эга. АЙ АЛТ ни қўллаш лойиҳа ечимларини сифатини ошириш имкониятини беради, шу билан бирга меҳнат ҳажмини камайтиради ва лойиҳа иши бажарилиш муддатини қисқартиради.

Лойиҳа ечими сифатини ошириш қуйидагилар ҳисобига амалга ошишини назарда тутиш лозим. Яни ўзининг кўп меҳнат талаб қилиши ва мураккаблиги жиҳатдан қўлда ҳисоблашларда фойдаланиб бўлмайдиган жуда аниқ ҳисоблаш усулларида ҳам амалда фойдаланиш, математик оптималлаштириш усулларини кенг қўллаш, қўйилган вазифани ечишда математик оптималлаштириш имконияти бўлмаганда фойдаланиладиган лойиҳа ечимлари вариантларини қўриб чиқилладиган сонини ошириш, йўл ва иншоотларнинг ишини, қурилиш учун аниқ асосланган вариантни қабул қилиш имкониятини берувчи алоҳида автомобиллар ва транспорт оқими ҳаракатини, атроф муҳитга таъсирини моделлаштириш, қидириш маълумотларини қайта ишлашда, ҳисоблашларни бажаришда, шу билан бирга чизма-график ва расмийлаштириш ишларида хатолар эҳтимоллигини камайтириш ҳисобига амалга оширилади.

Лойиҳа ишлари муддатини ва меҳнат сарфини камайтириш фақатгина ҳисоблаш ва чизма-график ишларини автоматлаштириш ҳисо-

¹Fundamentals of Road Design, W. Kühn, Germany, 2013


бига амалга оширилади. Автоматлаштирилган усулда лойиҳалашда иш самарадорлиги ва унумдорлиги 40-45 % га ошади, шу билан бирга анъанавий усулга нисбатан лойиҳа учун сарфланадиган капитал харажатлар 20-25 % га камаяди¹.

Лойиҳалаш ишларида фойдаланиладиган дастурларга мисол қилиб, жуда кўп фойдаланиладигани AutoCAD, Corel DRAW, HDM, CREDO, MXROAD дастурлари ҳисобланади.

Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда ахборот-коммуникация технологияларига қўйиладиган талаблар қўйилган мақсад ва вазибаларга мувофиқ белгиланади. Бунда асосий мақсад йўл ҳаёт циклини ишлашини таъминлаб бериш ҳисобланади.

Геомаялумотлар базаси – бирон бир объектнинг жойлашувини, ҳаракатини фазодаги ўрни (x,y,z) ҳақидаги маялумотлари мажмуига айтилади. Транспорт соҳасида геомаялумотлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ҳаракат катнашчилари яъни пиёда, автомобиль, ҳайдовчи ва ташқи муҳит ҳолатини ва таъсирини баҳолаш мураккаб жараёнدير. Бу ўринда геомаялумотлар базаси, яъни автомобильнинг жойлашуви, тезлиги, йўлни геометрик параметрлари ҳақидаги геомаялумотлар реал шароитда қарор қабул қилиш имконини ярата олади.

Транспорт соҳасида геомаялумотларни лойиҳалаш асосан олти турдаги, яъни пиёда юриш, велосепедда ҳаракатни амалга ошириш, автомобиль транспорти орқали, жамоат транспортида, темир йўлда ва сув йўллари орқали амалга оширилади. Қайси транспорт турини танлашдан катъий назар икки нуқта чиқиш манзили ва бориш манзили (А пунктдан Б пунктгача). Баъзи бир ҳолатларда А пунктдан Б пунктга бир турдаги транспорт воситасидан фойдаланилади, лекин аксарият ҳолларда бир неча турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиб ҳам манзилга борилади.




1-расм. Геомаялумотлар базасини лойиҳалаш жараёни.

Биринчи ўринда фойдаланувчилар талаблари ўрганилиб бирламчи лойиҳа ва асосий функциялар тузилади, лойиҳа янгиланади, пилот участкада тажриба ўтказилиб, сўнг қури-

лади ва синовдан ўтказилиб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қуйида ҳозирги кунгача автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнларида фойдаланилиб келинаётган дастурий таъминотларнинг ишчи столлари кўрсатилган.


AutoCAD тизими билан қуйидаги имкониятлар яратилади:

- икки ўлчамли ишлаб чиқиш;
- уч ўлчамли моделлаштиришни ҳосил қилиш;
- конструкторлик ҳужжатларни олиш;
- намунавий шакллар ва чизмалар кутубхонасини яратиш.



2-расм. AutoCAD-2013 дастури

HDM 4 дастури - Европа тараққиёт банкининг ишлаб чиққан дастури бўлиб, бу дастур ёрдамида автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлашга ажратиладиган харажатларни иқтисодий жиҳатдан асослаш мумкин бўлади. Бу дастур кўпроқ молиявий маблағларни тақсимлаш ва уларни асослаш учун фойдаланишга яроқли ҳисобланади. Бу дастурнинг ҳозирги кунда бир неча версиялари ишлаб чиқилган ва амалда фойдаланилмоқда.




3-расм. HDM-4 дастури

Robur ягона услубий тизимга қаратилган бўлиб, қидириш материалларини қайта ишлашдан лойиҳани амалга оширгунгача бўлган йўл

² Infrastructure Planning, Engineering and Economics, Second Edition 2nd Edition, Alvin Goodman (Author), Makarand Hastak (Author), 2015.

ишлари комплексини ечишни таъминлайди. Robur 3 та ишчи ойнага эга: режа; бўйлама; кўндаланг.

Бу трассани фазовий объект сифатида лойиҳалаш имконини беради. Ойнадаги маълумотлар ўзаро боғлиқ бўлиб, бирор бир ойнадаги маълумотларни тахрирлаш, бошқа бир ойнадаги маълумотларни ўзгаришига олиб келади. Ер сатхи бўйлама ва кўндаланг кесимлари рельеф сонли модели бўйича тузилиши мумкин ва жадвал тариқасида ёки матн файлларидан киритилиши мумкин. Robur бўйлама кесимни раҳбар белгилар ёки лойиҳалаш қадами бўйича автоматик тузиш имконини ҳам яратади.




4-расм. Уч ойнали режимда ишлайдиган Robur тизими

GIP-M ихтисослашган дастурлар комплекси бўлиб, бунинг ёрдамида автомобиль йўлларини лойиҳалаш бўйича асосий ишларни амалга ошириш мумкин. Тизим маълумотларни уч ўлчамли тузилиши билан ишлайди. Экрандаги силлиқ тасвирлар, уч ўлчамли юзалар ёки бу юзаларни текисликлар билан қирқимини юзага келтирадиган чизиклар сояси ҳисобланади¹.


Комплекснинг дастурлари блокка бирлаштирилган бўлиб, улардан ҳар қайси автомобиль йўлларини лойиҳалашда қуйидаги асосий бир вазифани ечади: лойиҳалар менеджери, бошланғич маълумотлар редактори, юзалар редактори, трасса режаси редактори, ер кесимларини шакллантириш, бўйлама кесим редактори, йўл пойи устки ўлчамлари редактори, ён қиялик ва кюветлар редактори, ер ишлари хажми ва бош режа редакторлари.

Bentley Power InRoads дастурий таъминоти - автомобиль йўлларининг 3D андозасини яратиш учун хизмат қилади. Бу дастурий таъминоти тўла 3D CAD имкониятларини таминлаб беради, жумладан: тахрир қилиш, юқори даража-

даги аниқлик ва реалистик акс эттириш, ҳамда лойиҳа ишларини автоматлаштиришни янги ёндашувига ёрдам беради.



5-расм. GIP тизими "Редактор генплан" ишчи ойнаси



6-расм. Bentley Power InRoads

Хулоса ўрнида шуни такидлаш мумкинки, юқоридаги барча дастурий таъминотлар қулайликларидан амалда унумли фойдаланиш натижасида мамлакатимиздаги янгидан-янги қурилатган автомобиль йўлларининг сифати оширилишига эришилади. Ушбу мақола автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда ахборот коммуникация технологияларини қўллашга доир билимларни янада қучайтириш ва хорижий амалиётларда ҳам қўлланилиб келинаётган кўникмаларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Адабиётлар:

1. Fundamentals of Road Design, W. Kühn, Germany, 2013.
2. Infrastructure Planning, Engineering and Economics, Second Edition 2nd Edition, Alvin Goodman (Author), Makarand Hastie (Author), 2015.
3. Справочная энциклопедия дорожника (том V) Проектирование автомобильных дорог Под ред. Федотова Г.А., Поспелова П.И., 2007.
4. Справочная энциклопедия дорожника (том VI) Геоинформационные системы в дорожном строительстве. Под ред. Скворцова А.В., 2006.

¹Infrastructure Planning, Engineering and Economics, Second Edition 2nd Edition, Alvin Goodman (Author), Makarand Hastak (Author), 2015.

5. Азизов К.Х., Содиков Ж.И. “Основы геоинформационных систем в организации дорожного движения. Т.: ТАДИ: 2013.51с.

6. Поспелов П.И. и др. “Основы автоматизированного проектирования автомобильных дорог. (на

базе программного комплекса CREDO)”. М. СП «Кредо-Диалог»: 2007. 340 с.

CREDO. Проектирование автомобильных дорог. CAD-CREDO. Минск. 2000 г. Книга 1.

УДК 691

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ПОЙИ КЎТАРМАЛАРИНИ ЁН ЗАХИРАДАГИ ГРУНТЛАРДАН ҚУРИШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ ХИСОБИ

Бобожонов Ровшан Турсинович. Жиззах политехника институти

Мақолада автомобиль йўллари пойи кўтармаларини ён захирадаги грунтлардан қуриш технологик жараёнлари ҳисоби ҳақида маълумотлар берилган. Бажариладиган ер тупроқ ҳажми баланснинг аниқланиши, карьерлардан ёки ён захира грунтларидан трассага олиб келинувчи грунтларнинг бир кубометри нархларини аниқлаш баён этилган.

Калит сўзлар: замонавий технологиялар, текстура, пикетлар, белгилар ва реперлар, захира грунтлари, йўл пойи кўтармаси, тупроқ ҳажмининг тақсимланиш графиги ва ишларнинг энергия сарфи ҳажмдорлиги.

The article provides an overview of the technological processes of building highway trenches from subsoil. It describes how to calculate the balance of land to be completed, and to determine the cost of one cubic meter of ground transported from the quarries or side reserve.

Keywords: modern technologies, textures, pickets, signs and rappers, backup bases, crosswalks, soil distribution schedules and energy consumption.

В статье дается обзор технологических процессов строительства боковых резервной грунты. Он описывает, как рассчитать остаток земли, подлежащей заполнению определить стоимость одного кубического метра грунта, транспортируемой из карьеров или боковых резервной грунты.

Ключевые слова: современные технологии, текстуры, пикеты, вывески и реперы, резервные грунты, насыпь земляной полотна, графики распределение грунты и энергопотребление.

Мамлакатимизда охириги йилларда барча соҳалар қатори, йўл ҳўжалиги соҳасида ҳам автомобиль йўллари янгидан қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларида индустриал усуллар ва замонавий технологиялар, янги методикалар ва меъёрлардан фойдаланиш, ҳамда кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқилиши, йўл соҳасини тубдан ислоҳ қилинишини талаб қилмоқда. Транспорт ҳаракатидан йўл қопламасида вужудга келадиган деформациялар, яъни геометрик ўзгаришлар ва зўриқишлар орасидаги боғланишни билмасдан туриб, йўл пойи қурилиши материалларини ҳам танлаб бўлмайд. Йўл пойини қуриш учун зарур бўлган материалларнинг таркиби, тузилиши, текстураси, кимёвий, физик ва механик хоссалари, фойдаланиш хусусиятларини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам албатта билиш лозим. Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларида кенг ҳажмли, оғир юкли (ўққа тушадиган юклама 13,5 т) транзит қатновининг тўхтовсиз ўсиб бориши ва энг асосийси молиявий тақчиллик оқибатида таъмирлашлараро муддатларга риоя қилишининг имконияти бўлмагани сабабли таъмирлаш ишлари қимматлашаётганлиги туфайли, йўл қопламаларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш бўйича илмий-техник таҳлиллар ва ҳисоб-китоблар асосида истикбол дастурларини тузиш зарурияти туғилди.

Техник ўлчам ва кўрсаткичлари меъёрдан пасайиб кетган асфальтбетон ва қора қоплама-

ларни таъмирлаш билан бир қаторда, қопламалардан фойдаланиш учун цементбетонли асослар ва қопламаларга ўтиш вақти келди.

Йўл тармоқлари асослари ва қопламаларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлигини ошириш, ташхислаш асосида ишни ташкил этиш, технологик жараёнларни бошқариш, ишларни қабул қилиш, назорат қилиш ва сифат мониторингини олиб бориш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Йўлпойини режалашда йўл ўқи йўналиши тикланиб, барча пикетлар ва қўшимча нукталарда, бурилиш бурчаги учларида, асосий ва ораликдаги эгри нукталарида ва ернинг паст-баланд жойларида ҳар 500 метрда, баланд (3 метр дан ортик) кўтармаларда ва чуқур (3 метрдан зиёд) ўймаларда, сунъий иншоотлар яқинида, шунингдек йўл ва транспорт хизмати бино ва иншоотлари мажмуи жойлашган қисмларда қўшимча реперлар ўрнатилади. Режалаш белгилари қурилиш ишлари бажариладиган минтақадан ташқарида ҳам тақдорланади.

Кўтармаларнинг ва ўймаларнинг контурлари, бошқа иншоотларнинг баландлик белгиларини, ёнбағирлар юзасининг нишаби ва ҳоказоларни ишчи режалашни ўрнатилган пикетлар, белгилар ва реперлардан йўлнинг тўғри йўналишида ҳар 50 метрда, эгриларда ҳар 10-20 метр масофада тегишли технологик операциялар олдиан бажарилади. Ернинг ҳосилдор қат-

лами лойихада кўрсатилган қалинликда йўл-пойи жойлашадиган, заҳира ерлар ва бошқа қурилиш майдонлари юзасидан тўла йиғиштириб олинади, ҳамда йўл учун ажратилган минтақа чегараси бўйлаб узунасига ёки алоҳида ажратилган ерларга тўплаб жойлаштирилади. Қурилатган кўтарма баландлиги 1,5-2,0 метр бўлса, ер юзаси билан баробар қирқилган дарахтлар ва буталарнинг илдизлари, кўтарма 2 метр дан юқори бўлганда баландлиги 10 см.гача бўлган тўнкаларнинг қолдирилишига йўл қўйилади. Йўл минтақасини жала, тошқин ва эриган қор сувларидан ҳимоя қилувчи ва четлатувчи тоғ ён бағир ариқлари, сув йиғувчи қудуқлар, тўғонлар ва бошқа иншоотлар қурилиши, асосан йўл пойини қуришдан олдин бажарилиши лозим. Сувларни четлатувчи қурилмаларни қуриш ишлари, унинг энг пастки нуқтасидан бошланади. Заҳ қочирувчи қувурлар ва ҳар-хил муҳандислик коммуникацияларини қуриш йўлпойининг асосида, одатда, йўл пойи кўтармасини қуриш ишлари бошланмасдан олдин бажарилади.

Кўтармаларининг бир қатламида ҳар-хил грунтларни ишлатиш ман этилади, кўтарма грунтнидастлаб ишчи белгидан баландроқ тарзда тўкиб олинади, сўнг бульдозер билан унинг четларидан ўртасига қараб йўл пойининг бутун кенглигида, ёнбағирларни ҳам ҳисобга олган ҳолда сурилади ва зичлаштирилади ҳам бажарилади. Қияликларнинг нишаби 1:5 дан кўп бўлган ерларда, ер юзасида тўшаманинг асоси кенглигига тенг бўлган кўтарма билан грунтни жипслаштирувчи ва силжишга қарши супачалар қилинади. Зичлашдан олдин ётқизиладиган қатламнинг юзаси икки томонга ёки бир томонга йўл пойи қирғоғи томон 20-40% қияликда текисланади.

Грунтларнинг зичлик кўрсаткичлари ШНҚ 2.05.02-07 “Автомобиль йўллари” деб номланган меъёрий ҳужжатда кўрсатилгандан кам бўлмаслиги лозим. Бажариладиган ер тупроқ ҳажмининг баланси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$V^H = V^B + V^{BP} + V^{ГК}, \quad (1)$$


бу ерда V^H – кўтармага керак бўладиган грунтнинг ҳажми; V^B – ўймалардан ишлов берилиб, қирқиб олинувчи грунтларнинг ҳажми; V^{BP} – ён заҳираларидан олинувчи грунтнинг ҳажми; $V^{ГК}$ – грунт карьерларидан олинувчи грунтларнинг ҳажми.

Тупроқ ҳажмини тақсимлаб чиқишда қуйидаги кетма-кетликда ишлар бажарилади. Яни пикетлаш қайдномасига асосланиб тупроқ ишларининг чизикли графиги чизилади. (1-расм);

Умумий ҳолларда йўлнинг бутун узунлиги бўйича ер ҳажмлари баланси қуйидаги формула бўйича қабул қилинади:

$$V^H = \sum_{k=1}^p V_k^B + \sum_{i=1}^n V_i^{BP} + \sum_{j=1}^m V_j^{ГК}, \quad (2)$$

бу ерда V^H - кўтарма грунтларига сарф бўладиган грунтлар; V_k^B - k рақамли ўймадан қирқиб олинувчи грунтларнинг ҳажми; p – ўймаларнинг умумий сони; V_i^{BP} - i рақамли ён заҳирадан олинган грунтларнинг ҳажми i; n - ён заҳираларининг умумий сони; $V_j^{ГК}$ - j рақамли грунтли карердан қазлаб олинган грунтларнинг ҳажми; m - грунтли карерларнинг умумий сони.




1-расм. Тупроқ ҳажмининг тақсимланиш графиги. (Қавс ичидаги сонлар ташиб келтирилган грунтлар ҳисобланади)

Карьерлардан трассага олиб келинувчи грунтларнинг бир кубометрининг нархи, қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C = C_{тр} + C_p + C_{пр}, \quad (3)$$

бу ерда C - трассага олиб келинувчи 1 м³ грунтнинг нархи, сўм/м³; C_{тр}-карьерлардан ташиб келинувчи ва йўл пойи кўтармасига тўшалувчи 1 м³ грунтнинг нархи, сўм/м³; C_p - карьердаги 1 м³ грунтга ишлов бериш учун кетган харажат, сўм/м³; C_{пр} – 1 м³ га келтирилган грунтни карьерда тайёрлаб олишга кетган харажатлар, сўм/м³.

Кўтарманинг ўртача баландлиги ва кенглигини ҳисоблаш учун қуйидаги 1-ҳисобий чизмадан фойдаланамиз.



2-расм. Кўтарманинг ўртача баландлиги ва кенглигини ҳисоблаш учун чизма.

Заҳира грунтларига ишлов беришда автогрейдернинг талаб этилувчи ўтишлар сони

қуйидаги формула орқали топилади:

$$N_p = \frac{FK_{пз}}{f}, \quad (4)$$

бу ерда F - захира грунтларининг кўндаланг кесими юзаси, m^2 ; $K_{пз}$ - грунтни кесишдаги қолдиқ изи кенглиги коэффиценти - 1,7; f - сурилган кесимнинг майдони 0,12 дан 0,2 m^2 гача.

Йўл пойи кўтармасини икки ён захира грунтларидан суриб ишлов беришда эса автогрейдернинг ўтишлари сони қуйидагича аниқланади:

$$N_n = N_p(l_n/l) \cdot K_n, \quad (5)$$

бу ерда l_n - грунтларни суриш узоқлиги, метр; l - автогрейдернинг бир марта ўтишидаги грунтни суриш узоқлиги, м; K_n - грунтни кесишдаги қолдиқ изи кенглиги коэффиценти - 1,15 гатенг деб қабул қилинади.

Йўл пойи кўтармасининг ўртача баландлиги қуйидагича формула билан топилади.

$$h_{cp} = h_{3,n} + \Delta Z - h_{d,o},$$

бу ерда, $h_{3,n}$ - кўтарма баландлиги (берилган топширик бўйича 1,5 метр); $h_{d,o}$ - йўл тўшамасининг қалинлиги (берилган топширик бўйича 0,80 метр); ΔZ - ўсимлик қатламининг қалинлиги, $\Delta Z = 0,2$ метр (шартли қабул қилинган).

$$h_{cp} = 1,5 + 0,2 - 0,80 = 0,90 \text{ метр.}$$


Кўтарма юзасининг ўртача кенглигини топамиз:

$$B_{cp} = B + 2 \cdot (h_{d,o} \cdot m)$$

бу ерда B - кўтарманинг меъёрий кенглиги; $h_{d,o}$ - йўл қопламасининг қалинлиги; m - кўтарманнинг ён қиялиги.

$$B_{cp} = 15 + 2 \cdot (0,8 \cdot 4) = 21,4 \text{ метр.}$$

Қуйидаги ҳисобий схема ёрдамида ён захира грунтларининг томонлари ўлчамларини ҳисоблаймиз.



3-расм. Ён захира (Р) нинг ўлчамларини аниқлаш учун ҳисобий схема.

Ён захира P нинг ўлчамлари қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

$$b_1 = \frac{W}{2h_0} + \frac{(m+n) \cdot h_0}{2}, \quad b_2 = \frac{W}{2h_0} - \frac{(m+n) \cdot h_0}{2}$$

бу ерда b_1 - захиранинг юза қисми кенглиги; b_2 - захиранинг қуйи қисми кенглиги; h_0 - захиранинг ўртача чуқурлиги (0,5 метр этиб қабул қилинган); t, n - кўтарма ва захираларнинг ён қиялиги; W - захиранинг кўндаланг кесими

юзаси.

Захиранинг кўндаланг кесими юзаси қуйидагича аниқланади:

$$W = (B_{cp} + m \cdot h_{cp}) \cdot h_{cp} \cdot K^{omn},$$

бу ерда K^{omn} - грунтнинг нисбий зичланиш коэффиценти; $K^{omn} = 1,05$ ШНҚ 2.05.02-07 га асосланиб олинган.

$$W = (21,4 + 4 \cdot 0,9) \cdot 0,9 \cdot 1,05 = 23,6 \text{ м}^2$$

$$b_1 = \frac{23,6}{2 \cdot 0,5} + \frac{(4+1,5) \cdot 0,5}{2} = 25,0 \text{ м,}$$

$$b_2 = \frac{23,6}{2 \cdot 0,5} - \frac{(4+1,5) \cdot 0,5}{2} = 22,2 \text{ м.}$$

Ён захираларидан грунтларни суриш оралик масофаларини қуйидаги формула орқали топамиз:

$$L = \frac{2b_1 + b_{cp}}{4} + h_{cp} \cdot m,$$

$$L = \frac{2 \cdot 25,0 + 21,4}{4} + 0,9 \cdot 4 = 21,5 \text{ м}$$

Ишларнинг энергия сарфи ҳажмдорлиги

$$\Xi_e = \frac{\Sigma M_m \cdot n_{mt} \cdot t}{\Pi_{omp}},$$

бу ерда, n_{mt} - машиналар сони; M_m - двигателнинг қуввати; t - сменадаги машаналарнинг ишлаш вақти.

Барча муаммоларнинг иктисодий ечими, самарадорлиги, биринчи навбатда ташхислашнинг ишончлилиги маълумотларига таянади, шу боис ташхислаш воситаларни тадбиқ қилиш ва ундан фойдаланувчи мутахассисларнинг касбий таълим малакасини ошириш, технологик машина, механизмлар ва жиҳозларни, моддий ресурсларни ва сертификациялаш, лицензиялашни йўлга қўйиш лозим.

Шундай қилиб, изоҳ қилинган масалалар қийин бўлишига қарамай кўп йиллик амалий ва назарий тажрибаларига асосланиб, йўл хўжалиги соҳасининг юқорида акс эттирилган йўналишлари хусусиятларининг фаолият доирасини кенгайтириш учун мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш лозим. Бу эса йўл объектларини илмий кузатиш вазифасини бажаради ва йўл пойини қуришнинг самарадорлигини оширишга имконият яратади, ҳамда юқори сифатли йўл қуриш ишларининг янги усулларини қидиришни, халқаро стандарт талабларига биноан мустаҳкамлик, ишончлилиги ва конструкцияларнинг узоқ муддатга чидамлилигини тaminлайди.

Адабиётлар:

1. Fundamentals of Road Design, W. Kühn, Germany, 2013.
2. Infrastructure Planning, Engineering and Economics, Second Edition 2nd Edition, Alvin Goodman (Author), Makarand Hastie (Author), 2015.
3. Справочная энциклопедия дорожника (том V) Проектирование автомобильных дорог Под ред. Фе-

дотова Г.А., Поспелова П.И., 2007.

4. ШНҚ 2.05.02-07 “Автомобил йўллари”. Тошкент 2007 й.

5. ШНҚ 3.06.03-08 “Автомобил йўллари”. Тошкент 2008 й.

6. Саидов З.Х., Амиров Т.Ж., Ғуломова Х.З. Ав-

томобил йўллари: Материаллар, қопламалар, сақлаш ва таъмирлаш / Тошкент 2010 й.

Қодирова А.Р. “Автомобил йўлларини лойиҳалаш” 1 ва 2-қисм 2001 й, 2004 й (муаллиф таржима-си ўзбек тилида).

УДК 626.1

ТОҒ ЙЎЛЛАРИДА ФАВҚУЛОДЛИ ВАЗИЯТЛАРДА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Файзуллаев Э.З., Абдурахманов Р.А., Рахмонов А.С., Носиржонов Ш.И.

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти

Мақола тоғ йўлларида автомобилларнинг хавфсиз тўхташнинг таъминлаш учун фавқулодди ҳолатларда тўхташ йўли “лавушка”ларни ўрнатиш оралиқ масофасининг қийматларини аниқлашга бағишланган.

Статья посвящена определению рациональных значений расстояния между местами установки специальных остановочных дорожек “лавушек” для обеспечения безопасной остановки автомобилей на горных дорогах.

The article is dedicated to determination of rational distance between special stop lanes called “trap”, which provides safety stop of the automobile on the mountain roads.

Ўзбекистон Республикаси территориясининг 22 % ни тоғли регионлар ташкил этади. Маълумки Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 42530 км ни ташкил қилса, шундан 1230 км. (3%) тоғли йўллар ҳисобланади. Тоғли автомобиль йўлларининг қуйидагиларида: А-373 «Ташкент-Ош» автомобиль йўлининг 116–214 км участкасида «Камчик» довони, М-39 «Алмата-Бишкек-Ташкент-Термез» автомобиль йўлининг 1120–1145 км участкасида «Тахтақара-ча» довони ва 1302–1320 км участкасида «Ақрабат» довонлари мавжуд бўлиб, улар стратегик объект статусига эга бўлган Республиканинг асосий иқтисодий артерияси ҳисобланадилар.

«Камчик» довони орқали автомобиль транспортида кечаю-кундуз тўхтовсиз юк ташилади. Бу довонда йил фаслига қараб автомобилларнинг ҳаракат интенсивлиги суткасига 10000 авт/сутка дан 20000 авто/сутка гача ташкил этади. Шунинг учунбу йўлларда транспорт воситаларини ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодининг жадал ривожланиши автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш жараёнига кенг имкониятлар яратиб бериш билан бир қаторда мамлакатимиз йўлларида транспорт оқимининг муракабланиши, бунинг натижасида йўл-транспорт ҳодисаларининг сонининг кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хизмати ҳисоботига кўра Ўзбекистонда ҳар йил йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида, ўртача ҳисобда 2 мингдан зиёд одам ҳалок бўлади ва 10 мингдан зиёд одам тан жароҳати олади.


Республикамиздаги тоғли ҳудудлардаги йўл шароитлари ҳам ҳаракат хавфсизлигига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Жумладан йўллардаги кескин бурилишлар, катта қияликлар ва улардаги кўришни ёмонлашуви ва х.к. Бундай шароитларда ҳаракатланиш хайдовчидан катта тажриба ва кўникма талаб қилади. Бундай шароитларда ҳаракатланишдан олдин автомобилларнинг техник ҳолатини қаровдан ўтказиш керак бўлади, айниқса тормоз бошқармаси ва рул бошқармасини. Қаров вақтида тормоз ва рул бошқармалари юритмаларидан ҳаво ва суюқликлар чиқмаётганлигига аҳамият бериш керак.

Тоғ йўлларда пастка ҳаракатланаётганда тўхтаб туриш тормоз тизимидан фойдаланиш тавсия этилмайди. Пастликка ҳаракатланаётганда кичик тезликларда ҳаракатланиш керак ва кичик радиусли бурилишларда кескин тормозлаш мумкин эмас чунки бу автомобилнинг турғунлигини йўқотишга олиб келиши мумкин.


Автомобиль қияликдан пастга ҳаракат қилганда унинг тормоз тизимида носозлик пайдо бўлса транспорт воситасини тўхтатиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун махсус тўхтатиш йўлакчалари “лавушка”лар ўрнатилади, лекин “лавушка”ларни қанча ораликларга ўрнатиш масаласи ҳал этилмагани сабабли тоғли йўлларда (мисол тариқасида “Камчик” довонида 98 км ли бу давоннинг қариб 48% ни кескин қияликлар ва баландликлар ташкил этади) атиги 4-5 та “лавушка”лар ўрнатишган. Тоғли йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситасининг тормоз тизимида носозликлар пайдо бўлганда уларни тўхтатиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун махсус тўхтатиш йўлакчалари “лавушка”лар ўрнатиш оралигини аниқлаш учун

транспорт воситасинингдвигателини трансмиссиядан ажратилмаган ҳолатда қияликда ҳаракатланаётгандаги ҳолат учун математик модел тузилди ва ҳисоблашорқали тадқиқотлар олиб борилди.

Ҳисоблаш ишлари:-автотранспорт воситасининг пастликка ҳаракатланаётганда тормоз тизими ишдан чиққан ҳолат учун; - тоғ йўллариининг турли қияликлари учун; - автотранспорт воситасининг турли тўлиқ массага эга бўлган ҳолатлари учун; -автотранспорт воситаси турли тезликларда ҳаракатланаётган ҳолатлари учун автотранспорт воситасига таъсир этувчи қаршилик кучларива двигателнинг қаршилик моментини ҳисобга олган ҳолда олиб борилди.Об-ҳаво ва йўл шароитларини ўзгармас деб қабул қилинди ва курук асфалт учун ҳисоблаш ишлари олиб борилди. Двигател трансмиссиядан ажратилмаган ҳолат учун олиб борилган ҳисоблаш натижалари қуйида келтирилмоқда.




1-расм. Йўлнинг қиялик бурчак 3° дан 10° гача ўзгарганда транспорт воситасини тўхтатиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун махсус тўхтатиш йўлакчалари “лавушка”лар орасидаги масофанинг қиялик бурчагига боғлиқлик графиги



2-расм. Йўлнинг қиялик бурчак 5 бўлганда автомобиль массаси 20000 кг дан 45000 кг гача ўзгарганда транспорт воситасини тўхтатиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун махсус тўхтатиш йўлакчалари “лавушка”лар орасидаги масофанинг автомобиль

массасига боғлиқлик графиги



3-расм. Йўлнинг қияликбурчакки 5° автомобиль-тезлиги 5 км/соат дан 65 км/соатгача ўзгарганда “лавушка”лар орасидаги масофанинг автомобиль тезлигига боғлиқлик графиги

Олинган натижалардан кўринадики йўлнинг қиялик бурчаги, автомобилнингмассаси ва автомобилнинг тезлиги юқори бўлган сари транспорт воситасини тўхтатиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун махсус тўхтатиш йўлакчалари “лавушка”ларни ўрнатиш оралик масофаси камайиб боради.

Шундай қилиб тоғли автомобиль йўллариинингқиялик бурчакларини, уларда транспорт воситаларини ўртача ҳаракат тезлигини ва транспорт воситаларини ўртачамассасини билган ҳолда, тоғли йўлларнинг пастка тушиш қисмларида ҳар бир ҳолат учун йўлнинг атрофидаги релефларни, бурилиш жойларини ҳисобга олган ҳолдатранспорт воситасини тормоз тизими ишдан чиққан ҳолда унитўхтатиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун махсус тўхтатиш йўлакчалари “лавушка”ларни ўрнатиш оралик масофасининг рационал қийматларини аниқлаш мумкин.

Адабиётлар:

1. Файзуллаев Э.З., Сатгивалдиев Б.С., Хақимов Ш.Х. Влияние горных условий эксплуатации на режимы движения автопоездов. Материалы Республиканской научно-практической конференции. ТАДИ, 2004 г.
2. Литвинов А.С., Я.Е.Фаробин, Автомобиль. Теория эксплуатационных свойств. М. «Машиностроение», 1989.
3. Мирзабеков М. С. Особенности режима и безопасности движения на горных автомобильных дорогах Узбекистана // Молодой ученый. -016. №7.2. - С. 64-67.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КАЧЕСТВА ЭКСПЛУАТАЦИИ МАГИСТРАЛЬНЫХ ТРУБОПРОВОДОВ

Худойкулов У.Ч.; Юзбаева М.З.

Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт

Мақолада республикамиз иқтисодиётининг вазифаларини ҳал қилишда магистрал қувурўтказгичларнинг роли ва магистрал қувурўтказгичлардан фойдаланишда унинг сифатини таъминлаш тўғрисида гап боради. Магистрал қувурўтказгичлардан фойдаланиш жараёнида унинг сифатини самарали баҳолаш имкониятини берадиган сифатнинг бирлик кўрсаткичлари муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган. Нуксонларнинг пайдо бўлиш частотаси сув таъминоти ва газ таъминоти тармоқлари бўйича аниқланган.

Калит сўзлар: магистрал қувурўтказгич, сифатни баҳолаш, бирлик кўрсаткичлар, диспечерлик хизмати.

В данной статье речь ведется о роли качества магистральных трубопроводов в решении задач народного хозяйства и существующих проблемах обеспечения качества при их эксплуатации. Авторами разработан перечень единичных показателей качества, которая дает возможность эффективной оценки качества магистральных трубопроводов при их эксплуатации. Выявлены частоты возникновения дефектов по сетям водоснабжения и газоснабжения по показателям качества.

Ключевые слова: магистральные трубопроводы, оценка качества, единичные показатели качества, диспечерская служба.

The article presents the role of the quality of trunk - pipes in solving the problems of national economy and existing problems when ensuring quality during their exploitation indices. The list of single quantitative indices was worked out by the authors who give the possibility of effective evaluation of trunk pipes quality when exploited the frequency of defects appearance in water and gas supply net works of quantitative indices was exposed.

Key words: main pipelines pipelines, estimation of quality, single indexes of quality, controller's service.

Среди важнейших социально-экономических задач народного хозяйства Республики Узбекистан снабжение населения топливно-энергетическими, водными и другими ресурсами занимает особое место. Бесперебойная доставка природного газа и питьевой воды является важным фактором социальной стабильности и повышения благосостояния населения. Основным способом доставки потребителям этих ресурсов являются трубопроводы. Стержнем социальной политики государства является создание достойных условий проживания для всех слоев населения, одним из направлений которой является обеспечение населенных пунктов питьевой водой и природным газом. На сегодняшний день обеспеченность населения питьевой водой достигло 84%, а природным газом – 81,5%. В ближайшие годы намечено обеспечить все населенные пункты качественной питьевой водой и до 90% населенных пунктов – природным газом. Данная программа требует значительного увеличения газопроводных и водопроводных сетей. В связи с этим возникает проблема обеспечения качества трубопроводов, как решающего фактора эффективности доставки вышеуказанных ресурсов. В процессе решения этой актуальной проблемы следует выделить две взаимосвязанные задачи: качество магистральных сетей и качество распределения и использования ресурсов в местах потребления (внутренних сетей). Несмотря на взаимосвязь указанных задач методы их решения в корне отличаются друг от друга.

В первую очередь различия наблюдаются, в функциональных целях магистральных и внут-

ренних инженерных сетей. Если целью внутренних сетей является доведение необходимого ресурса до конечной точки потребления, то для магистральных сетей основной целью является обеспечение доставки необходимого объема ресурса без существенных потерь до пункта назначения. Исходя из различия целей, возникают разнообразные подходы к определению качества магистральных и внутренних трубопроводных сетей. Один из подходов заключается в том, что удовлетворение нужд потребителей осуществляется в основном за счет качества внутренних инженерных сетей. В исследованиях, проведенных за последние годы в Республике Узбекистан, уделено много внимания качеству внутренних инженерных сетей. Действительно, качество потребления жилищно-коммунальных ресурсов проявляется через внутренние инженерные сети и распределительные приборы. Большинство жалоб населения в товарищества собственников жилья и местные обслуживающие коммунальные службы связано именно с неисправностями во внутренних инженерных сетях и приборах. Вместе с тем, совершенствование внутренних сетей не является гарантией бесперебойного снабжения населения газом и водой, потому что необходимое давление создается в магистральных трубопроводах. Мы считаем, что основой удовлетворения спроса на ресурсы является качество магистральных сетей, поэтому и выбрали его в качестве объекта исследования.

Проведенные нами теоретические исследования были направлены на уточнение данного подхода к показателям качества наружных се-

тей. Выводы показали, что основными требованиями к функциональным характеристикам наружных сетей являются обеспечение нормативного давления (напора) и отсутствие потерь (утечек) в процессе транспортировки. В качестве основных документов, определяющих требования к качеству наружных сетей служат строительные нормы и правила Республики Узбекистан. Кроме того, были проанализированы ведомственные нормативные документы, отражающие эксплуатационные требования к магистральным трубопроводам. Исходя из этих требований, нами был разработан перечень единичных показателей качества (ЕПК) магистральных инженерных сетей, которой затем был использован для классификации дефектов и управления частотой их появления в процессе эксплуатации трубопроводов.

В процессе исследований было выявлено, что основу качества трубопроводов составляют единичные показатели качества (ЕПК), отражающие наиболее существенные для эксплуатации их свойства.

В результате проведённых теоретических и практических исследований к единичным показателям качества мы отнесли следующие:

1. Давление в трубопроводе. Сюда мы включили требования нормативных документов по обеспечению необходимого давления ресурса на выходе в распределительную сеть.

2. Надёжность (безотказность) работы трубопровода. Данный показатель качества включает требования бесперебойной доставки ресурса в распределительную сеть в течение определенного периода времени (обычно за период между профилактическими осмотрами).

3. Долговечность. Как показатель качества, долговечность характеризует возможность отвечать требованиям функциональности и надежности в течение всего срока эксплуатации. Для трубопроводов долговечность обычно связана с сопротивлением коррозии и механическим воздействиям, поэтому мы отнесли его к единичным, а не групповым показателям качества.

4. Экономичность, то есть предотвращение потерь ресурса в процессе транспортировки. Данный показатель качества устанавливает требования к минимизации затрат по транспортировке ресурса в сети через обеспечение герметичности трубопровода и обслуживающего хозяйства.

5. Экологичность. Данный показатель качества предусматривает защиту земельной, водной и воздушной среды от воздействия транспортируемого ресурса. Для условий Узбекистана данный показатель качества является одним из важных в связи с напряженной экологической ситуацией в регионе.

Наиболее распространенными видами магистральных инженерных сетей являются сети водоснабжения и газоснабжения населения. Их качество во многом определяет производственно-хозяйственную деятельность предприятий и организаций области. Исследование формирования и проявления показателей качества инженерных сетей позволит в значительной мере увеличить объем доставляемых ресурсов без существенного увеличения затрат.

Несмотря на различия в функциональных характеристиках сетей газоснабжения и водоснабжения формирование показателей качества происходит одинаково: нормативный уровень качества устанавливается в проекте, достигается в процессе строительства и проявляется в процессе эксплуатации. Предметом нашего исследования является проявление эксплуатационных качеств магистральных трубопроводов. Для этого мы проанализировали состояние сетей газоснабжения в Самарканде. Результаты исследования показали, что показатели качества в полной мере характеризуют дефекты и отказы в системе газоснабжения, причём перечень отказов вполне соизмерим с количеством ЕПК: слабое давление, сильное давление, отсутствие газа, утечка газа, внеочередная проверка газораспределительного пункта, проверка задвижек, пожар на газораспределительном пункте, внеочередная проверка газораспределительной станции и т.д.

Наиболее частые нарушения наблюдаются по первому из перечисленных показателей качества. Недостаточное или избыточное давление в сети газопроводов приводит к неудовлетворительному поступлению газа в распределительную сеть. Дефекты и отказы связанные с этим ЕПК составляют 38-42% от всех зарегистрированных отказов. На втором месте стоят дефекты четвертого показателя качества. Утечки газа в магистральных трубопроводах являются причиной серьёзных разногласий организаций "Трансгаз" и областных управлений газового хозяйства. Кроме этого, проведенные нами практические исследования показывают, что традиционно принятая система регистрации дефектов недостаточно эффективна. В настоящее время схема регистрации и устранения отказов выглядит следующим образом:

отказ → вызов → регистрация →
→ причина → устранение

Как видно из этой последовательности выявление ликвидация причины отказов замыкают цепочку в системе обеспечения качества магистральных трубопроводов. Однако, мировая практика управления качеством регламентирует не устранять отказы, а предупреждать

их, в связи с этим необходимо разработать механизм, который позволил бы сократить количество вызовов населения до оптимального уровня.




Рис.1. Схема действий диспетчерских и ремонтных служб по управлению качеством магистральных газопроводов.

Профилактика магистральных сетей и сооружений по нормативам проводится только 1-2 раза в год, что явно недостаточно. Поэтому во избежание крупных аварий организации неоправданно занижают давление в газопроводах высокого и среднего давления. Для научно обоснованного решения данной проблемы необходимо на наш взгляд изменить систему регистрации и устранения отказов, то есть пе-

рейти от регистрации отказов к выявлению причин до наступления отказа.

В первую очередь необходима реструктуризация структуры управления предприятий по поставкам природного газа населению, которая коснется целей организации, распределения полномочий, движения управленческой информации. Для этого мы предлагаем пересмотреть систему сбора информации о качестве эксплуатации и внести изменения в функции диспетчерских служб.

В основе данных предложений лежит сбор и обработка информации о качестве за предыдущие периоды и закономерности возникновения дефектов в зависимости от действий различных факторов. Разработанные нами методические разработки позволяют точно определить предполагаемый тип и место проявления дефектов, что может быть использовано для выявления причин и предотвращения возникновения дефекта.

Литература:

1. Афанасьев В.А., Шишкин А.И. Методы организации работ в строительстве. –М.: Дело. 2013 г.
2. Вентцель Е.С. Исследования операций. С.Петербург. 2010 г.
3. Гусаков А.А. Организационно-технологическая надежность строительного производства. - М.: Стройиздат. 2012 г.
4. Томпсон-мл. А.А., Стрикленд III А.Дж. Стратегический менеджмент. Вильямс. М.2009 г.

УДК 696.2

ҚУЁШЛИ СОВУТКИЧЛАРИ УЧУН ҚАТТИҚ СОРБЕНТЛАРНИНГ ТЕХНИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ

Абдуллаев Қ.Ю., доцент; Вахобова Г.Н., магистрант

Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт

Мақолада қуёшли совуткичлар учун адсорбент регенерацияси жараёнини яхшилаш йўллари кўрсатилган. Шу билан бирга ташқи манбадан иссиқлик олиб келиниши ҳисобига ишчи суюқликни изобарик десорбция қилиниши йўли билан амалга оширилиши кўрсатилган.

В статье показаны способы улучшения процесса регенерации адсорбента для солнечных холодильников. Также показано, что изотопная десорбция рабочего тела осуществляется за счет теплообмена от внешних источников.

This article shows how to improve the adsorbent regeneration process for solar refrigerators. It is also shown that the isotope desorption of the working fluid is due to heat transfer from external sources.

Қуёший совиткичлар учун қаттиқ сорбентларнинг техник характеристикаларини (тавсифларини) яхшилаш учун мавжуд бўлган принципаал саволлардан бири бу адсорбент регенерацияси жараёнининг самарали кечиб ўтишдир. Бунда ташқи манбадан иссиқлик олиб келиниши ҳисобига ишчи суюқликни изобарик десорбция қилиниши йўли билан амалга оширилади. Юқори термодинамик самарадор-

ликни таъминлаш учун бу жараён мувозанатдагига яқин бўлиши лозим: Температурали босимлар кичик булиши лозим, адсорбентниқига караганда сорбатнинг буглари босими T_1 ҳароратда конденсатордаги сорбатнинг туйинган бугларини босимидан факатгина озгинага ошиши мумкин бунда атрофдаги хавонинг ҳарорати T_2 ни ташкил этади. Ва шу кўринишда сорбатнинг ютилиш жараёнида унинг туйинган

буғлари ҳарорати совитиш камерасининг ҳарорати T_3 унинг буғлари босимига яқин бўлиши лозим ва бунда ҳарорат T_2 ни ташкил этади:

$$P_{исп}(T_3)P_{сорб}(T_2), P_{сорб}(T_1) \approx P_{исп}(T_2) \quad (1)$$

Агар, сорбатнинг $q_{исп}$ ва сорбциянинг $q_{исп}$ солиштирма буғланиш иссиқликларини кўрилатган ҳароратлар ўзгариши диапазонида доимий деб ҳисобласак, у ҳолда сорбат буғи учун идеал газ ҳолати тенгламаси қўлланилиши мумкин ва бунда Клапейрон-Клаузиус тенгламасини интеграллаб қуйидагини оламиз:

$$\ln P_{исп}(T_2) - \ln P_{исп}(T_3) = \frac{q_{исп}}{R} \left(\frac{1}{T_3} - \frac{1}{T_2} \right),$$

$$\ln P_{сорб}(T_1) - \ln P_{сорб}(T_2) = \frac{q_{сорб}}{R} \left(\frac{1}{T_2} - \frac{1}{T_1} \right), \quad (2)$$

Бу ерда: R - универсал газ доимийси. (1) ва (2) лардан сорбат T_1^* десорбция бошланишининг ҳарорати учун қуйидаги ифодани олиш мумкин:

$$T_1^* = \frac{T_2}{1 - \frac{q_{исп}}{q_{сорб}} \left(\frac{T_2}{T_3} - 1 \right)} \quad (3)$$

Бу ҳароратни ифодага қўйиб Карно циклининг самарадорлиги учун [2], ҚАСҚ (қуёший адсорбцион совитиш қурилмаси) учун иссиқликни айлантириб олиш коэффиценти кийматини оламиз, бунда регенерация жараёнида адсорбентга келтирилган, совуқлик энергияси $СОР_x^* = q_{исп}/q_{сорб}$ [4,5,8]. Шу ҳароратда адсорберга энергиянинг келтирилишида кўриб чиқиладиган қуёший адсорбцион совитиш қурилмасида қуёший нурланиш энергиянинг айлантириб олиш интеграл коэффиценти максимал бўлади. [5, 6]. [8] да адсорбцион ва кимё машиналарида десорция ҳарорати умумий энтропиялар, буғланиш ва адсорбция энтальпияларидан ҳисобланиб чиққан. [3, 8] ларда десорбциянинг минимал температурасини баҳолаш учун Трутоннинг ярим эмпирик қойидасини қўллаш таклиф этилган, бунда бир нуктада адсорбция изостерлари ва тоза суюқлик учун мувозанат эгрилиги кесишмаси келтирилган. Унинг бажарилиши [7] да текширилган ва адсорбцион иссиқлик машиналарининг ҳамма асосий ишчи жуфтлари: сув— силикагель Fuji RD, сув - цеолит 13X, сув - сувнинг селектив сорбентлари, аммиак - кўмир РХ31, метанол - кўмир АС-35, метанол - кўмир ТА90, метанол - цеолит СВУ 901 У и CO₂ - кўмир. Трутоннинг қойидаси сезиларли даражада математик ифодани соддалаштиришга имкон беради ҳусусан (3) бунда қуйидагича бўлади [3, 9]:

$$T_{1,тр}^* = \frac{T_2}{T_3} \quad (4)$$

Ҳамма кўриб чиқилган жуфтликлар учун T^* (4) бўйича ҳисобланган кийматлари экспериментал кийматлардан фарқ қилиб лекин одатда 1...3°C дан катта бўлмаган ҳолда аниқ олинган бу катталиқ билан солиштириш мумкиндир [9]. Шундай қилиб келгусида барча ҳисоб ишларида (4) ифодадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шуни белгилаб қўйиш лозимки Трутоннинг қойидасини бажаришда (3) ва (4) ифодалар тўлиқ бир бирига мос келади, чунки $q_{исп}/q_{сорб} = T_2/T_3$ [3], яъни адсорбцион қурилмалари учун $q_{исп}/q_{сорб}$ нисбат тўлиқ; бир бирига тушади Ва шуларга асосланиб Трутон қойидасини қўлланилишида ҳатоликни T_1^* ни аниқлашда қуриш мумкин бунда (3) ва (4) ларни солиштирамиз

$$\frac{T_{1,тр}^*}{T_1^*} = \frac{T_2}{T_3} \left[1 - \frac{q_{исп}}{q_{сорб}} \left(\frac{T_2}{T_3} - 1 \right) \right] \quad (5)$$

Атроф муҳит ҳароратининг ўзгариши диапазони қуёший кимёвий совиткичи учун $T_2 = 10...45^\circ\text{C}$ (283...308K), ва совитиш ҳарорати эса $T_3 = -15 - 10^\circ\text{C}$ (258...283 K), ва T_2 / T_3 нисбати ҳам қуйидаги диапазонда ўзгаради 1,0... 1,23. $T_{1,тр}^*$, T_1^* , ни T_2/T_3 , дан боғлиқ ҳолда бу диапазонда турли $q_{исп}/q_{сорб}$ кийматлари учун келтирилгандир. Нисбатлар $q_{исп}/q_{сорб} = 0,8$ бўлганда T_2/T_3 нинг ҳамма диапазонида T_1^* ва $T_{1,тр}^*$ ва ҳароратлари 1% дан кам бўлган ҳатоликларда мос тушмоқда бу эса кимёвий совиткичлар учун Трутоннинг қойидаси билан фойдаланиш имконини беради. Сезиларли оғилишлар фақатгина $q_{исп}/q_{сорб} > 0.5...0,6$ бўлган ҳолатлардагина кузатилиши мумкин.

Шундай қилиб, адсорбент регенерациясининг бошланишини таъминлаш учун у T_1^* ҳароратигача қиздирилиши лозим, ўз навбатида у (3) ёки (4) бўйича ҳисобланади. Агар, регенерация учун ишлатиладиган қиздиргич адсорбентни шу ҳароратгача қиздира олмаса, у ҳолда адсорбцион совиткич умуман ишламайди ва энергетик самарадорлиги нолга тенг бўлади. [3] да кўрсатилганидек, ҚАСҚ (қуёший адсорбцион совитиш қурилмаси) нинг энг катта самарадорлигига шунда эришиладики, агарда кимёвий иссиқлик машиналарида амалга оширилганидек шу ҳароратда бевосита сорбатнинг ҳаммаси чиқариб ташланса. Бундай идеал адсорбент учун босимдаги десорбция изобараси, конденсатор босими билан бир хил бўлганда боскичма-боскич бўлиши керак ва моновариант турдаги мувозанатга мос келади [2]. Идеал хоссалига яқин бўлган хоссали реал адсорбентни синтез қилиниши мумкинлиги [10, 11]

ларда кўриб чиқилган.

Реал бўлган ҚАСҚ, (куёший адсорбцион со-
вители курилмаси)ларда САХУ адсорбцион
мувозанатлик дивариантли (икки вариантли)
бўлиб, сорбатнинг мувозанатли босим буғлари
адсорбент устидан икки ўзгарувчаннинг функ-
цияси ҳисобланади: булар адсорбентнинг тем-
ператураси (ҳарорати) ва намлик миқдори, сор-
батнинг мувозанатли босим буғлари эса фа-
катгина конденсатордаги ҳароратга боғлиқдир.
Бу эса регенерация жараёнида адсорбентдан
сорбатни чиқариб олиш учун десорбциянинг
бошланғич ҳароратидан юқориқроқ ҳароратни
талаб этишига олиб келади, яъни $T_1^{\max} > T_1^*$
ҳароратигача, бунда адсорбентдан сорбатни
чиқариб олиниши миқдор бўйича оптимал
бўлиши амалга ошади. Оптимумнинг мавжуд
бўлиши шу билан боғлиқки, бунда ҳароратлар-
нинг кам фарқида $T_1^{\max} > T_1^*$ самарадорлик ки-
чик бўлади, чунки чиқариб ташланаётган сор-
батнинг массаси ҳам камдир. Ҳароратни кей-
инчалик янада оширилиши иссиқлик йўқоти-
лишларини ошишига олиб келади чунки сор-
батнинг бир қисми чиқариб ташланган. Регене-
рациянинг оптимал ҳароратини (температура-
сини) танлаш тўғрисидаги савол пастрокда
кўриб чиқилади.

Адабиётлар:

1. Даффи Дж.А., Бекман У.А. Тепловые процес-
сы с использованием солнечной энергии. -М.: Мир,
1977. -420 с.
2. Whitlow E.P., Swearingen J.S., An Improved

Absorption-Refrigeration Cycle, Paper presented at
Southern Texas AIChE Meeting, 1959.

3. Williams D.A., Chung R., Lof G.O.G., Fester
D.A., Duffie J.A., Cooling Systems Based on Solar
Regeneration, Refr. Engr., 66, 33 (1958).

4. Raldow W.M., Wentworth W.E. Chemical heat
Pumps a Basic Thermodynamic Analysis. // Solar
Energy. 1979. V.23. No.1. PP. 75-79

5. Critoph R.E. Performance limitation of adsorption
cycles for solar cooling.//Solar Energy. 1988. V. 41. No.
1. PP. 21-31.

6. Чалаев Д.М., Аристов Ю.И. Оценка работы
низкотемпературного адсорбционного холодильни-
ка. // Теплоэнергетика. 2006. №3. СС. 73-77.

7. Попель О.С., Фрид С.Е., Шаронов С.С. Анализ
работы солнечной адсорбционной холодильной
установки периодического действия. //Теплоэнерге-
тика. 2007. В печати.

8. Refrigerators and freezers for storing vaccines and
freezing icepacks. //2007. [http://www.who.ch/gpv-
document](http://www.who.ch/gpv-
document)

9. Haseler L.E. Absorption cycle heat pumps for
domestic heating. - AERE-G 104R, AERE Harwell,
1978.

10. Aristov Yu.L., Tokarev M.M., Sharonov V.E.
Universal relation between the boundary temperatures
of a basic cycle of sorption heat machines. // Chem.
Engn. Sci. 2007 (submitted).

Aristov Yu.L. New Composite Adsorbent for
Conversion and Storage of Low Temperature Heat:
Activity in the Boreskov Institute of Catalysis. // J. Heat
Transfer Society of Japan. 2006. V.45. No.192. PP. 12-
19.

УДК 697.9

АТМОСФЕРАГА ТАШЛАНАДИГАН ЧАНГЛАРНИ КАМАЙТИРИШДА МАЙДА МИКРОН ЎЛЧАМДАГИ СЕТКАЛИ ЧАНГ УШЛАШ УСКУНАСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Бобоев С.М. д.т.н., проф., **Ахмедова М.А** (PhD) докторанти
Самарқанд давлат архитектура-курулиш институти

Атмосфера ҳавосини чанг ва бошқа ифлослантирувчи моддалардан тозалашда корхонада мавжуд фаоли-
ят кўрсатаётган чанг тозалаш ускунасидан кейин иккинчи поғана сифатида майда ўлчамдаги чанг заррача-
ларини ушлаб қолувчи конструкцияга эга бўлган энерготезамкор майда микронли сеткали чанг ушлаб
қолувчи ускунани ўрнатиш орқали атмосферага чиқариб юборилаётган чангларнинг миқдорини камайти-
ришга эришилади.

Тўлиқ тозаланмаган майда заррачали чангларни ушлаб қолиш, чангларни тозалаш самарадорлигини
ошириш ва чангларнинг атроф муҳитга таъсири камайд. Майда ўлчамдаги сеткали чанг тутгич ёрдамида
ишлаб чиқариш цехида ҳосил бўлган майда заррачали чангларни тозалайди. Атмосфера ҳавосига ташлана-
диган чангларнинг рухсат этилган меъёри (РЭМ) ошмаслигига эришилади.

Калит сўзлар. Рухсат этилган сиғим (РЭС), чанг, ифлослантирувчи модда, турғун манба, ташламалар-
нинг рухсат этилган миқдори, атмосфера қатлами, чанггаз тозалаш ускунаси.

Для сокращения количества пыли, выбрасываемой в атмосферу, применяются энергосберегающих сетча-
тых устройств с небольшими пылесборниками в качестве второго ступени после существующего оборудова-
ния для очистки пыли.

Удержание мелких частиц пыли, которые не были полностью очищены. Повышает эффективность
очистки пыли и уменьшает воздействие пыли на окружающую среду. Использование энергосберегающих

сетчатых устройств для очистки мелких частиц из производственного отдела. Предельно допустимые выбросы пыли (ПДК) не превышает норму.

Ключевые слова: предельно-допустимая концентрация, пыль, загрязняющие вещества, стационарных источник, предельно-допустимый выброс, атмосферный слой, пылегазоочисные установки (ПГОУ).

To reduce the amount of dust emitted into the atmosphere, energy-saving mesh devices with small dust collectors are used as the second stage after existing dust removal equipment. Retention of fine dust particles that have not been completely cleaned will increase dust removal efficiency and reduce the environmental impact of dust. The use of energy-saving mesh devices to remove small particles from the production department. Maximum permissible dust emissions (MPC) are not exceeded.

Key words: maximum permissible concentration, dust, pollutants, stationary source, maximum permissible emission, atmospheric layer, dust and gas treatment plants

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалардан, ер ости ва ер усти сувларини саноат корхоналаридан чиқаётган оқова сувлардан муҳофаза қилиш ҳозирги замоннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, умум жаҳон аҳамиятига эгадир. Корхоналардаги ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбалардан чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни меъёр ҳолда ташланишига эришиш комплекс ишларини амалга ошириш режалари ишлаб чиқиш зарур тадбирлардан бири ҳисобланади.


Атмосфера ҳавосини чанг ва бошқа ифлослантирувчи моддалардан тозалашда корхонада мавжуд фаолият кўрсатаётган чанг тозалаш ускунасидан кейин иккинчи поғана сифатида майда ўлчамдаги чанг заррачаларини ушлаб қолувчи конструкцияга эга бўлган энерготезамкор майда микронли сеткали чанг ушлаб қолувчи ускунани ўрнатиш орқали атмосферага чиқариб юборилаётган чанглarning микдорини камайитиришга эришиш мумкин.

Ушбу ускуна узунлиги 1200 мм, эни 75 мм, бўйи 80 мм бўлган тўртбурчак шаклидаги, ички қисмга кўндаланг кесими 450 мм ли қарқасга майда микронли сетка ўрнатилган, кўндаланг кесими 300 мм бўлган кириш ва чиқиш қувурлари, пастки қисмига ушлаб қолинган чанглари йиғувчи варонка шаклидаги сиғим ўрнатилган конструкцияли чанг тозалаш ускунасидан иборат.

Усқунанинг вазифаси – корхонадаги мавжуд фаолият кўрсатаётган қуруқ механик чанг тозалаш ускунасида тўлиқ тозаланмаган чанглари ушлаб қолишдан иборат.

Кўйилган масалани ҳал қилиш мақсадида яратилган чанг тозалаш усқунаси “Донмаҳсулотлари” корхонаси элеватор цехида ўрнатиб кўрилди. Элеватор цехида ғалла маҳсулотларини сепараторлар ёрдамида тозалаш, саралаш, узатиш ва бошқа технологик жараёнлар натижасида юзага келган ғалла чангини аспирация тармоғи орқали сўрилиб, мавжуд 4 БЦЩ-450 русумдаги чанг тозалаш усқунаси ёрдамида 84-88 фоиз атрофида тозаланган чанглари қолган қисмини ушбу ускуна орқали ушлаб қо-

лиш орқали тозалаш самарадорлиги 96-98 фоизга етказилган.



1-расм. Чанг тозалаш усқунасининг принципл схемаси

Энерготезамкор содда кўринишдаги майда сеткали чангтутигич кириш ва чиқиш қувурлари, корпус, майдан микрон ўлчамдаги сетка ва чиқинди йиғиш бункеридан иборат. Микрометр ёрдамида чанг оқимининг тезлиги аниқланади.

4 БЦЩ-450 русумли тозалаш қурилмаси орқали ушлаб қолинган чанг микдори ва тозалаш самарадорлиги қуйидагича аниқланди.

Манбанинг ишлаш вақти 290 кун/йил ёки 6380 соат/йил. Манба параметрлари: баландлиги $H = 3,4$ м, кўндаланг кесим юзаси $D = 0,45$ м.

Ўлчаш вақтида атмосфера ҳавосининг босими 732 мм.с.м.уст.га тенг бўлган. Тозалаш қурилмасига киришда ҳаво сўрғичдаги босим 5,8 мм.с.м.уст. ҳарорат 24°C ни ташкил этган.

Чанг тозалаш усқунаси цехда БИЦ-100 сепаратори ҳамда узатиш тармоғи (транспортёр) ишлаши натижасида ҳосил бўлган ғалла чангини тозалашдан иборат. Тозалаш жараёнига чанг аралашмасининг тезлиги $W = 15,3$ м/с, чангнинг сиғими $C = 612,1$ мг/м³ га тенг бўлган. Чанг аралашмасининг ҳажми қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$V = \pi * D^2/4 * W = \\ = 3,14 * 0,45^2/4 * 15,3 = 2,43 \text{ м}^3/\text{с}$$

Чангнинг вақт бирлиги ичидаги микдори қуйидагича тенг:

$$V = V \cdot C \cdot 10^{-3} = 2,4 \cdot 612,1 \cdot 10^{-3} = 1,49 \text{ г/с}$$

Чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:

$$M_{\text{йил}} = V \cdot T \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 1,49 \cdot 6380 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 34,22 \text{ т/йил}$$

Тозалаш қурилмасидан чиқишда босим 7,6 мм.сим.уст. ҳарорат 24°C. Тезлиги 14,7 м/с, сиғими ҳажми C = 86,3 мг/м³ га тенг бўлган. Чанг аралашмасининг ҳажми қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$V = \pi \cdot D^2/4 \cdot W = 3,14 \cdot 0,45^2/4 \cdot 14,7 = 2,34 \text{ м}^3/\text{с}$$

Чангнинг вақт бирлиги ичидаги миқдори қуйидагига тенг:

$$M_{\text{сек}} = V \cdot C \cdot 10^{-3} = 2,34 \cdot 86,3 \cdot 10^{-3} = 0,202 \text{ г/с}$$

Чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:

$$M_{\text{йил}} = V \cdot T \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,202 \cdot 6380 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 4,64 \text{ т/йил}$$

Чанг тозалаш қурилмасининг тозалаш самардорлиги қуйидагига тенг бўлди:

$$\eta = (M_{\text{йил.1}} - M_{\text{йил.2}})/M_{\text{йил.1}} = (34,22 - 4,64)/34,22 \cdot 100 = 86,4\%$$

Энерготезамкор содда кўринишдаги майда сеткали чангтутғич ускунаси орқали ушлаб қолинган чанг миқдори ва тозалаш самардорлиги қуйидагича аниқланди.

Манбанинг ишлаш вақти 290 кун/йил ёки 6380 соат/йил. Манба параметрлари: баландлиги H = 2,8 м, кўндаланг кесим юзаси D = 0,30 м.

Ўлчаш вақтида атмосфера ҳавосининг босими 732 мм.сим.уст.га тенг бўлган. Тозалаш қурилмасига киришда ҳаво сўргичдаги босим 5,8 мм.сим.уст. ҳарорат 24°C ни ташкил этган.

Ускуна 4 БЦЩ-450 русумли тозалаш ускунасида тўлиқ тозаланмаган чанглари тутиб қолади. Тозалаш ускунасига киришдаги чанг аралашмасининг тезлиги W = 13,8 м/с, чангнинг сиғими C = 85,6 мг/м³ га тенг бўлган. Чанг аралашмасининг ҳажми қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$V = \pi \cdot D^2/4 \cdot W = 3,14 \cdot 0,30^2/4 \cdot 13,8 = 1,06 \text{ м}^3/\text{с}$$

Чангнинг вақт бирлиги ичидаги миқдори қуйидагига тенг:

$$V = V \cdot C \cdot 10^{-3} = 1,06 \cdot 85,6 \cdot 10^{-3} = 0,091 \text{ г/с}$$

Чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:

$$M_{\text{йил}} = V \cdot T \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,091 \cdot 6380 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 2,09 \text{ т/йил}$$

Тозалаш қурилмасидан чиқишда босим 7,6 мм.сим.уст. ҳарорат 24°C. Тезлиги 11,8 м/с, сиғими ҳажми C = 2,42 мг/м³ га тенг бўлган.

Чанг аралашмасининг ҳажми қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$V = \pi \cdot D^2/4 \cdot W = 3,14 \cdot 0,30^2/4 \cdot 11,8 = 0,903 \text{ м}^3/\text{с}$$

Чангнинг вақт бирлиги ичидаги миқдори қуйидагига тенг:

$$V = V \cdot C \cdot 10^{-3} = 0,903 \cdot 2,42 \cdot 10^{-3} = 0,022 \text{ г/с}$$

Чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:


$$M_{\text{йил}} = V \cdot T \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,022 \cdot 6380 \cdot 3600 \cdot 10^{-6} = 0,505 \text{ т/йил}$$

Чанг тозалаш қурилмасининг тозалаш самардорлиги қуйидагига тенг бўлди:


$$\eta = (M_1 - M_2)/M_1 = (34,22 - 0,505)/34,22 \cdot 100 = 98,5\%$$

Чанг тозалаш ускунасининг тозалаш самардорлиги 98,5 % ни ташкил этди.


Қуйида графикларда (2-5 расмлар) атмосферага ташланадиган чанглarning миқдори ўзгаришлари келтирилган.




2-расм. 2008-2019 йилларда дон маҳсулотлари корхонаси элеватор цехида атмосферага ташланадиган чангнинг тозаланиш жараёнигача бўлган миқдори.



3-расм. 2008-2019 йилларда дон маҳсулотлари корхонаси элеватор цехида атмосферага ташланадиган чангнинг тозаланиш жараёнидан кейинги миқдори.



4-расм. 2008-2019 йилларда донмаҳсулотлари корхонаси элеватор цехида атмосферага ташланадиган чангнинг тозаланиш жараёнига бўлган миқдори.



5-расм. 2008-2019 йилларда донмаҳсулотлари корхонаси элеватор цехида атмосферага ташланадиган чангнинг тозаланиш жараёнидан кейинги миқдори.

Хулоса ва тавсиялар. Энерготехжамкор содда кўринишдаги майда сеткали чанг тутгич дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида майда дисперсли (заррачали)

УДК 629.13.016

АВТОМОБИЛЛАРНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ ИҚЛИМ ШАРОИТИ ТАЪСИРИНИНГ ТАДҚИҚИ

Адилов О., Исроилов Ф., Абдурахманов М., Тўраев Э.
Жиззах политехника институти

Ушбу мақолада ишлаб чиқилган тавсиялар асосан автотранспорт воситаларини турли иқлим шароитларида эксплуатация қилиш даврида меъёрий кўрсаткичларни таъминлашдаги фаолиятини оширишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: автомобиль, хизмат кўрсатиш, иқлим, ҳарорат, кўрсаткич, микдор.

В этой статье приведена разработка методических рекомендаций и применения их результатов в производстве в целях усовершенствования во время при низких температурах эксплуатация автомобильного транспорта.

Ключевые слова: автомобиль, технических обслуживания, климат, температура, показатели, количество.

This paper provides designing methodical recommendations and using there results to improve traffic safety in transport.

Key words: car, traffic safety, traffic, traffic signs, dangerous site

чангларни тутиб қолувчи ускуна шу билан фаркланадики, корхонадаги мавжуд аспирация қувуридаги чанг оқимининг тезлигини ва чанг заррачаларининг қувур деворларига урилишини сўндиради, чангнинг ҳаво таркибидаги миқдорини камайтиради ва қуруқ майда чанг заррачаларни тутиб қолиш орқали чангларни тозалаш самарадорлигини оширади.

Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш цехларида майда заррачали чангларни ушлаб қолиш ускунаси сифатида фойдаланилади.

Тўлиқ тозаланмаган майда заррачали чангларни ушлаб қолиш, чангларни тозалаш самарадорлигини ошириш ва чангларнинг атроф муҳитга таъсирини камайтиради.

Адабиётлар:

1. Musayev M. N. Sanoat chiqindillarini tozalash texnologiyasi asoslari. Toshkent 2011 й. 498 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисба олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”.
3. Корхоналарда ҳосил бўладиган ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосидаги сифимини аниқлаш қўлланмаси. ОНД -86, Госкомгидромет Л., Гидрометеоиздат 1987 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.
5. СанПиН «Гигиенические нормативы. Перечень предельно-допустимых концентраций (ПДК) загрязняющих веществ в атмосферном воздухе населенных мест на территории РУз» Тошкент 2005 г.

Республикамизда автомобил транспорти ўсаётган шароитда автомобилларнинг ишлаш қобилиятини сақлаш, улардан хавфсиз ва самарали фойдаланиш учун алоҳида режали профилактик техник хизмат кўрсатишни иқлим шароитларига мос ташкил этиш керак бўлади.

Иқлим шароитларига мос техник хизмат кўрсатиш вазифаларига автомобилнинг муштақамлиги ва созлигини таъминлаш, ишлаш вақтини ошириш учун техник жиҳатдан мукамал техник хизмат кўрсатишни (таъмир, сақлаш ва б) таъминлашдан иборат.

Хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш техник даражаси қуйидаги факторларга боғлиқ:

- транспорт воситаларининг техник ҳолати;
- технологиянинг янгилиги;
- қўлланиладиган технологик воситаларнинг замонавийлиги (станоклар ва жиҳозлар);
- захира қисмлари билан таъминланиши;
- техник ходимларнинг тажрибаси ҳамда касбий тайёргарлиги;
- иншоотларнинг технологик ва қурилиши хусусиятлари:

- турли иқлим шароитларида хизмат кўрсатиш муҳитини яратиш.

Ҳар хил иқлим шароитларида ҳаракат хавфсизлиги, ташиш тезлигининг ошиши, транспорт воситаларининг ишлаш вақтини ошиши, автомобиллаштиришнинг зарарли таъсирини камайтириш (шовқин, ҳавони ифлосланиши) алоҳида аҳамиятга эга бўлган иш ҳисобланади.

Республикамизда автомобиллар соннинг ошиши автосервисни давлат миқёсида ташкил этишни тақозо қилади, яъни ўзини технология ва ишлаш кўрсаткичлари билан ажралиб турадиган ТХК станцияларини ташкил этиш керак бўлади.

Шунингдек, ҳар хил иқлим шароитларида хизмат кўрсатиш даврида кафолатли текшириш ва ростлаш операциялари ҳисобланиб янги автомобиллар ўсиш кафолат шартларида кўзда тутилган ва юрилган йўл билан боғлиқ бўлади. Кафолатли текширишга деталларни алмаштириш, завод кафолати КТХК ишларига автомобилларни ишлашини, ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи операциялар ташкил этади. Кафолатли хизмат кўрсатиш турлари автомобил учун юрилган йўлга нисбатан белгиланади ва қуйидагилардан иборат:

- 1500-2000 кмдан сўнг;
- назорат юриш ва умумий кўрик;
- двигателни эшитиб кўриш, клапанларни ростлаш;
- ўт олдириш тизимини ростлаш;
- таъминлаш тизимини ростлаш (корбюраторни, филтёрларни, киритиш ва чиқариш трубаларини текшириш, ёқилғи бакини текшириш, тирсақли вал айланишлар сонини салт юришга текшириш);

-цилиндрлар каллаги, чиқариш трубаларини маҳкамлаш, болтларини тортиш;

-вентелятор тасмаси таранглигини ростлаш;

-мой, совитиш суюқлиги, ёқилғи томишини текшириш;

-узатмалар қутиси ва орқа кўприк мойларини алмаштириш;

-муфта педалини эркин юриш йўлини текшириш, суюқлик идишдаги сатҳини текшириш;

-оёқ ва қўл тормозларини текшириш ва ростлаш ҳамда гидро юритмадаги суюқлик сатҳини текшириш;

-электр жиҳозларини ва аккумулятор батареялардаги электролит сатҳини текшириш;

-1500-2000 кмдан сўнг тезкор хизмат кўрсатиш;

-барча резбали бирикмаларини текшириш;

-шиналардаги ҳаво босимини текшириш;

-4000-5000 км юргандан сўнг техник хизмат кўрсатиш.

-аккумулятор клеммаларини текшириш;

-ойна тозалагични текшириш;

-ғилдирак олдинги подшипникларидаги тирқишни текшириш, олдинги осма шарнирлардаги резина қопламаларни ҳамда шарнирларни текшириш;

-рул механизми ва олдинги ғилдирак ўрнатилишини текшириш;

-барча резбали бирикмаларни текшириш;

-кулф ва илмоқларни текшириш;

-10000 км йўл юрилгандан сўнг:

-олдинги ғилдирак тормоз колодкаларини текшириш;

-йўрикнома бўйича ғилдиракларни алмаштириш;

-руль торткилари, олдинги осма шарнирларни уларнинг қопқокларини ҳолатини текшириш;

-аккумулятор клеммаларини текшириш;

-кузовни мукамал текшириш;

Шу ўринда турли иқлим шароитларида техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этишда технологик жараёнларни ташкил этиш учун Республика бўйича совуқ ва иссиқ иқлим шароитларини ўрганиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари ичида энг яхши иқлим шароитига эга бўлган ҳудудда жойлашган бўлиб, бунда совуқ шароитга эга бўлган кунлар узунлиги 120 кунни ташкил этади. Асосан 0⁰ дан - 5⁰С гача бўлган кунлар миқдори 70 кунни, -10⁰ -20⁰С гача бўлган кунлар сони 30 кунни, 0⁰ даги кунлар сони 20 кунни ташкил этмоқда. Бу эса йил бўйича 33% йил кунларига тўғри келади.

Совуқ иқлим шароити автомобилларни эксплуатация қилишни ташкил этишга, автомобилларни сақлашга ва уларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир курсатади. Бу ўз ўрнида ҳаракат таркибига ТХК ишларини

олиб боришга қийинчиликларни, иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига ва ишончлилик кўрсаткичларининг бузилишига олиб келади.

Шу мақсадда асосан автомобилларни очик шароитда сақлаш масаласи ҳозирги кунда, айниқса паст иқлим шароитларидаги ҳалатларда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун Республикамиздаги жойлашган шимолий ва жанубий ҳудудлар бўйича ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш лозим.

Асосан шу ҳаракат декабр, январ ва феврал ойларига тўғри келиши қиш фасли билан боғлиқлигидир. Лекин Республикамизда мўътадил ҳарорат ўзгаришлари Республикамиз шимоли ҳисобланган Қорақолпоғистон ва Хоразм вилоятларида паст ҳароратли кунлар сони декабр, январ ва феврал ойларига кўпроқ тўғри келади.

Албатта, паст ҳароратларда автомобилларни сақлашда муаммолар юзага келиши манбалардан маълум. Бундай ҳароратларда автомобил двигателини ишга туширишда ташқи паст ҳароратнинг таъсири ҳисобига қиздириш муддати 15-20% га ошишига тўғри келади.

Илмий тадқиқодлар шуни кўрсатадики, иқлим шароитлари фақат ҳароратга, қиш ҳавосидаги намлик даражасига, шамол тезлигига, куёш радиациясига ва босимга боғлиқлигини ҳам эътиборга олиш билан аниқ кўрсаткичлар ҳисобига амалга оширилиши талаб этилади.

Республикамиздаги баъзи вилоятларимизда йил давомида мўтадил ҳароратнинг ўзгариши манбалардан маълум. Бунга Қорақолпоғистон, Хоразм, Бухоро ва иссиқ шароит учун Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисол бўла олади.


Шу мақсадда Жиззах вилояти бўйича йил бўйи иқлим шароитининг ўзгариши туманлар кесимида Республикамиз бўйича энг баланд нуқта ҳисобланган Ғаллаорол тумани Хонимқўрғон ва Маржонбулоқ шаҳарчалари ҳудуди қишки мавсумда доимий совуқ иқлимни сақлаб туриш ҳудуди ҳисобланади, шунингдек Фориш тумани географик жойлашуви Айдарқўл ҳудудида бўлиб, шамол 20-30 м/с тезлигига эга бўлишлиги, ҳаво оқимининг совуқ тезлигини тезлаштириб беради ва совуқ кунлар миқдори ошишига сабаб бўлади. Бу ҳолатни қуйдаги мўтадил иқлим шароити бўйича келтирилган расмдан кўриш мумкин.

Мўтадил иқлим-бу мавжуд иқлим шароитида умум кўрсаткичлар таснифига таъсири.

Бундай иқлим кўрсаткичлар тўлиқ иқлим шароитини ёритиб, автомобил транспортини эксплуатация қилишга салбий таъсирини кўрсатади.

Мўтадил иқлим шароити таъсир доирасига қараб турли шароит ва шамол тезлигига боғлиқ тақсимланади. Бунда 20° С дан 45° С гача харо-

рат шамол тезлиги 5 м/с дан 30 м/с бўлган таъсир доираси ҳисобга олинади. Шу мақсадда совуқ шароит ҳисобига бу муҳитни тўртта ҳудудга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.



1-расм. иқлим шароитлари бўйича кунлар тақсимоти. 1-Ғаллаорол, 2-Жиззах, 3-Фориш

Биринчи зона-мўтадил совуқ иқлим шароити бўлиб, 1.6-2.2 балл гача ҳисобланади, бунда ҳарорат -20° гача пасаяди, шамол тезлиги 15-20 м/с ташкил этади.

Иккинчи зона-мўтадил иқлим 1.2-1.6 балл гача эга бўлиб, ҳаво ҳарорати -10-15°C гача пасаяди, шамол тезлиги 15-20 м/с ни

Учинчи зона-мўтадил иқлим 1.0-1.2 балл гача бўлиб, ҳаво ҳарорати 0°-10° С гача, шамол тезлиги 10-15 м/с ташкил этади.

Тўртинчи зона-мўтадил иқлим 0.8-1.0 балл гача ҳаво ҳарорати 0°-5° С гача, шамол тезлиги 5-10 м/с совуқ ҳаво ҳарорати 30 кун давом этади.

Шу ўринда Жиззах вилояти бўйича январ, феврал ойларида ўртгача ҳаво ҳароратининг тақсимоти:

-5 дан -10 гача - Ғаллаорол, Фориш, Жиззах, Зафаробод;

0 дан -5 гача - Жиззах, Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл, Бахмал, Зомин;

0 дан 5 гача - Зарбдор, Даштобод, Ш.Рашидов.

Юқоридаги совуқ шароит бўйича мўтадил иқлим шароитида автомобил транспортини сақлашга ва уларга хизмат кўрсатиш ишлари технологик жараёни меъёр талабларига жавоб бера олмаслигига асосий сабаблар камида 30 кун паст ҳароратнинг бўлиши шамол тезлигининг 10-15 м/с бўлиб туриши билан баҳоланади.

Ушбу мўтадил иқлим шароитида автомобил транспортини эксплуатация қилиш даврида техник ҳолат хусусиятларини сақлаб туриш, ТХК ва ЖТ даврида технологик жараёнларини бажаришда НИЗОМ талабларини бажариш учун ишлаб чиқариш бинолари талаб даражасида қайта лойиҳаланиши ва замонавий технологик жиҳозлар билан жиҳозлаш зарур.

Адабиётлар:

1. Автомобиллар техник эксплуатацияси. дарслик. проф. Сидикназарова К.М. -Ташкент: «VORIS-NASHRIYOT», 2008. -560 с.

2. Жиззах вилоят Транспорт бошқармаси маълумотлари 2017-2018 йиллар.

4 Крамаренко Г.О Паст иклим шароитларида автомобилларни сақлаш. Москва Т 1984 й.

4 www. Informavtodor.ru

УДК.629.3

А-98

ЎЗБЕКИСТОНДА АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ахмедов Зоҳид. Жиззах политехника институти

Маколада республикамизда автотранспорт хизматларини ривожлантириш ва такмоллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Бу борадаги ривожланиш дастурларининг аҳамияти ёритиб берилган.

Калиг сўзлар: автотранспорт хизматлари, автомобиль саноати, логистика тизими, йўл-транспорт инфраструктураси, йўловчи ташиш, юк ташиш.

В данной статье рассмотрены пути развития и усовершенствования транспортных услуг в нашей Республике. А также освещено значения программы развития этой сферы.

Ключевые слова: Автотранспортные услуги, Автомобильная промышленность логистическая система, дорожно-транспортная инфраструктура, перевозка пассажиров, перевозка грузов.

The article discusses the specific characteristics of development and improvement of autotransport services in our republic.

Keywords: autotransport services, automobile industry, logistic system, road-transport infrastructure, carrying passenger, transportation of cargo.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида автомобил хизматларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби транспорт хизматлари соҳасида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда ва мазкур соҳани ривожлантириш бўйича бир қанча муваффақиятларга эришиб келинмоқда. Автотранспорт хизматлари тармоқларини модернизация қилиш ва транзит салоҳиятини оширишга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиши мамлакатимизнинг халқаро транспорт коммуникацияларига интеграциялашувига хизмат қилмоқда.

Автотранспорт хизматларининг иқтисодий ривожланишидаги ўрнини аниқлаш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Г.А.Гольц, Л.Б.Миротин, С.Л.Головоненко, Е.П. Володин, Ф.М.Қосимов, Б.Ходжаев Т.Қодиров, З.Р.Акбарова, Б.Б.Холов, М.Н.Ирисбекова ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хизматлар бозори бу иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган, бозорнинг асосий субъектлари ҳисобланган сотувчилар, хизматларни амалга оширувчилар ва харидорлар ўртасида амалга оширилаётган олди-сотди муносабатлари тизими, механизми ва асосий иқтисодий айирбошлаш фаолиятидир. Олимларнинг фикрича¹ “Транспорт, ту-

ризм хизматлари, ҳам қатор ўзига хос хизмат турлари, масалан, инжиниринг, лизенциялар ва “нау-хау” ни сотиш, маданият, маориф каби хизматларни қамраб олган бозордир.

М.Н.Ирисбекованинг фикрича² “Хизмат кўрсатиш соҳасининг анъанавий таркибий қисмларидан бири - “транспорт хизматлари” иқтисодий категория бўлиб, у ўз таркибига барча турдаги юк ва йўловчилар ташувини ва бу жараёнга мувофиқ келувчи ёки ёрдам берувчи операцияларни қамраб олади”.

Автотранспорт хизматлари бозори бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга юкларни ташиш, транспортировка қилиш бўйича хизматларнинг олди-сотдисини ўзида тақдим қилади. Халқаро савдода етказиб бериш жараёни одатда ташишни, халқаро транзит ташишни ва импортер мамлакатнинг чегара пунктидан товарни истеъмол қилиш ички пунктигача транспортировка қилишни ўз ичига олади. Транспорт хизматлари кенг маънода бевосита ташувчилик фаолиятидан ташқари турли хил ҳамроҳлик қилувчи операцияларни: юкни жўнатувчининг омборидан энг яқиндаги юк терминалига етказишни, уни магистрал транспорт воситаларига юклашни, оралиқ пунктларда уни транспортнинг бошқа турларига қайта юклаш мамлакатимизнинг барча вилоятларига етказиб бериш, йилнинг диярли барча фаслида мева, сабзавот

¹М.Р.Отабоев, М.Х.Ёдгоров, В.И.Блистер, Р.Ф.Иброхимов. Бозоршароитида ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш. Тошкент, Мехнат, 1994. – 43 б.

²М.Н.Ирисбекова. Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. –Т.: ТДИУ, 2017.-84 б.

ва полиз экинларини ички бозорга арзон етказишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёв таъкидлаганидек¹, “Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда. Шу сабабли йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича дастурларнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш ҳамда уларга эришиш лозим. Якуний мақсад-иктисодиёт тармоқлари учун ишончли инфратузилмани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига қулай шарт-шароит яратиш беришдир”¹.

Автомобиль саноатини ривожлантиришни давом эттириш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 26 декабрида ПҚ-2698-сон қарор қабул қилинди. Ушбу қарор соҳа корхоналари учун кенг имкониятлар яратмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2017-2019 йилларда “Ўзавтосаноат” корхоналарида амортизатор, спидометр, автомобиллар учун резинотехник буюмлар, кичкина ва стационар батарея, радиатор, кондиционер ва шовқинни тўсувчи материаллар каби 30 турдан зиёд саноат маҳсулотлари маҳаллийлаштирилиши кўзда тутилган.

Соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Унда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш¹, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш; йўл инфратузил-

маси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш вазифаси белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда эътироф этиш керакки, автомобиль транспорти хизмати бозори ҳолатини баҳолаш, унинг ўзгариш истиқболлари ва тенденцияларини таҳлил этиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш, тармоқнинг узок муддатли стратегияси, унинг жорий сиёсатига беvosита таъсир этади ҳамда молиявий, иш кучи ва моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга ва уни ривожлантириш режасини ишлаб чиқишга асос бўлади.

Автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида инвестиция дастури доирасида Республика йўл жамғармасининг 1550000 миллион сўм маблағлари ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, у қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- умумий фойдаланишдаги халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш;
- хўжаликлараро автомобиль йўлларини таъмирлаш;
- шаҳар кўчалари, аҳоли пунктларига кириш ва ички йўллارни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;
- йўл хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш;
- қурилиш материалларининг инновацион турларидан ҳамда замонавий илғор технологиялар ва усуллардан фойдаланган ҳолда, автомобиль йўллари сифатини яхшилашни белгилувчи стандартларни такомиллаштириш.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва ривожлантиришни таъминлаш учун тармоқларга инвестициялар йўналтириш, унинг самарадорлигини ошириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Инвестициялар иқтисодиётнинг экстенсив ўсишини таъминлаш билан бирга, интенсив ўсишнинг асосий омилларидан бири ҳам ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш ва таркибий қайта қуриш билан боғлиқ инвестициявий сиёсатда мувофиқлаштириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек “Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики¹, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам

¹ Мирзиёв Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // “Халқ сўзи”, 2017 йил 15 январь

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-илловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Lex.uz.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Lex.uz.

инвестиция – бу иктисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иктисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.

Фикримизча, амалга оширилаётган чоратадбирлар тармоқда қуйидаги имкониятларни вужудга келишини таъминлайди: республикада автомобиль ишлаб чиқариш линияларини ўзлаштириш; замонавий технологияларни жалб қилиш; инвестицияларнинг республикага кенг миқёсда кириб келиши; “General Motors Uzbekistan” автомобилларини маҳаллийлаштириш даражасини ошириш; мамлакатдан четга валюта оқимини пасайтириш; вилоятларда логистика тизимини ислоҳ қилиш; юк ташиш ҳажминини янада ошириш учун ҳудудлараро ҳамда халқаро автомобиль йўллари тўлақонли реконструкция қилиш; йўловчи ташиш ва юк ташиш хизматларини кўрсатишда миллий ва халқаро белгиланган қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш.

Бизнингча юқорида келтирилган таклифларни амалга оширилиши мамлакатимизда транспорт хизматларини янада ривожлантириш, барқарор ўсишини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг соҳа хизматларига

бўлган талабини янада тўлароқ қондириш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Отабоев М.Р, Ёдгоров М.Х., Блистер В.И., Иброхимов Р.Ғ. Бозор шароитида ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш. Т.: Мехнат, 1994. – 43 б.

2. Ирисбекова М.Н. Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптимallasштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. –Т.: ТДИУ, 2017.-84 б.

3. Мирзиёв Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизим ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // “Халқ сўзи”, 2017 йил 15 январь

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Lex.uz.

6. Saaty T. 2008. Decision making with the Analytic Hierarchy Process. International Journal of Services Sciences. Available at: https://www.researchgate.net/publication/228628807_Decision_making_with_the_Analytic_Hierarchy_Process

7. [01.04.2016]

УДК 656.1

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Исломов Шерзод Эшқувватович, Халилов Абдулла Холматович

Жиззах политехника институти

Ушбу мақолада ҳозирги кунда республикаимизда долзарб бўлган йўловчи ташиш транспорти фаолиятни тартибга солиш орқали такомиллаштириш услублари бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: йўловчи, ташиш, транспорт, диспетчерлик хизмати, транспорт оқими.

Аннотация. В данной статье приводятся рекомендации по улучшению пассажирских перевозок, которые актуальны в нашей стране сегодня.

Ключевая слова: пассажир, перевозка, транспорт, диспетчерский служба, транспортный поток

Abstract. This article provides recommendations on how to improve passenger transportation operations, which are relevant in our country today.

Key words: passenger, transportation, transport, depot service, traffic flow.

Республикаимизнинг умумий транспорт тизимида йўловчилар ташишда алоҳида ўрин тутади, чунки мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми шаҳар атрофи ва туманларда истиқомат қилади, маълумки шаҳарлараро, шаҳар атрофи ва шаҳар ичида йўловчи ташишни марказ билан туман ва шаҳар атрофининг боғлаш катта аҳамиятга эгадир. Бу борада яқин йилларда бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилди, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ №4143-сонли қарори билан транспорт вазирлиги ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги

№238-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ№4230-сон қарори имзоланди [3].

Бу ўз навбатида транспорт тизимининг замон талабларига мос равишда ривожлантиришни ва транспорт алоқаларини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ№4230-сон қарори асосида “Йўловчи ва юк ташишни янада ривожлантириш” бўйича ишлаб чиқилган йўл харитасининг 1.2 бандида Транспорт, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Ички ишлар вазирликларига “Ташиш жараёнларини бошқариш бўйича дастурий таъминот ишлаши ва транспорт воситаларининг йўллардаги ҳаракатланиш тезлигини масофадан кузатиш, автотранспорт воситаларининг техник ҳолати ва сафар олди техник кўриқдан ўтганлиги ҳамда ҳайдовчиларнинг тиббий кўриқдан ўтганлигини назорат қилиш имкониятини берувчи электрон тизимнинг ягона минимал стандартларини тасдиқлаш” вазифаси юклатилган [1].

Бугунги кунда Жиззах вилояти бўйича қонуний талаблар асосида йўловчи ташиш билан шуғулланаётган автотранспорт корхоналари сони 54 тани, улар таркибидаги автобуслар сони 290 тани ва енгил автомобиллар сони 821 тани ташкил қилмоқда.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятда энг кўп йўловчи оқими Жиззах шаҳри ва шаҳар атофида жойлашган Шароф Рашидов туманига тўғри келмоқда. Шу сабабли бугунги кунда Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Транспорт назорати” департаменти фаолияти тугатилгандан сўнг, Жиззах вилоятидаги барча йўловчи ташиш корхоналарининг фаолияти ва йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракати фақатгина Транспорт вазирлигининг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан назорат қилинишини эътиборга олсак, амалда бошқарманинг ҳам туманларда ҳам Жиззах шаҳрида мониторинг назоратини олиб бориш имконияти чекланган.

Ҳозирги кунда шаҳардаги транспорт ҳаракати ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг ўзи томонидан назорат қилинмоқда. Натижада, транспорт ҳаракатидаги тартибсизликлар, хусусан, ҳайдовчини қатнов олди тиббий кўриқдан ўтмаслиги, ёки, куннинг биринчи қисмида бир ҳайдовчи тиббий кўриқдан ўтиб, йўлга чиқиши ва куннинг иккинчи ярмида

бошқа бир ҳайдовчи ўша транспорт воситасида йўловчи ташиш билан шуғулланаётган ҳоллар, автотранспорт воситасининг техник кўриқдан ўтмаслик ҳоллари ёки техник носоз ҳолда йўловчи ташиш билан фаолият юритаётган автотранспорт воситалари ва шунга ўхшаш бир қанча муаммолар учраб турибди. Бу эса ҳозирги мавжуд ҳолатни объектив баҳолаш имконини бермайди чунки ҳар бир корхона йўловчи ташиш жараёнидаги узилишларни табиий ҳолда яширишга интилади. Бу эса ўз навбатида, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

1-жадвал


Жиззах вилояти бўйича 2018 йилда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

№	Шаҳар ва туманлар номи	Йўловчи ташиш		Йўловчи айланмаси	
		Жами 2018 й. январ-декабр минг киши	2017 йил якунига нисбатан % ҳисобида	Жами 2018 йил январ-декабр минг йўловчи/км	2017 йил якунига нисбатан % ҳисобида
	Вилоят бўйича	83215,6	103,1	2262782,4	102,8
1	Арнасой	3411,8	103,1	90511,3	102,8
2	Бахмал	5575,4	102,9	153869,2	104,4
3	Ғаллаорол	8571,2	104,1	228541,0	100,8
4	Ш.Рашидов	12648,8	103,7	330366,2	102,8
5	Дўстлик	5658,7	102,8	156132,0	101,4
6	Зомин	4244,0	102,9	106350,8	102,8
7	Зарбдор	3994,3	102,6	101825,2	105,2
8	Зафаробод	6823,7	102,1	174234,2	101,5
9	Мирзачўл	2163,6	102,7	61095,1	102,8
10	Пахтакор	5242,6	104,4	138029,7	101,2
11	Фориш	5741,9	103,1	158394,8	100,0
12	Янгиобод	998,6	102,2	27153,4	102,8
13	Жиззах шах.	18141,0	102,5	536279,4	105,0

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун 1-шаклда келтирилгандек Жиззах вилоят транспорт бошқармаси қошида йўловчи ташиш транспорти фаолиятини ва сифатини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи марказий диспетчерлик хизматини ташкил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз [2].

Таклиф қилинаётган марказий диспетчерлик хизмати маъмурий жиҳатдан Жиззах вилоят транспорт бошқармасига бўйсинишини инобатга олсак, демак вилоятдаги барча йўналишларда амалга ошириладиган назорат бошқарма томонидан ўрнатилган бўлади ва йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат сифати кескин ошади.

Шу мақсадда Жиззах вилоятида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи транспорт воситаларини ҳаракатини тартибга солиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини, нақд пул тушумини ошириш, янги иш ўринларини яратилади.



1-шакл. Марказий диспетчерлик хизматининг ташкилий-ишлаб чиқариш тузилмаси.

Марказий диспетчерлик хизматининг асосий вазифалари:

- ташиш жараёнларини электрон бошқариш тизими орқали транспорт ҳаракатини тезкор мувофиқлаштириш;
- йўналишларга чиқарилаётган транспорт воситаларини мунтазам назорат қилиш;
- автобус, микроавтобус ва таксилар ҳаракатини мувофиқлаштириш;
- авария хизматини ташкил қилиш;

Марказий диспетчерлик хизмати шаҳардаги автобус, миттиавтобуслар ҳаракатини мунтазам равишда кун давомида ҳар бир маршрут (йўналиш) бўйича назорат қилади, мувофиқлаштиради, узилишларда тезкор чора кўради.

Иш режими 24 соатдан иборат бўлади иш тартиби навбатчи (смена) орқали ташкил этилади. шаҳар транспортини бошқариш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга асосан иш юритади, диспетчерлар ишини ташкил этади ва бошқаради.

Марказий диспетчерлик хизматида барча мавжуд такси ва автобус бекатлари бириктириб берилди.

Шаҳардаги йўналишларда ишлаган автобус ва миттиавтобуслар сони, бажарилган қатновлар (ҳар бир йўналиш бўйича), ташилган йўловчилар сони (ҳар бир йўналиш бўйича) ва х.к жамланиб борилади, таҳлил қилинади.

Автобусларда чипта (билет) сотиш тизими йўлга қўйилади.

Ойлик йўл чиптаси ташкил қилиниб сотилиши йўлга қўйилади.

Шаҳар ҳудуди бўйича қатновчи автобусларнинг 1 соатлик хизмат ҳақи шунингдек, енгил таксилар бўйича 1 км пуллик йўл ҳақи миқдори ишлаб чиқилади ва аҳолига маълум қилинади. (буюртмалар қабул қилиши учун).

Кундалик фаолият доирасида автошоҳбекатнинг диспетчерлик хизмати, темир йўллارнинг диспетчерлик хизмати Давлат автомобил назорати навбатчилиги бўлимлари билан мунтазам алоқада бўлади.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажариш учун транспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг диспетчерлик хизмати тезкор (оператив) равишда бўйсинади ва йўналишлардаги узилишларга, бузилишларга зудлик билан барҳам бериш чоралари кўрилади.

Буюртмалар қабул қилиш бўлимининг Иш вақти 24 соат қилиб белгиланади. Иш тартиби навбатчилиги (смена) орқали ташкил этилади.

Шаҳардаги барча автокорхоналар ва такси тўхташ бекатлари билан тезкор (оператив) равишда боғланиб аҳолидан тушаётган буюртма (заказ)ларни бажариш чорасини кўради. Автобус, миттиавтобус, енгил таксилар бўйича ишлаб чиқилган калкуляцияга мувофиқ буюртма (заказ) ларни амалга оширади уларга яқин ва қулай жойлардан транспорт воситаларини ажратади.

Буюртмаларни қабул қилиш бўлимида шаҳарнинг маҳаллалари кесими бўйича умумий харитаси, шаҳарлараро қатновчи автобусларнинг қатнов жадвали бўлиши, поездлар қатнов жадвали, самолётлар қатнов жадвали ва қатнов йўл кира нархлари бўйича малумотлар бўлиши шарт.

Марказий диспетчерлик хизмати фаолият доирасида шаҳарлараро қатновчи автобусларга, поезд ва самолётларга буюртма бўйича чипта сотишни ташкил этиб ва уни аҳолига етказиб бериш ташкил этилади.

Аҳолининг автобусларга, енгил такси ва микроавтобусларга бўлган эҳтиёжи куннинг исталган пайтида, уларга яқин жойдан, тез ва қулай ҳамда арзон амалга оширилади.

Кичик ҳажмдаги юк автомобиллари учун аҳолига қулай ва яқин жойдан буюртмалар қабул қилиниб зарур хизмат амалга оширилади. Шу ўринда ушбу диспетчерлик маркази таркибида бир қанча хизматлар ҳам ўз функцияларини амалга оширади. Шу хизматлардан бири авария хизмати бўлиб, бунда йўналишларда қатновчи транспортларда ва умуман бошқа транспорт воситаларида бўлган бузилиш носозлик ва бошқа ҳолатларда транспорт воситасини шатакка олиш, ортиб бориш, техник хизмат кўрсатиш, ва х.к. ишларини амалга оширади. Бунга шартнома асосида шунга ихтисослашган транспортга эга бўлган тадбиркорлар жалб этилиб ташкил этилади.

Диспетчерлик хизмати. Қатнов жадвалидан ярим соат олдин бошланади ва қатнов жадвали

яқунлангандан сўнг ярим соат кейин тўхтатилади.

Тўғридан-тўғри аҳоли гавжум бекатлар ва бошланғич ҳамда охириги бекатларда ташкил этилади. Йўналишда фаолият кўрсатаётган хар бир автобус ва миттиавтобуснинг хар бир қатнови, хар бир қатновда сотилган чипта миқдори, йўналишдаги ҳаракати, аҳоли билан ҳайдовчи ўртасидаги муносабат, ишнинг бошланиши ва яқунланиши, ҳаракат жадвалига риоя қилиниши мунтазам равишда назоратга олинади.

Ташиш жараёнларини электрон бошқариш хизмати. Ташиш жараёнларини бошқариш бўйича дастурий таъминот асосида фаолият олиб боради, транспорт воситаларининг йўллардаги ҳаракатланиш тезлиги, интервали, бекатларда тўхташ вақти масофадан кузатади, автотранспорт воситаларининг техник ҳолати ва сафар олди техник кўрикдан ўтганлиги ҳамда ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигини назорат қилади.

Марказий диспетчерлик хизмати ташкил қилиниши натижасида Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ№4230-сон қарори асосида ишлаб чиқилган “Йўловчи ва юк ташишни янада ривожлантириш” бўйича йўл харитасидаги 1.2 бандининг ижросини таъминлашга эришилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ№4230-сон қарори.
2. Халилов А.Х. Исломов Ш.Э. Жиззах шаҳрида йўловчи ташиш транспорти тармоғи ва маршрут тизимини тартибга солиш орқали такомиллаштириш. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш муаммолари. Республика миқёсидаги илмий-техник анжуман. Жиззах: ЖизПИ, 16-17 май 2014 й. 190-192 б.
3. www.lex.uz

УДК 656.1

ЭКСПЛУАТАЦИЯ ХИЗМАТ ТИЗИМИНИ АТК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНИКА БАЗАСИ ТАРКИБИДА БАҲОЛАШ

Адилов О.К. доц., Абдурахманов М.М., Хаққулов Б., Исломов Ш.
Жиззах политехника институти

Ушбу мақолада ишлаб чиқилган тавсиялар асосан автотранспорт воситаларини эксплуатация даврида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини оширишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: автомобиль, ҳаракат хавфсизлиги, йўл хавфсизлиги, йўл ҳаракат белгиси, хавфли участка.

В этой статье приведена разработка методических рекомендаций и применения их результатов в производстве в целях усовершенствования во время эксплуатация безопасности дорожного движения автомобильного транспорта.

Ключевые слова: автомобиль, безопасность движения, дорожное движение, знаки дорожного движения, опасный участок.

This paper provides designing methodical recommendations and using there results to improve traffic safety in transport.

Key words: car, traffic safety, traffic, traffic signs, dangerous site

Ҳар қандай маданиятнинг асосида, энг аввало, тартиб-интизом ётади. Тартиб-интизом ва инсон омили ҳар қандай тузилма учун энг муқаддас бурч деб қабул қилиниши керак 2018 йил 28 август Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти агентлиги ходимлари билан бўлиб ўтган маърузасида таъкидлаб ўтганди [1].

Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида, юқорида башоратлаш натижасида корхоналардаги транспортнинг хизмат даврийлиги ошиши билан унга хизмат кўрсатиш харажатлари ошиши, транспортнинг хавфсизлик даражаси йўқолиб бориши аниқланган, шу мақсадда АТ-Кларда техник хизмат кўрсатишнинг барча

ишлари транспортларнинг юқори техник тайёргарликларини таъминлаш учун ишлаб чиқариш техника базасига эга бўлиши автомобилларнинг йўлга чиқишида тартибсизлик ва техник носоз транспортларнинг эксплуатация қилиш олдини олган ва йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришга эришган бўлади шунингдек корхоналарда ёш ҳайдовчилар малақасини ошириш, уларнинг янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ва транспорт воситаларини бошқарув жараёнларини мукамал ўрганишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Энг аввало, бўлажак автомобиль ҳайдовчиларининг маҳорати талаб даражасида бўлишига эришиш учун, ўқув дастурида асосий эътибор

амалий машғулотларнинг савиясини оширишга қаратилади. Бунинг учун, дастлаб, ўқув хонаси ҳайдовчиларга назарий билим беришга мўлжаллаб жиҳозланиши, ҳайдовчиларнинг амалиёт ўташлари учун мослаштирилган майдонча жиҳозланиши лозим.

Ҳозирги кунда бирорта корхона таркибида ҳайдовчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича синф ёки курслар ҳамда ҳайдовчилар маҳоратини шакллантиришга ёрдам берадиган имитацион қурилма ёки махсус майдончалар мавжуд эмас. Шу мақсадда корхонада автотренажёр, амалий машғулот ўташ махсус майдончалари лойиҳаси ишлаб чиқилиши тавсия этилади. Автотренажёрларга асосан, имитациявий қурилмалар, компьютер тизими, автоматик бошқарув қурилмалари жамламаси киради.

Ҳайдовчилик маҳоратини синаш учун қурилиши лозим бўлган имитациявий моделлаштириш ёки майдончада турли йўл иншоотлари ва ўқув машқ тренажёрлари сунъий равишда барпо этилиши лозим. Лекин ҳар бир иншоот ёки тренажёр қурилиши олдида уларда ҳаракатланиши кўзда тутилган транспорт воситасининг хавфсизлигини таъминлаш назарий ва амалий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам дастлаб эгри-бугри, горизонтал бўлмаган нотекис ёки ғадир-будир йўл қисмларида ўқув транспорт воситасининг ҳаракатланиш режасини илмий асосда ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тавсия этилаётган имитацион майдонча йўлларида барпо этиладиган айрим сунъий иншоотларнинг ўлчамлари ва унда ҳайдаб ўрганишга мўлжалланган транспорт воситаларининг ҳаракатланиш режими қуйида берилган тартиб асосида ҳисобланиши керак [1].

Дастлаб лойиҳадаги эгри йўл участкасининг энг кичик бурилиш бурчаги аниқланади:

$$\theta = \arctg \cdot L/R, \quad (1)$$

бу ерда L-автомобил базаси; R-йўлнинг эгрилик радиуси.

Шундан кейин транспорт воситаларининг бурилиш ҳаракатланишдаги критик тезликлари қуйидаги шартлар бўйича аниқланади:

А) Бошқариш бўйича:

$$V = \sqrt{\sqrt{\varphi^2 - (f^2 / \operatorname{tg} \theta - f) \cdot g \cdot L \cdot \cos \Theta}}, \quad (2)$$

бу ерда φ - ғилдиракларнинг йўл билан ёнаки илашиш коэффициентини; f - ғилдирашга қаршилик коэффициентини.

Б) Ёнга сурилиш бўйича:

$$V_{\text{кр.ён}} = \sqrt{\varphi \cdot g \cdot R}. \quad (3)$$

Ҳисоблаб топилган (2) ва (3) миқдорлардан каттаси танлаб олиниб, автомобилнинг горизонтал йўллардаги тормозланиш кўрсаткичлари аниқланади:

-тормоз йўлининг узунлиги:

$$S_T = K_3 \cdot v^2 / 2\varphi \cdot g, \quad (4)$$

бу ерда K_3 - тормозланиш самарадорлигидан фойдаланиш коэффициентини.

Тормозланиш учун сарфланган вақт:

$$t_T = K_3 \cdot v / \varphi \cdot g. \quad (5)$$

Транспорт воситаларининг секинлашиши:

$$j_c = \varphi \cdot g / K. \quad (6)$$

Майдонда керакли машқларни бажаришга мўлжалланган автомобилларнинг асосий кўрсаткичлари аниқланди.

Транспорт воситаси энг йўта оладиган энг катта йўл қиялиги қуйидагича ҳисобланади:

$$i_{\text{max}} = M_{\text{emax}} \cdot U_{\text{ТР}}^2 \cdot \eta_{\text{ТР}} / G_a \cdot r_k - f, \quad (7)$$

бу ерда M_{emax} - тирсақли валдаги энг катта буровчи момент; $U_{\text{ТР}}$ - Тр-трансмиссиянинг узатишлар сони; $\eta_{\text{ТР}}$ - трансмиссиянинг фойдали иш коэффициентини (ФИК); G_a -автомобилнинг тўла оғирлиги; z -узатмалар сони.

Юқорида аниқланган миқдорлардан фойдаланган ҳолда, автомобилнинг қуйидаги динамик кўрсаткичлари топилади:

1) Ҳар бир узатмадаги энг катта ва жорий тезланишлар миқдорлари:

$$j_{\text{max}}^z = (C_i - b_i^2 / 4a_i) / m_a \cdot \delta_{\text{айл}} \quad (8)$$

$$j_a^z = (a_i \cdot V^2 + b_i \cdot V + c_i) / m_a \cdot \delta_{\text{айл}}, \quad (9)$$

бу ерда m_a - автомобил массаси; δ_a - инерцияни ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$$\delta_{\text{айл}}^y = 1 + \delta_1 \cdot U_{\text{ук}}^2 + \delta_2 \quad (10)$$

($\delta_1 = \delta_2 = 0,04$); a , ва q -динамиклик коэффициентлари.

$$a_i = - \left[\frac{10^3 \cdot N_{\text{emax}} \cdot \eta_{\text{ТР}} \cdot i_{\text{ТР}}^3 \cdot c_0 + K_b \cdot A_b}{\omega_e^3 \cdot r_k^3} \right];$$

$$b_i = 10^3 N_{\text{emax}} \cdot \eta_{\text{ТР}} \cdot i_{\text{ТР}}^2 \cdot b_0 / \omega_e^2 \cdot r_k^2; \quad (11)$$

$$c_i = (10^3 N_{\text{emax}} \cdot \eta_{\text{ТР}} \cdot i_{\text{ТР}} \cdot a_0 / \omega_e \cdot r_k -$$

$$-G_a (f \cos \alpha + \sin \alpha)),$$

бу ерда: $N_{\text{стах}}$ -двигателнинг энг катта қуввати; K_p -коррекция коэффициентини, $K_p = 0,95$; K_b -ҳавонинг қаршилик коэффициентини; K_r -ғилдирашдаги тезликни ҳисобга олувчи коэффициент; r_k ва r_g -ғилдиракнинг ғилдираши ва динамик радиуслари, r_k ва r_g ; A_b -автомобилнинг олдинги юза ўлчами a, b, c -ўзгармас коэффициентлар (карбюраторли двигателлар учун $a=b=c$).

$$V_N = 0,105 n_N \cdot r_k / U_{\text{ТР}}^2 \quad (12)$$

бу ерда: n_N -тирсақли валнинг номинал айланишлар сони;

2)Транспорт воситасининг энг катта тезлиги:

$$V_{\text{max}} = (-b_i \pm \sqrt{b_i^2 - 4a_i \cdot c_i} / 2a_i) \quad (13)$$

Транспорт воситасининг динамик омили:

$$D^2 = \psi + \delta_{\text{айл}} \cdot j_a^z / a, \quad (14)$$

бу ерда: Ψ -йўлнинг жами қаршилик коэф-фициенти:

$$\psi = \text{Sin} \alpha_x + f \cdot \text{Cos} \alpha_x \quad (15)$$

$$\alpha = \text{arctgi}_{\text{хак}} \quad (16)$$

бу ерда $\alpha_{\text{хак}}$ - йўлнинг лойиҳавий қиялиги.

4) Транспорт воситасининг автотренажёрдаги мураккаб йўл участкасидаги талаб этилган тортиш кучи:

$$F_T^z = G_a \cdot D^z + F_w = m_a (\psi + \delta_{\text{айл}} \cdot j_a^z) + K_b \cdot A_b \cdot V_{\text{жел}} \quad (17)$$

5) Автотренажёрда ҳосил қилинадиган тик сунъий тўсиқни енгиб ўтиш учун зарур бўладиган бўйлама куч:

$$F = G_a \sqrt{2r_k \cdot h_T - h_T^2} - (r_k - h_T), \quad (18)$$

бу ерда h - тўсиқнинг баландлиги.

$P_T > P_6$ шarti бажарилса, транспорт воситаси йўл тўсиқларини енгиб ўтишга қодир бўлади. Акс ҳолда тик тўсиқнинг баландлигини камайтириш керак бўлади [2].

Транспорт воситаларини бошқаришни ўрганиш майдончасида фойдаланиладиган транспорт воситаларининг эксплуатацион хусусиятларини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, транспорт воситаларининг турига қараб уларни баҳоловчи микдор ва сифат кўрсаткичлари кенг диапазонда ўзгариб туришини ўқув жараёнида баҳолаш орқали ўрганиш мумкин.

Транспорт воситаларининг эксплуатациявий хусусиятлари кўпроқ унинг ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, буларга тортиш ва тормозланиш динамикаси, юриш равонлиги, бошқарувчанлиги ва бошқалар қиради. Транспорт воситаларининг эксплуатациявий хусусиятларини тиклаш, уларга хизмат кўрсатиш масалаларини ҳал этиш учун ташхислаш, хизмат кўрсатиш постларини аниқлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири, кундан кунга транспортнинг техник ҳолатининг бузилиши ва диагностика ишлари бўлиб, техник хизмат кўрсатиш станцияларида бу масалани илмий асослашга чорлайди. Албатта, маълумки техник ҳолатининг бузилиши атроф муҳитга салбий таъсир ўтказди. Транспорт воситаларининг атроф-муҳит учун хавфлилиги нафақат унинг лойиҳавий тавсифномаларига балки унинг техник ҳолатига ҳам боғлиқ. Шунинг учун автомобил транспортининг эксплуатацияси даврида ёнилғи сарфига, чиқинди газ зарарли моддалари ташланмасига, шовқин даражаси ва ҳаракат хавфсизлигига таъсир этувчи агрегат ва узелларининг атроф муҳитни соғломлаштиришнинг муҳим йўналиши бўлиб, техник ҳолатини сақлаш ҳисобланади.

Мутахассислар тадқиқотлари натижасида илмий маънбаларда турли транспорт воситала-

рининг босиб ўтган йўлига нисбатан зарарли моддалар ташлаш микдорлари аниқланган, бунда диагностика қилиш жараёнида технологик жараёнлардан зарарли омиллар аниқланган [1].

Мавжуд технологик жараёнларнинг камчиликлар, технологик жиҳозларнинг етишмаслиги, технологик интизомнинг бузилишига, бажариладиган ишлар сифатининг пасайишига ва охир оқибатда ҳаракатдаги таркибнинг муддатдан олдин бузилишига ва носозликларига олиб

қилади. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида автотранспорт корхоналарида куйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- автотранспорт корхонаси ишлаб чиқариш техника базаси элементларининг параметрлари автомобил конструкциясига тўғри келмаслиги (Ҳаракатдаги таркибнинг ёки автотранспорт корхонаси фаолият турининг ўзгариши, лекин эски ишлаб чиқариш техника базаси билан янги турдаги автомобилларни эксплуатация қилиш);

- автотранспорт корхоналарида ишлатилаётган технологик жиҳозларнинг маънавий эскирганлиги;

- газ баллонли автомобилларнинг эксплуатацияси талабларига жавоб бермаслиги;

- технологик жиҳозлар билан таъминланганлик даражасининг етарли эмаслиги;

- автотранспорт корхоналарида замон талабларига мос равишда механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасининг етарли эмаслиги;

- ишлаб чиқаришни бошқариш, ишчи ўринлари ва ишлаб чиқариш ишчилари меҳнатини ташкил қилиш даражаси пастлиги;

- ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсири даражасининг юқорилиги.

Бундай шароитда техник базанинг бундан кейинги ривожланиши нафақат янги корхоналар қуриш ҳисобига, балки кўпроқ мавжуд корхоналарни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш ҳисобига амалга оширилиши лозим.

Олинган маълумотлар асосида транспорт воситаларининг атроф муҳитга таъсирини камайтиришнинг куйидаги тадбирлари ишлаб чиқилди:

- газодвигателлаштиришни 30%га ошириш;
- оғир йўл шароитида ишлайдиган транспортлар иш вақтини меёрлаштириш;
- жамоат транспортда йўл ҳақини 25%га камайтириш;
- жамоат транспорт воситаларининг масофаларини 25%га кўпайтириш;
- Хизмат кўрсатиш станцияларида атроф муҳитга таъсирини камайтириш;
- Хизмат кўрсатиш станцияларининг пост ва устахоналар майдонини қайта низом асосида

лойиҳалаш.

Хизмат кўрсатиш станцияларининг иш кўлами ва таснифи ўзида ишчи постларни жамлаган технологик майдончалар ўлчамларига боғлиқ. Шунинг учун станцияларни лойиҳалаш ишчи постларни аниқлашдан бошланиши керак. Қаров ишлари ҳисоби жараёнининг бир хиллигини ҳисобга олиб ўтказувчанлик қобилиятига асосланади.

Техник қайта жиҳозлаш корхонанинг умумий қувватини оширмасдан, илғор технологик жараёнларни, янги замонавий жиҳозларни, ишлаб чиқариш жараёнини ҳар томонлама механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини тадбиқ қилиш асосида, ишлаб чиқаришнинг ёки техник базанинг айрим элементларининг самарасини ва техник иқтисодий даражасини оширишга қаратилган тадбирлар мажмуасини бажаришни кўзда тутади [2].

Мисол учун тормоз самарадорлигини роликли ўлчаш ускунасини олиш мумкин, чунки у ҳар бир ўқдаги тормозлаш самарадорлигини ўлчаш, шунингдек газобаллонли двигателлар техник ҳолатини текшириш ва назорат қилиш имкониятини беради.

Юқоридаги натижалардан кўринадики, Технологик муаммоларни лойиҳалаш жараёнида зарур постлар сони ҳақида маълумотлардан ташқари, автомобиллар ўлчамлари геометрик

параметрлари, мўлжалланаётган технологик жиҳозлар ўлчамлари, хизмат кўрсатиш ва турли ишларни бажариш учун майдончалар, шунингдек техника хавфсизлиги талаблари ҳисобга олиниши экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Жойлардаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари фаолияти кучайтирилиб, бу борадаги ишларга раҳбарларнинг маъсулияти оширилган, маҳаллий бошқарув органлари, идора ва ташкилотлар, қолаверса, кенг жамоатчилик жалб қилинган ҳолдагина ҳаракат хавфсизлиги соҳасидаги умумий мақсадимизга эришамиз.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти агентлиги ходимлари билан бўлиб ўтган маърузаси. 2018 йил 28 август.

2. Адилов О., Абдуазизов Т., Хамракулов Х., Абдурахмонов Р. Автомобилларни бошқаришни ўрганиш майдончасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш. // «Замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммолари» Республика илмий-амлий анжумани тўплами. Жиззах 2004 й 212 б.

3. Абдуазизов Т., Усмонов С., Адилов О., Алибеков С. А. // Таълим муоммалари илмий-услубий журнал 2002 йил №1-2 88-89 б.

УДК 656.1

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХИЗМАТЛАРИГА БОҒЛИҚ ФАКТЛАР ВА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЕЧИМЛАРИ

Исломов Ш.Э., Хаққулов Б., Тураев Э., Умиров И.

Жиззах Политехника институти

Ушбу мақолада ишлаб чиқилган тавсиялар асосан ташиш даврида ташиш самарадорлигини, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини оширишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: *автомобил, ҳаракат хавфсизлиги, йўл хавфсизлиги, йўл ҳаракат белгиси, хавфли участка.*

В этой статье приведена разработка методических рекомендаций и применения их результатов в производство в целях совершенствования во время эксплуатация безопасности дорожного движения и перевозке автомобильного транспорта.

Ключевые слова: *автомобиль, безопасность движения, дорожное движение, знаки дорожного движения, опасный участок.*

This paper provides designing methodical recommendations and using there results to improve traffic safety in transport.

Key words: *car, traffic safety, traffic, traffic signs, dangerous site*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 17 августдаги “Шаҳар йўловчи ташиш транспортда очик тендерларни ўтказиш” ва 2018 йил 29 июлдаги “Шаҳарлараро, вилоятлараро ҳалқаро ва шаҳар ичида йўловчилар ташишни очик тендер орқали белгилаш” тўғрисидаги қарорлирига биноан пассажирларни ташишда ғолибни аниқлаш учун тендерлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Республикамиз халқ хўжалигининг бозор иқтисодига ўтиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши мамлакатимиз транспорт бозоридаги аҳволнинг йил сайин ўзгариб боришига олиб келди. Республикамизда долзарб бўлган ҳар хил товарлар ва хизматлар бозорида катта корхоналар монополияси билан рақобат қилишга, узок жойлардаги сарҳадларда, кичик шаҳарларда иқтисодий шароитни ва ижтимоий аҳволни яхшилашга, жойлардаги,

айниқса қишлоқлардаги меҳнат ресурсларининг кенгайишига, ишлаб чиқариш ва хизмат сфераларини истеъмолчиларга яқинлаштиришга, жойлардаги хом ашёдан кенгроқ фойдаланишга имкон яратади.

Мустақилликка эришгунча мамлакатдаги транспорт бозорида давлатнинг тармоқ ва соҳа корхоналарига тегишли транспорт – монополист сифатида гегемонликни эгаллаб турган бўлса, ҳозирги пайтда бу аҳвол тамоман ўзгариб, хусусий автомобилларнинг транспорт бозоридаги мавқеи ва улар томонидан кўрсатилаётган хизмат салоҳияти кундан кун юксалиб бормоқда.

Давлат транспортининг йўловчи йўналишларидаги мавқеи Республикамининг катта шаҳарларида сақланиб қолаётган бўлсада, вилоятлардаги кичик шаҳарларда ва шаҳар ёни йўналишларида ташкилий жиҳатдан тезкор, ҳамда бюрократик тизимлари ва ортиқча харажатлари бўлмаган шахсий транспорт давлат транспортини хизмат бозоридан сиқиб чиқармоқда.

Худди шундай Жиззах шаҳридаги транспорт бозорида ҳам хусусий транспорт йўловчи ташиш борасида гегемонликни эгаллаб олган. Шаҳардаги мавжуд 54 та автобуслар йўналишларининг барчасида, хусусий сектор хизмат кўрсатади. Ҳозирги кунда шаҳарда 44 та маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ), 1 та шўба корхонаси (ШК) ва 9 та кўп тармоқли хусусий фирмалар йўловчи ташиш билан шуғулланиб, жами 42 та йўналиш бўйича фаолият кўрсатади.

Шу билан бирга хусусий транспортларда ишдан олдинги назоратининг ўтказилмаслиги кўп ҳолларда уларнинг техник ҳолати талаб даражасидан пасайиб кетишига олиб келади, бу эса ўз навбатида йўллардаги ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда Жиззах вилоятидаги шаҳарлараро йўналишларнинг 30 автобус йўналишида, Жиззах шаҳрининг 29 йўналишида, шу жумладан 14 та автобус ва 14 йўналиш таксиси бўйича, йўловчиларга асосан хусусий автомобиллар фаолият кўрсатмоқда. Жиззах шаҳри кўчаларида жами 5056 автомобил, шу жумладан 250 автобус 2806 йўналиш таксиси ва 2000 энгил автомобиль таксилари аҳолига транспорт хизматини кўрсатмоқдалар. Бу автомобилларнинг 75-80 фоизига яқини янги ва замонавий автомобиллар ҳолос.

Республикамининг аҳолисига хизмат кўрсатаётган хусусий транспорт сектори фаолиятида қуйидаги баъзи камчиликлар, уларнинг хизмат сифатининг ва шаҳар кўчаларидаги хавфсизлигининг пастлигига сабаб бўлмоқда:

- транспорт воситалари аксарияти амартизация муддатини ўтаб бўлганлиги;

- уларнинг техник ҳолатини кунлик назоратини ташкил қилмаганлиги;

- уларнинг тўлиқ уюшган фаолият юритилмаётганлиги;

- ҳайдовчиларнинг малакаларининг ва тажрибаларининг камлиги;

- ҳайдовчиларнинг психик-физиологик ҳолатларининг назоратсизлиги;

- ҳайдовчиларнинг асосан фақат ўз фойдаларини ўйлашлари;

- миждозларга яхши шароит яратиш тўғрисида қайғуриш учун қизиқишларининг йўқлиги.

Значение амплитуд f начального прогиба $w_0(\alpha,\beta)$ в (18) принимаем:

$$f_{011} = 0,02 \pm 0,005;$$

$$f_{012} = f_{021} = 0,025 \pm 0,0075;$$

$$f_{022} = 0,015 \pm 0,0025 \text{ см.}$$

Удерживая в (15) и (17) по четыре члена из решения (2) находим значение кратковременной критической нагрузки для оболочки О-ЖЗ, которая составляет $q_{sh} = 0,22 \text{ МПа}$.

На рис. 11 приведен график изменения прогиба в центре оболочки во времени в зависимости от начального уровня длительного нагружения. Здесь также показано критическое время, за которое оболочка может разрушаться в зависимости от уровня нагружений и величины уровня нагрузки, который может быть безопасным на время эксплуатации оболочки.




Рис.11. Кривые роста прогиба в центре оболочки О-ЖЗ при длительном деформировании в зависимости от уровня длительного нагружения.

На рис. 12 приведены эпюры роста прогиба оболочки в середине и четверти их пролета в

зависимости от продолжительности загрузки при постоянных уровнях загрузок. Эти эпюры помимо оценки изменения прогиба оболочки во времени, дают возможность определить участки (зоны), в которых может начинаться разрушение оболочки.




Рис.12. Эпюры роста прогибов оболочки О-ЖЗ во времени при уровне загрузки $\eta=0,727$: а – в сечении $x=0$; б – в сечении $x=a/2$.

На рис. 13 приведены схемы образования и развития трещин в момент загрузки и при длительном наблюдении. Теоретические схемы образования практически полностью соответствовали экспериментальным данным для испытанной модели оболочек серии О-ЖЗ, как для внутренней, так и для внешней поверхностей.




Рис.13. Схема образования и развития во времени трещин в оболочке О-ЖЗ при $\eta=0,727$: + - трещины на внутренней поверхности; - - трещины на внешней поверхности.

На рис. 14 приведены схемы изменения напряжений в бетоне и арматуре в момент загрузки и при длительном наблюдении, которые характеризуют перераспределение усилий во времени и возможность разрушения оболочки в различных зонах по всей поверхности оболочки.




Рис.14. Изменение напряженного состояния по высоте (толщине) сечения оболочки $\eta=0,727$ в разном возрасте $t=$ а) в середине пролета 1-6; б) на расстоянии $1/4$ пролета от края оболочки.

Литература:

1. Абурашидов К.С. Колебания и сейсмостойкость металлических пространственных конструкций.// Маскан. Архитектура и строительство Узбекистана, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана, Туркменистана. 1991 - №3. – С.26 – 28.
2. Абовский. Н.П., Деруга А.М., Енджиевский А.В., Савенко В.И. прочность и колебания ребристых оболочек с учетом физической и геометрической нелинейности. – В сб.: Международная конференция ИАСС. Докл. – М.: Стройиздат, 1977. – С.7 – 13.
3. Арутюнян Н.Х. Некоторые вопросы теории ползучести. – М – Л.: Гостехиздат, 1952. – 324 с.
4. Авдонин А.С. Прикладные методы расчета оболочек и тонкостенных конструкций. – М.: Машиностроение, 1969. – 402 с.
5. Александров А.В., Лащеников Б.Я., Шапошников Н.Н., Смирнов В.А. Методы расчета стержневых систем, пластин у оболочек с использованием ЭВМ. /Под общей редакцией Смирнова А.Ф., ч.1 и2. – М.: Стройиздат, 1976.
6. Александровский С.В. Расчет бетонных и железобетонных конструкций на температурные и влажностные воздействия с учетом ползучести. – М.: Стройиздат, 1973. – 432 с.
7. Ахвледиани Н.В., Пушкарадзе Г.Н. Несущая способность составных железобетонных оболочек на плоском контуре. “Пространственные конструкции зданий и сооружений”. Исследования, расчет, проектирование; Сб.статей. Вып. 7. – НИИЖБ, ЦНИИСК. М. – 1991. – С.5-8.
8. Байков В.И., Дроздов П.Ф., Трифонов И.А. Железобетонные конструкции. Специальный выпуск. – М.: Стройиздат, 1976. – С.5-1216.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИОН ЖАРАЁН МОҲИЯТИ

Эгамов И.Ю., ката ўқитувчи; Қаршубаева Р.Ж., ката ўқитувчи;
Юсупов Э.И., талаба

Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири бу педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш ва инновацион ғоялар асосида дарс жараёнида таълим муаммолари сифатида тadbик этиш мумкин. дарс давомида индивидуал фаолиятли ёндашув ва бошқа ёндашувлар кўзда тутилган.

Одним из важнейших аспектов современного образования является достижение инновационного характера педагогической деятельности. Инновационные подходы к педагогической деятельности и инновационные идеи могут быть внедрены как проблемы обучения в классе. Во время урока представлены индивидуальные и другие подходы.

One of the most important aspects of modern education is the achievement of the innovative character of pedagogical activity. Innovative approaches to pedagogical activity and innovative ideas can be introduced as teaching problems in the classroom. individual and other approaches are provided During the lesson.

Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, Х.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок каби тadbикотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тadbик этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор билиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмунини ёритилган.

Моҳиятига кўра инновациялар муносабат ёки жараёнга янгилик киритишнинг динамик тизими саналади. Ўз-ўзидан тизим сифатида янгилик киритириш муносабат ёки жараённинг, биринчидан, ички мантигини, иккинчидан, киритилаётган янгиликнинг муайян вақт оралиғида изчил ривожланиши ва атроф-муҳитга кўрсатадиган ўзаро таъсирини ифодалайди.

Ҳар қандай инновацияда “янги”, “янгилик” тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Турли муносабат ва жараёнларга киритилаётган янгилик мазмунан хусусий, субъектив, маҳаллий ва шартли ғоялар тарзида намоён бўлади.

Хусусий янгилик муносабат, объект ёки жараёнга тегишли элементлардан бирини ўзгартириш, янгиланишни назарида тутати.

Субъектив янгилик маълум объектнинг ўзини янгилаш заруриятни ифодалайди.

Маҳаллий янгилик алоҳида олинган объект учун киритилаётган янгиликнинг амалий аҳамиятини тавсифлаш учун хизмат қилади.

Шартли янгилик эса муносабат, объект ёки жараёнда мураккаб, прогрессив янгиланишнинг содир этилишини таъминловчи маълум элементларнинг йиғиндисини ёритишга хизмат қилади.

Р.Н.Юсуфбекова инновацияларни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқишга эътиборни қаратади. Хусусан, педагогик инновациялар муаллиф томонидан таълим ва тарбия жараёнида аввал маълум бўлмаган, қайд қилинмаган ҳолат ёки натижага олиб

борувчи педагогик ҳодисанинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмунни эканлиги таъкидланади. Россиялик олимлар – А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, Н.П.Степанов ва б. эса инновацион жараён ҳамда унинг таркибий қисмларини ўрганишга эътиборни қаратган. Бу ўринда улар инновацион жараённинг ташкил этилишига нисбатан қуйидаги икки ёндашув мавжуд эканлигини эътироф этади:

1) янгиликнинг индивидуал микро даражаси (унга кўра қандайир янги ғояга амалиётга жорий этилади);

2) алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи микро даража (бу ўринда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирланиши, бирлиги, рақобати ва бирининг ўрнини иккинчиси томонидан эгалланиши аҳамиятли саналади).

А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов ва В.С.Толстойлар ўз тadbикотларида янгилик киритишнинг тизимли концепцияни асослашга уринган. Бу ўринда муаллифлар инновацион жараёнларнинг қуйидаги икки муҳим босқичини бир-биридан ажратиб кўрсатишди:

1. Янгилик сифатида намоён бўладиган ғояларни ишлаб чиқиш (м: корхона, ташкилот томонидан муайян турдаги маҳсулотни ишлаб чиқишнинг режалаштирилиши).

2. Янгилик (муайян маҳсулот)ни кенг қўламда ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ташкил этишда ўзига хос ёндашувлар кузатилади. Улар:

1. Гностик-динамик ёндашув (унга кўра педагоглар педагогик инновациялар, уларнинг турлари, яратилиши, амалиётга тadbик этилиши, хориж мамлакатларида яратилган илғор педагогик (таълимий) инновациялар ва уларни ўрганиш, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни изчил ўзлаштирадиган, ўз фаолиятларида педагогик инновацияларни фаол қўллаш борасидаги тажрибаларни ўзлаштирадиган).

2. Индивидуал фаолиятли ёндашув (бунда педагоглар ўзларининг индивидуал имкониятлари, қобилиятлари, тажрибаларига таянган ҳола амалиёт фаолиятда педагогик инновацияларни қўллашда муайян изчилликка эришадиган).

3. Кўп субъектли (диалогик) ёндашув (мазкур ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни ҳам-касбларнинг ўзаро, хусусан, кўп йиллик иш тажрибаси, касбий маҳорат ва тажрибага эга педагогларнинг фаолиятлари билан танишиш, уларнинг таълим инновацияларини самарали, мақсадли ва узлуксиз қўллашга доир тавсия ҳамда кўрсатмаларидан фойдаланишларини ифодалайди).

4. Инсонпарварлик ёндашуви (ушбу ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни қўллашда таълим олувчиларнинг имкониятлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини ёритишга хизмат қилади).

5. Индивидуал-ижодий ёндашув (унга кўра ҳар бир педагог фаолиятини ўрганилаётган мавзу, ўқув материалнинг моҳияти, шунингдек, ўз имкониятлари, салоҳияти, маҳорати, иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбия жараёнларини ижодий ишланмалар асосида ташкил этади).

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг аънавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

Моҳиятига кўра инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги такомиллаштирилган маҳсулотни яратишдан иборат.

Педагогнинг инновацион фаолияти қуйидагилар билан белгиланади:

- янгиликни қўллашга тайёргарлиги;
- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;
- ижодкорлиги.

Инновацион фаолият педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида БКМни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

М.Жуманиёзованинг эътирофи этишича, педагогик инновацион фаолияти қуйидаги **белгилар** асосида намоён бўлади:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш;
- ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

В.Сластениннинг фикрига кўра инновацион ёндашув қуйидагиларга эга бўлишни ифодалайди:

- ижодий фаоллик;
- фаолиятга янгилик (ўзгартириш) киритишга

технологик ва методологик жиҳатдан тайёргарлик;

- янги фикрлаш;
- юксак муомала маданияти.

Педагогик инновациялар тегишли соҳада ижобий ўзгаришларни содир этиш, сифат жиҳатдан юқори натижаларга эришиш мақсадида қўлланилади. Бу турдаги инновацияларни асослаш муайян босқичларда кечади.

Р.Н.Юсуфбекова педагогик нуқтаи назардан инновацион жараён тузилмаси.

1. Соҳада намоён бўлаётган янгиликни ажратиб кўрсатувчи блок (унда педагогикадаги янги ғоялар, педагогик янгиликларнинг таснифи, уларни асослашга хизмат қиладиган шарт-шароитлар, янгилик даражасини белгиловчи меъёрлар, педагогларнинг янгиликларни ўзлаштириш ва унан амалиётда самарали фойдаланишга тайёрликлари, аънавалар ва новаторлик ташаббуслари, соҳада янгиликларни яратиш босқичлари акс этади).

2. Педагоглар томонидан янгиликнинг идрок қилиниши, ўзлаштирилиши ва баҳоланиши ифодаловчи блок (унда педагогик жамоалар томонидан янгиликларнинг баҳоланиши ва ўзлаштирилиши – турли инновацион жараёнлар, консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамоаларнинг янгиликни идрок этиш ва баҳолашга тайёрликлари акс этади).

3. Янгиликдан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки (унда янгиликни амалиётга тадбиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш ходисаси рўй беради).

Бу ўринда М.М.Поташик томонидан эътироф этилган инновация жараёнлар моҳиятини ифодаловчи талқин алоҳида аҳамиятли эканлигини кўрсатиш ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонунияти аксарият педагогларда янги тафаккурнинг қарор топганлигини ва уларнинг инновацияларни амалиётга татбиқ этиш йўлида фаоллик кўрсатишларини тавсифлайди. Бу жараёнда дастлаб инновацион характер касб этган ғоялар янада илғор янгиликларни амалга ошириш йўлида тўсиқ бўла бошлайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997й., август.
2. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т. 1997.
3. Ўзбек халқ педагогикаси антологияси. Т. “Ўқитувчи”. 1995. 2 жилд. Т.: 1999.
4. Одоб бўстони- ахлоқ гулистони. Т. 1994.
5. Педагогика. (Т.А. Ильина таҳрири остида). Қўлланма. М. 1984.
6. Паҳлавон Махмуд. Рубоийлар. Т. 1979.
7. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т. 1996.
8. Педагогика. Курс лекции. М. 1984.
9. Тошмуродова Қ. Таълим-тарбияни режалаштириш хусусиятлари. Т. 1993.
10. Ёдоров Р. Оила тарбиясида отанинг ўрни. ТошДУ тўплами. 1996.
11. Узоқов Х., Ғозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. Т. 1992.
12. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма). проф. А. Зуннунов таҳрири остида. Т. 1997.
13. Ўзбегим. Ватан сериясидан. Т. 1992.
14. Ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика. Университетлар учун дастур. Т. 1996.

УДК.624.04.

ТАШҚИ ВА ИЧКИ БОСИМ ТАЪСИРИДАГИ ЁПИҚ ТОПОСФЕРИК ҚОБИҚЛАР УСТИВОРЛИГИ

Утегенова Гулзор, т.ф.н. (Қорақолпоқ давлат университети Ўзбекистан)


В статье содержится систематизированное изложение вопросов численных решений дифференциальных уравнений с частными производными. На основе соотношений описываемых срединной поверхности сферы и тора в параметрической форме определены значения первой и второй квадратичных форм срединной поверхности тороидальных оболочек. Для этого класса оболочек приведены численные решения задачи о геометрическом построении поверхностей составных оболочек и их параметризации, исследованы поля потери устойчивости, найдены критические значения нагрузок и анализированы формы потери устойчивости тороидальных резервуаров.

Ключевые слова: срединной поверхность; параметризация поверхностей; локальные свойства поверхности; сфера; тороидальная поверхность; тороидальная оболочка; критическая нагрузка; эллипсоид; устойчивость; число волн.

Ўзининг юк кўтариш қобилияти юқорилиги ва уни барпо этиш технологияси соддалиги билан цилиндр шаклидаги юққа қобикли конструкциялар халқ хўжалиги қурилишининг турли соҳаларда кенг қўлланиб келмоқда. Бугунги кунда икки томони сферик, конус, эллипсоид топосферик кўринишдаги қопқоқлар билан беркитилган турли хил сифимдаги цилиндрик резервуарлар газолдерлар ва силослар мавжуд бўлиб, уларнинг оптимал ечимларини топиш, конструктив ва параметрик жиҳатидан таҳлил қилиш асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Қуйида бундай геометрик шаклдаги қобиксимон конструкцияларнинг топосферик турининг ички босим таъсиридаги ҳолат учун устиворлик масаласи кўриб чиқилади. Суюқлик, газ ёки сочилувчан жисмлар сақланадиган резервуар, газолдер ва силослар ичидан, паст, ўртача ва юқори босимга эга бўлган таъсир ва юқларга ҳисобланади.

Қалинлиги t доимий бўлган топосферик қобик (1-расм) 2b баландлик оралиғида x - x горизонтал ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлади.



1-расм. Бу ерда R_s - сегмент радиуси

Топосферик қобикнинг AA' ва BB' кесмалари орасидаги сегментдан иборат. AB ва $A'B'$ кесмалари оралиғи радиуси R_t бўлган тороидаль эгри чизикдан иборат. Бир-бирига симметрик жойлашган тороидаль эгри чизиклар радиус марказлари O' ва O'' орасидаги масофани R_0 деб қабул қиламиз.

Сфера ва тороидаль параметрик шаклга эга бўлган қобик ҳам горизонтал x - x , ҳам вертикал y - y ўқ қорға нисбатан симметрик кўринишга эга бўлиб, сиртларни ташкил этувчи тенгламаларни қуйидагича белгилаймиз.

Сферик сирт учун:

$$\begin{aligned} x &= R_0 \cos x^2 \cos x^1; y = R_0 \cos x^2 \sin x^1; \\ z &= R_s \sin x^2 \end{aligned} \quad (1)$$

Тороидаль сирт учун:

$$\begin{aligned} x &= (R_0 + R_t \cdot \cos x^2) \cdot \cos x^1; \\ y &= (R_0 + R_t \cdot \cos x^2) \cdot \sin x^1; z = kR_t \cdot \sin x^2 \end{aligned} \quad (2)$$

Бу ерда x^1, x^2 - қобик сирти учун мос равишда x ўқи атрофида айланиш йўналиши ва ўқ қирқими йўналишлар бўйича йўналган координатлари.

Юқорида келтирилган (1), (2) боғланишлар асосида биринчи ва иккинчи турдаги қобиксимон сиртларнинг ўртача квадратик формаси учун қийматлари аниқланади.

Бу коэффициент ва Кристоффел аниқлаган тимсолларни биринчи ва иккинчи турдаги қобиксимон сиртлар учун тегишли бўлган қийматларни x, y, z ўқларига нисбатан x^1, x^2 ўзгартувчи асосида аниқлаймиз.

Сферик сиртлар учун:

$$\left. \begin{aligned} \frac{\partial x}{\partial x^1} &= 0; \frac{\partial y}{\partial x^1} = R_0 \cos x^2; \frac{\partial z}{\partial x^1} = 0 \\ \frac{\partial x}{\partial x^2} &= -R_s \sin x^2; \frac{\partial y}{\partial x^2} = 0; \frac{\partial z}{\partial x^2} = R_0 \cos x^2 \\ \frac{\partial^2 x}{\partial (x^1)^2} &= -R_s \cos(x^2); \frac{\partial^2 y}{\partial (x^1)^2} = 0; \frac{\partial^2 z}{\partial (x^1)^2} = 0 \\ \frac{\partial^2 x}{\partial (x^2)^2} &= 0; \frac{\partial^2 y}{\partial (x^2)^2} = 0; \frac{\partial^2 z}{\partial (x^2)^2} = 0 \\ \frac{\partial^2 x}{\partial x^1 \partial x^2} &= 0; \frac{\partial^2 y}{\partial x^1 \partial x^2} = -R_s \sin(x^2); \frac{\partial^2 z}{\partial x^1 \partial x^2} = 0 \end{aligned} \right\} (3)$$

Тороидаль сирт учун

$$\left. \begin{aligned} \frac{\partial x}{\partial x^1} = 0; \frac{\partial y}{\partial x^1} = R_o + R_t \cos x^2; \frac{\partial z}{\partial x^1} = 0 \\ \frac{\partial x}{\partial x^2} = -R_t \sin x^2 D; \frac{\partial y}{\partial x^2} = 0; \frac{\partial z}{\partial x^2} = k R_t \cos x^2 D \\ \frac{\partial^2 x}{\partial (x^1)^2} = -R_o + R_t \cos x^2; \frac{\partial^2 y}{\partial (x^1)^2} = 0; \frac{\partial^2 z}{\partial (x^1)^2} = 0 \\ \frac{\partial^2 x}{\partial (x^2)^2} = 0; \frac{\partial^2 y}{\partial (x^2)^2} = 0; \frac{\partial^2 z}{\partial (x^2)^2} = -k R_t \sin x^2 \\ \frac{\partial^2 x}{\partial x^1 \partial x^2} = 0; \frac{\partial^2 y}{\partial x^1 \partial x^2} = -R_t \sin x^2 D; \frac{\partial^2 z}{\partial x^1 \partial x^2} = 0 \end{aligned} \right\} (4)$$

бу ерда $D = x^2$ координаталар ўқи йўналиши бўйича бўлақлар қиймати.

Топосферик қобиклар устуворлиги икки сферик ва тороидиал турлар бўйича икки ҳолатда таҳлил қилинади.

Биринчи ҳолат бўйича сферик сиртнинг радиуси R_s ва қобик баландлиги $2b$ айланиш ўқи йўналиши бўйлаб ўзгармайди, R_t , R_o ва бурчак γ_t геометрик параметрлари ўзгариб бориб тороидиал белбоғли қобикни ҳосил қилади.

Иккинчи ҳолатда эса R_t , R_o геометрик параметрлар ўзгармас деб қабул қилинади ва R_s ҳамда қобик баландлиги $2b$ маълум кетмакетликда ўзгариб боради. Ҳар икки ҳолатда тороидиал ва сферик сиртлардан ташкил топган қобик сиртлар бир-бири билан туташган кесимларда бир хил эгри чизиқлар билан бирлашган деб қабул қилинади.

Тороидиал ва сферик сиртлардан ташкил топган торосферик қобикнинг геометрик параметрлари аниқ бир нисбатларда қабул қилинади, ҳосил бўлган торосфералар ўқ чизиғига нисбатан эллипсоид шаклидаги қобикларнинг

шунга ўхшаш геометрик параметрларидан кам фарқ қилади.

Бундан мақсад, торосферик ва эллипсоидсимон қобиклар учун критик куч қийматларини таққослаш ва натижани таҳлил қилиб, содда-лаштиришдан иборат.

Шу боисдан, торосферик қобик ўрта чизиғига нисбатан баландлиги қуйидаги кўринишда аниқланади:

$$b = R_o - (R_o - R_t) \sin \gamma_t \quad (5)$$

ва торосферик қобикнинг эллиптиклик шarti $K_{усл} = b/a$ нисбатанда танланади. Бундан

$$a = K_{усл} \cdot b, \text{ бу ерда } \gamma_t = \arccos \left(\frac{R_o - R_t}{R_s - R_t} \right).$$

$$a = R_o + R_t.$$

Х.М. Муштарининг эллипсимон қобиклар учун ташқи ва ички босимнинг критик қийматларини аниқлаш учун таклиф этган формулаларини танлаймиз.

$$\text{ташқи босим учун } q_{кр} = 1,21 \frac{Et^2 b^2}{a^4}; \quad (6)$$

$$\text{ички босим учун } q_{кр} = 1,21 \frac{Et^2}{a^2 - 2b^2} \quad (7).$$

Масалан ташқи босим учун $R_s/t = 200$; $b/t = 26,80$ бўлганда, қобик қалинлиги $t=1$ см деб қабул қилсак $R_s = 200 \cdot t = 200 \cdot 1 = 200$ см ва $b = 26,80 \cdot 1 = 26,8$ см қийматларига эга бўламиз. $R_t/t = 200$ бўлганда $R_o = 489,8 \cdot t = 489,8$ см. Қобик узунлиги $a = R_o + R_t = 489,9 + 200 = 689,9$ см бўлади.

1-жадвал

Геометрик параметрлар		Ташқи босим (юк)нинг критик қийматлари					Локал шаклидаги пачакланиш жойлари
R_s/t	b/t	$q^{кр} \cdot 10^6 / E(n)$	$q_s^{кр} \cdot 10^6 / E$	$q_x^{кр} \cdot 10^6 / E$	$q_y^{кр} \cdot 10^6 / E$	$q_z^{кр} \cdot 10^6 / E$	
200	26,80	15,40 (3)	30,25	22,99 (3)	38,40	20,0	
100	36,75	69,20 (7)	121,0	94,38 (7)	72,20	70,78	
90	40,00	87,07 (8)	148,82	116,23 (8)	85,54	99,23	
80	45,85	119,82 (14)	189,04	148,4 (10)	109,95	164,10	

2-жадвал

Геометрик параметрлар		Ташқи босим (юк)нинг критик қийматлари				Локал шаклидаги пачакланиш жойлари
R_s/t	b/t	$q^{кр} \cdot 10^6 / E(n)$	$q_s^{кр} \cdot 10^6 / E$	$q_x^{кр} \cdot 10^6 / E$	$q_y^{кр} \cdot 10^6 / E$	
2000	268	0,151 (15)	0,302	0,384	0,200	
1000	367,5	0,692 (25)	1,210	0,722	0,707	
900	400	1,205 (35)	1,488	0,855	0,992	
800	458,5	1,148 (35)	1,890	1,099	1,640	

3-жадвал

Геометрик параметрлар		Ташқи босим (юк)нинг критик қийматлари			Локал шаклидаги пачакланиш жойлари
R_s/t	b/t	$q^{кр} \cdot 10^6 / E(n)$	$q_s^{кр} \cdot 10^6 / E$	$q_x^{кр} \cdot 10^6 / E$	
2000	268	1,695 (67)	3,642	1,897	
1000	367,5	4,809 (72)	5,882	5,766	
900	400	5,625 (82)	7,765	9,008	
800	458,5	6,325 (90)	18,759	27,999	

Амалиётда пўлатдан тайёрланган турли хил сигимга эга бўлган қобиклар кўп учрайди. Шу боисдан торосферик қобик ичидан ва ташқи сиртдан таъсир этадиган критик кучлар қиймати:

пўлат учун эластиклик модули $E = 2,06 \cdot 10^4$ МПа бўлганда:

ички босим учун

$$q_{кр} = 1,21 \frac{E \cdot t^2}{a^2 - 2b^2} =$$

$$1,21 \frac{2,06 \cdot 10^4 \cdot 1^2}{689,9^2 - 2 \cdot 26,8^2} = 0,0525$$

ташқи босим учун

$$q_{кр} = 1,21 \frac{E \cdot t^2 \cdot b^2}{a^4} =$$

$$= 1,21 \frac{2,06 \cdot 10^4 \cdot 1^2 \cdot 26,8^2}{689,9^4} = 7,903 \cdot 10^{-5}$$

Торидиал ва сферик қобиклардан ташкил топган турли хил сигимга эга бўлган конструкциялар учун критик куч қийматлари 1, 2, 3 – жадвалларда келтирилган.

Хулоса, таҳлиллар шуни кўрсатадики, эллипсоидсимон қобиклар сиртидан критик босим остида қобикнинг қарама-қарши томонларидаги қутбларида маҳаллий пачақланиш ҳолатлари пайдо бўлади.

Эллипсоидсимон қобикларнинг вертикал ва горизонтал ўқлари томонида турган қутбларининг бош эгриликлари бир хил бўлганлиги сабабли, сферик қобикларга яқин бўлгани учун, критик босим ҳам сферик қобикларга бўлгани каби аниқланади. $R_t < R_s$ бўлганда торосферик қобикнинг горизонтал ўқининг ҳар иккала учида турган қутблари ички критик босим қийматидан ошиши билан босим қиймати $a > \sqrt{2}b$ бўлганда қобикнинг экватор чизиғи худудида халқасимон сиқувқи зўриқиш вужудга келади. Бундай зўриқиш натижасида айнан шу худудда қобик ўз устуворлигини йўқотади. Шу боисдан эллипсоидсимон қобик х-х ўқи учларидаги қутларининг сферик сирт билан туташган кесими таянч элементга бикир қилиб маҳкамланиши лозим.

Торосферик қобик горизонтал ўқ (х-х) и бўйлаб (у-у) ўқининг Δa бўлақларининг

$0 \leq x^2 \leq \frac{\pi}{2}$, кесимларида қобикнинг умумий ва маҳаллий устуворлиги таҳлил қилиб чиқилди.

Таҳлил ишончилигини таъминлаш мақсадида x^2 координатаси бўйлаб таъсир этувчи ички ва ташқи босим. Маълум бир Δq интервал ораликларида ўрганилиб критик босим қийматлари аниқланиши мумкин.

Торосферик шаклдаги қобикнинг геометрик параметрлари $R_0/t = 48,98$ ва $R_i/t = 20,0$ бўлиб, қобик сиртидан ташқи босим таъсир этганда

R_0/t қиймати камайиб бориши билан критик куч қиймати ва қобик сиртида ҳосил бўладиган вертикал кесимлардаги тўлқинсимон халқалар сони (n) ортиб боради. Сферик сирт радиуси R_0 ва қобик баландлиги $2b$ кичраиб бориши билан ҳам критик куч қиймати ва қобик сиртида ҳосил бўладиган халқасимон тўлқинлар сони ҳам ортиб боради. Олинган назарий ва амалий таҳлил натижаларига кўра торосферик қобиклар маҳаллий устуворлигини йўқотган кесимлари қобикнинг сиртки томонидан тасмасимон пўлатлар билан кучайтириш керак.

Геометрик параметрлари $R_0/t = 48,98$ ва $R_i/t = 20,0$ бўлган торосферик қобикга ички босим таъсир этганда сферик сирт радиуси R_s камайиши ва баландликнинг b қиймати ортиши билан торосферик сиртнинг х-х ўқи бўйича қутблари торайиб критик куч қиймати ва тўлқинлар сони (n) ортади.

Торосферик қобикларда ҳосил бўладиган бундай кучланганлик ҳолатининг ҳарактерли томони шундан иборатки, қобикқа таъсир этувчи ташқи критик босим сезиларли даражада катта қийматга эга бўлади.

Адабиётлар:

1. Бушнелл Д. Симметричное и несимметричное выпучивание эксцентрично подкрепленных оболочек вращения при конечных прогибах// Ракет.техника и космонавтика. -1967. –Т.5. –№8. –с.95-104.
2. Гайдайчук В.В., Гонулак Е.А., Гуляев В.И. Нелинейная устойчивость тороидальных оболочек переменной толщины при действии внешних давления// Изв. АН СССР. Сер. Механика твердого тела. -1978. –№3. –с.107-113.
3. Гольденвейзер А.Л. Теория упругих тонких оболочек. – 2-е изд., испр. И доп. – М.: наука, 1976. – 512с.
4. Григolloк Э.И., Кабанов В.В. Устойчивость оболочек. – М.: наука, 1978, -359 с.
5. Гуляев В.И., Бажеков В.А., Гоцуляк Е.А. Устойчивость нелинейных механических систем. – Львов: Выща ик., 1982. – 154с.
6. Михайленко В.Е., Обухова В.С., Подгорный А.Л. Формирование оболочек в архитектуре. –К.: Будівельник: 1972. -206с.
7. Мяченков В.И., Григорьев И.В. Расчет составных оболочечных конструкций на ЭВМ: Справ. –М.: Машиностроение, 1981. -216с.
8. Фиников С.П. Теория поверхностей. –М.: Л.: ОНТИ, 1934. –200с.
9. Ory H., Wilerck E. Stress and stiffness calculation of Thin-Walled Curved Pipes with Reallstil Boundary Conditions Being Loaded in Plane of Curvature// Int. J. Pressure Vessels Pipes. – 1983. – Vol.12. - №3. –P.167-198.
10. Қосимов Т.Қ. Варақли пўлат конструкциялар.
11. ШНҚ 2.03.05-13. Пўлат конструкциялар лойиҳалаш меъёрлари. Тошкент 2013. 174 бет.

ГАДАЕВ АБРОР НИЯЗОВИЧ –60 ёшда



Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг “Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” кафедраси профессори 60 ёшга кирди. Гадаев Аброр Ниязович сув ресурсларини барқарор бошқариш ва сув манбаларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро тоифадаги эксперт, етук педагог

ва олим сифатида танилган. Агар олимнинг ҳаёт йўлига бир назар соладиган бўлсак уни серқирра инсон эканлиги ҳам ўзига ҳам шогирдларига талабчан устоз, ҳамда меҳрибон оила бошлиғи.

Гадаев Аброр Ниязович техника фанлари номзоди, профессор в.б. 1959 йил Самарқанд вилояти, Нарпай туманида туғилган. 1977 йил шу тумanning 8-ўрта мактабини аъло баҳоларга тугатиб Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига ўқишга кирган. Аъло билими, интилувчанлиги ва ташкилотчилигини ҳисобга олиб 3-курсдан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги келгусида бўлажак тадқиқотчи-педагог тайёрлаш мақсадида Украинанинг Киев муҳандислик-қурилиш институтига йўллади ва 1983 йил Киев муҳандислик-қурилиш институтини “Сув таъминоти ва канализация” мутахассислиги бўйича тугатган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўлланмаси бўйича Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг “Сув таъминоти ва канализация” кафедраси ассисенти лавозимида иш бошлади. Илмга қизиқиш ва устози профессор Анатолий Михайлович Тугай дан олган дарслари уни яна Киев шаҳрига бошлади ва 1988-1991 йилларда Киев муҳандислик қурилиш институтида мақсадли аспирантурада ўқиди. 1991 йил октябр ойида муддатидан олдин 05.23.04 “Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш” ихтисослиги бўйича “Артезиан қудуқлари дебити селектив таъсир кўрсатадиган реагентлар ёрдамида тиклаш” мавзусида номзодлик диссертациясини Киев шаҳридаги муҳандислик-қурилиш институтининг ихтисослашган кенгашида ҳимоя қилган. 1991 йил декабрдан яна иш фаолиятини СамДАҚИнинг “Сув таъминоти ва канализация кафедрасида давом эттирган, йилдан шу кафедра дотценти, 2004-2008 йиллар СамДАҚИнинг “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” кафедраси мудири, 2009-2010 йилларда АҚШнинг Рамапо коллежи профессори, 2010-2013 йилларда СамДАҚИ халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, 2013-2018 йиллар институтнинг академик лицей ва касб ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор лавозимида ишлаган. Аброр Ниязович Гадаев рус, инглиз тилларини **мукаммал (дарс ўтиш даражасида)** билади. **У бир қанча халқаро грантлар соҳиби, булар қаторига:** АҚШ нинг CRDF (2003 й) Америка сув ресурслари ассоциацияси уюштирган халқаро сув анжумани (Сан-Диего, Калифорния)да маруза қилган. 2005йил Ўзбекистон Республикаси Президентини “Истеъдод” жамғармаси гранти асосида Хитойнинг Шанхай Университетида информацияцион технологияларни амалий тадқиқотларда қўллаш бўйича маляка оширган, 2006 йилда АҚШнинг Атроф муҳит Агентлиги гранти асосида Массачусетс штатида “Ичимлик сувлари дезинфекцияси” бўйича халқаро анжуманда қатнашган ва маруза қилган. 2007йил

Франциянинг Париж шаҳрида ЮНЕСКОнинг Сув муаммолири симпозиуми, 2010 Испаниянинг Андалусия халқаро Университетида халқаро анжуманларда маруза қилган. 2010 йил нояб-декабр ойлари Япониянинг JICA агентлиги гранти асосида Покистоннинг Исломобод шаҳрида ташкил қилинган ўқув семинарда қатнашган. 2009-2010 ўқув йилида АҚШ ҳукуматининг Фулбрайт фонди гранти асосида АҚШнинг Нью Жерси штати Рамапо коллежида талабаларга “Сув ресурслари” фанидан дарс берган. Шунингдек Швециянинг халқаро сув институти грантлари асосида 2008, 2010, 2011, 2013 йилларда Жаҳон сув ҳафталикларида қатнашиб маруза қилган. 2012-2016 йиллар давомида “Сув ресурсларини барқарор бошқариш бўйича магистратура дастурини ишлаб чиқиш” мавзусидаги Европа Иттифоқи-Ўзбекистон халқаро TEMPUS UZWATER Ўзбекистон – Европа Иттифоқи халқаро грант лойиҳасининг миллий координатори **бўлиб, 2012 йил якунлари бўйича таълим тизимига хорижий инвестиция киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мукофоти**га сазавор бўлган

Ҳозирда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг “Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” кафедраси профессори лавозимида, TEMPUS UZWATER Ўзбекистон – Европа Иттифоқи халқаро грант лойиҳасининг миллий координатори, СамДАҚИ қошидаги “Сув ресурсларини барқарор бошқариш” Миллий маркази директори лавозимларида ишлаб келмоқда. Профессор А.Н. Гадаев АҚШ, Тожикистон давлатлари фахрий профессори ҳисобланади. Бундан ташқари Республикадаги қатор олий таълим муассасаларида ҳамкорлик ишларига катта улушини кўшиб келмоқда. Улар қаторига Қорақалпоғистон давлат университети, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети ва Жиззах политехника институтларини киритиш мумкин. Ушбу ОТМларида “Маҳорат дарслари” ўтиб, халқаро ҳамкорлик ишларини ривожлантиришнинг фаолларидан ҳисобланади.

Гадаев А.Н. сув манбалари, сув ресурсларини барқарор бошқариш ва Марказий Осиё экологик муаммолари ечимлари бўйича 120 дан зиёд илмий мақолалар, 2 та дарслик, 4 та ўқув қўлланмаси 2 та монографиялар чоп этган. Муаллифнинг битта халқаро **Disaster by Design: Aral Sea Sustainability and its lessons** номли монографияси АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Япония ва Сингапур давлатларида чоп этилган. Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи йўналишининг бакалавр, магистр талабаларига табиий сув манбалари, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сув қабул қилиш иншоотлари, гидрология ва бошқа махсус фанлардан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб боради. Кафедрада таянч докторантнинг илмий раҳбари. Шунингдек сув таъминоти, сув ресурслари, экология ва бошқа махсус фанлардан инглиз тилида дарс ўтадиган мутахассис.

Гадаев Аброр Ниязович ўрнатилган бўладиган оила бошлиғи, ўғилу-қиз фарзандларининг меҳрибон отаси ва набираларнинг бобоси. Маҳаллада, шаҳарда, шунингдек институт миқёсидаги жамоатчилик тадбирларида фаол иштирок этади. Юқори кўрсаткичлари натижалари бўйича “Йилнинг энг яхши педагоги”, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг ва институтнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Халқаро сертификатлар соҳиби, АҚШ профессори ва Тожикистон Республикаси фахрий профессори дипломларига эга.

МУНДАРИЖА

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ
СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

Eshqobilov Sh.A., Nurmatov P.A., Mirzayev M.H., Raxmonov B. Qurilish jarayonlarining biosferagata'sirlari	3
Базаров Д., Уралов Б. К., Таджиева Д. О. Влияния гидроабразивного износа деталей насосных установок на эксплуатационные характеристики водоподъемных насосных станций	5
Уралов Б. Р., Таджиева Д. О., Дехканова Н. Т., Вохидов О. Марказдан қочма насоснинг сув сарфига таъсир қилувчи омилларни ҳисоби	11
Лесов К. С., Таджибаев Ш. А., Кенжалиев М. К. Технология укрепления откосов земляного полотна железных дорог из песчаных грунтов с применением геосинтетических материалов	15
Гадаев А. Н., Ганиева Д. У., Алибекова Н. Сув қабул қилиш иншоотларидаги қудуқлар дебитини ўзгаришида ички ва ташқи омиллар таъсирини ўрганиш	18
Халилов Н., Урақова Н. Автомобилларни ювиш ва техник хизмат кўрсатиш корхонасидан чиқаётган оқова сувлардан қайта фойдаланиш жараёнлари тўғрисида умумий маълумот	21
Мусаев Ш. М., Саттаров А. Умягчение состав воды с помощью реагентов	23
Мирзаев А. Б., Ибрагимова А. Х. Сув таъминоти тизими ҳамда сув сақлаш сифимларидан фойдаланишдаги ишончлиги ва вазибалари	26
Xalmanov A.T., Aymatov R.R., Omonqulov O.X., Xudayqulov A. Lazerlar va ularning issiqlik texnikasida qo'llanilishi	27
Sirojiddinov O'., Safarov I., SHodmonqulov M.T. Shahar lift xo'jaligini avtomatlashtirishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalaniш	30
Хотамов А., Улуғова Б. Директорли антенна қурулмалари	33
Мирзабеков М. С. Автомобиллар динамик параметрларига йўл элементларининг таъсирини баҳолаш ..	35
Худайкулов Н. Ж., Карабеков У. А. Геодезик тўр барпо этишда GPS приёмникларининг ўрни ва аҳамияти	38
Тошматов Н. У. Возможности использования экологически чистых альтернативных источников энергии	40
Мансурова Ш. П. Использование альтернативных источников энергии в зданиях	42
Тошматов Н. У., Мансурова Ш. П. Возможности использование сточных вод заводов по переработки плодоовощных продуктов для орошения сельскохозяйственных полей	44
Турсунов М., Улугбеков Б., Саттаров А. Қуёш энергияси ёрдамида иссиқ сув билан таъминловчи қурилмасининг таҳлили	46
Хажиматова М. М., Саттаров А. Экологик таълимни ривожлантиришда инновация жараёнлари	48
Хажиматова М. Оценка и прогнозирование фоновых загрязнений города Джизака	49
Арипов Н. Ю. Автомобилларни узок муддат ишлашни таминлашнинг муҳим омиллари	52
Зафаров О. З., Мухаммадиев Б. А. Автомобиль йўллари йўл пойини турғунлиги ва мустақамлигини таъминлаш	54
Зафаров О. З., Мухаммадиев Б. А. Автомобиль йўллари лойиҳалашда юқори намликдаги грунтлар ётган участкалардаги муҳандис-геологик қидирув ишлари	56
Zafarov O. Z., Urushboyev E. E. Main parameters of physical properties of saline soils along highways	59
Артиков Ғ. А., Бобокалонов М. Х. Рапогама дастурида худудни 3D кўринишидаги харитасини яратиш	61
Порманова Р. Т., Махмадиёров А. З., Порманова М. Т. Использование магнитооптического эффекта при исследовании свойств строительных материалов	63
Тошматов Н. У. Модернизации пылеуловители и организация воздухообмена в производственных помещениях	65
Исломов Р. Р., Ҳаққулов Б. А., Бегматов Б. Я. Автомобил йўллари шовкин муҳофазаси таҳлили	68
Одилов Н. Э. Қурилиш машиналари двигател кўрсаткичларига иссиқ иқлимнинг таъсири	69
Бегматов Б. Я., Абсатторов И. Х. Кафолат даврида бузилишларни олдини олиш мақсадида автомобилнинг техник ҳолатини текширишнинг мувофиқлигини асослаш	72
Суванқулов Ш. А. Автомобилларга газ қуйиш шахобчаларида техника хавфсизлиги ва портлашга хавфли зоналар чегарасини аниқлаш	73
Хасанов О. Э., Пардаев А. П., Султонов С. С. Ёнғинларни ўрта қаррали кўпик билан ўчиришда куч ва воситаларни ҳисоблаш методикаси	75
Пардаев А. П., Султонов С. С., Ярбеков Ж. Б. Ёнғинни ўчириш учун куч ва воситаларни ҳисоблашнинг умумий услубияти	78
Маҳкамов З. Т. Автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнларида фойдаланилаётган дастурий таъминотлар	81
Бобожонов Р. Т. Автомобиль йўллари пойи кўтармаларини ён захирадаги грунтлардан қуриш технологик жараёнлари ҳисоби	85

Файзуллаев Э.З., Абдурахманов Р.А., Рахмонов А.С., Носиржонов Ш.И. Тоғ йўлларида фавкулудли вазиятларда автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш.....	88
Худойкулов У.Ч.; Юзбаева М.З. Совершенствование качества эксплуатации магистральных трубопроводов	90
Абдуллаев Қ.Ю., Вахобова Г.Н. Куёшли совуткичлари учун қаттиқ сорбентларнинг техник кўрсаткичларини яхшилаш.....	92
Бобоев С.М. Ахмедова М.А. Атмосферага ташланадиган чангларни камайтиришда майда микрон ўлчамдаги сеткали чанг ушлаш ускунасини тадқиқ қилиш	95
Адилов О., Исроилов Ф., Абдурахманов М., Тўраев Э. Автомобилларни эксплуатация қилишдаги иқлим шароити таъсирининг тадқиқи	97
Ахмедов З. Ўзбекистонда автотранспорт хизматларининг ривожланиш тенденциялари.....	100
Исломов Ш. Э., Халилов А. Х. Жиззах шаҳрида йўловчи ташиш тизимини бошқаришни такомиллаштириш.....	102
Адилов О.К. доц., Абдурахманов М.М., Хаққулов Б., Исломов Ш. Эксплуатация хизмат тизимини атқаришда чиқариш техника базаси таркибида баҳолаш	105
Исломов Ш.Э., Хаққулов Б., Тураев Э., Умиров И. Йўловчи ташиш хизматларига боғлиқ фактлар ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги ечимлари	108

ИНЖЕНЕРЛИК ИНШОТЛАРИ НАЗАРИЯСИ ТЕОРИЯ ИНЖЕНЕРНЫХ СООРУЖЕНИЙ

Рахматуллаев М., Тогаев Х. Определение периодичности по закономерности изменения параметра технического состояния и его допустимому значению	111
Сафаров Р. Математическое моделирование некоторых геометрических параметров скачков уплотнения при отделении двух тел, расположенных один под другим	114
Абдуразаков Ж., Холиков Д., Худойназаров Х. Задачи осесимметричных нелинейных колебаний круговых цилиндрических оболочек и стержней.....	118
Рахимов Қ.Т., Бабаев А.Р., Абдураимова Д.А. Струяли аппарат кинематик параметрларини аниқлашнинг назарий асослари	122
Акилов Ж., Джаббаров М. Гидроциклическое воздействие промысловой жидкости на забой буровой скважины.....	124
Хусанов Б., Фатхуллаев Ф. Математический расчет на прочность некоторых сооружений в строительстве.....	126
Савурбаев А., Ньматов А. Программно-математический инструмент для вычислительного эксперимента по исследованию нестационарных процессов фильтрации газа	129
Раззаков Н.С. Исследование предварительно напряженных висячих покрытий при динамических воздействиях	133
Абдусаттаров А., Абдукадиров Ф.Э.К. Формированию расчетной модели гибких пологих оболочек и пластин при повторных упругопластических нагружениях.....	136
Усаров М.К., Аюбов Г.Т., Ювмитов А.С. Динамический расчет и анализ численных результатов с учетом конструктивных особенностей здания	141
Xudoyberdiyev S. I., Shukurov I. A., Karjavov B. Z. Qovushoq-elastik sterjenda buralma garmonik to'liqin tarqalishi	146
Shodmonqulova N. U. Исследования реакции сложного узла подземных сооружений при землетрясениях как система с одной степенью свободы	149
Косимов Т. К., Фозилов Т.Ф. Численная реализация решения задач напряженно-деформированного состояния и устойчивости секториальных оболочек.....	151
Эгамов И.Ю., Қаршубаева Р.Ж., Юсупов Э.И. Таълим-тарбия ва педагогик инновацион жараён моҳияти.....	159
Утегенова Г. Ташқи ва ички босим таъсиридаги ёпик топосферик қобиклар устиворлиги.....	161
ГАДАЕВ АБРОР НИЯЗОВИЧ 60 ёшда	164

Муҳаррирлар: Х.М.Ибрагимов, Ш.Қосимова.

Корректорлар: т.ф.н. доц. В.А.Кондратьев.

Компьютерда саҳифаловчи: Х.М.Ибрагимов

Теришга 2019 йил 22 декабрда берилди. Босишга 2019 йил 29 декабрда рухсат этилди.

Қоғоз ўлчами 60x84/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,9. Қоғози – офсет.

Буюртма № 17/2. Адади 200 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

СамДАҚИ босмаҳонасида 2019 йил 30 декабрда чоп этилди.

Самарқанд шаҳар, Лолазор кўчаси, 70. Email ilmiy-jurnal@mail.ru

ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ ДЛЯ ЖУРНАЛА «Проблемы архитектуры и строительства»

1. Объем статьи не более 5 страниц машинописного текста. Текст статьи печатается через 1 интервал, размер шрифта 12 пт. Рисунки шириной не более 9 см. Формулы – в редакторе Microsoft Equation.

2. К статье прилагаются: список литературы, аннотации на узбекском, русском и английском языках (объем 5-10 строки). Титульная страница должна содержать: УДК, название статьи, затем фамилию (или фамилии) и инициалы автора (ов).

Под списком литературы указать институт или организацию, представившую статью, а также указать сведения об авторах и их контактные телефоны.

3. Для каждой представляемой статьи должен быть представлен акт экспертизы той организации, где работает автор.

4. Текст статьи должен быть представлен в электронном варианте, а также в распечатанном виде - 2 экз.

5. Представленная статья проходит предварительную экспертизу. Независимо от результата экспертизы, статья автору не возвращается. Решение о публикации статьи в журнале принимается главным редактором совместно с членами редколлегии по специализации представленной статьи.

6. Автор(ы) должны гарантировать обеспечение финансирования публикации статьи.

Редколлегия